



Ходжиматов А.Н.  
Султанова Н.Б.  
Қамбарова Д.М.



# ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖОНКУЯРЛАРИ



CN0000033592

ТОШКЕНТ - 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ходжиматов А.Н., Султанова Н.Б., Қамбарова Д.М.**

**ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖОЎКУЯРЛАРИ**

**ТОШКЕНТ - 2016**

**Ходжиматов А.Н., Султанова Н.Б., Қамбарова Д.М.** География таълими жонкуярлари. 2-нашр.

Мазкур рисолада ўқиш ёки меҳнат фаолиятлари Низомий номидаги ТДПУ билан узвий боғланган, республикада география фани ва уни ўқитиш методикаси соҳаси ривожига самарали ҳисса қўшган етук географ-методист олимлар ҳамда илғор мактаб география ўқитувчиларининг ҳаёти ва илмий-педагогик фаолиятлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Рисола магистрантлар, бакалаврият талабалари, катта илмий ходим изланувчилар, ўрта махсус таълим тизими ва умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда кенг оммага мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори, профессор, „Турон“ фанлар академиясининг академиги **Ҳожинакбар Ҳамидов**

**Такризчилар:** М.Улугбек номидаги ЎзМУ профессори, география фанлари доктори, Ўзбекистон География жамияти раиси **А.С.Солиев**

Низомий номидаги ТДПУ „География ўқитиш методикаси“ кафедраси доценти, география фанлари номзоди **Н.И.Сафарова**

Рисола Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2016 йил 28 январдаги 7/3.3.6 - сонли қарори баённомаси билан нашрга тавсия қилинган.

### **Аннотация**

Рисолада Ўзбекистонда география таълими тарихи, фан ва таълимнинг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ҳамда илғор мактаб география ўқитувчиларининг айримларини ҳаёт фаолиятлари баён этилган.

### **Резюме**

В брошюре освещена история преподавания географии, а также даются сведения о жизнедеятельности выдающихся ученых и ведущих педагогов географов Узбекистана.

### **Summary**

The history of formation of geography is described in the brochure, as well as. The information is given about life and activity of some outstanding scientists on geography and leading teachers of geography of Uzbekistan.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг  
**80 йиллиги** ҳамда **Ўқтамхон ва Анбархон** онажонларимизнинг хотираларига бағишланади

Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган,  
инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб  
ўқитувчиларни, муътабар муаллимларни  
бундан буён ҳам бошимизга қўтарамиз.

**Ислоҳ Каримов**

## **СЎЗ БОШИ**

Дунёда шундай инсонлар бўлар экан, улар билан замондош бўлиб яшаётганингдан фахрланиб кетар экансан киши. Агар ўша инсонлар бир вақтлар сенга ва сен каби юзлаб-минглаб шогирдларга сабоқ берган устоз-мураббий бўлса-чи? Яна у инсонлар сен фаолият олиб бораётган жамоага обрў-эътибор келтирган-келтираётган, эл назарига тушган, илм-фан, маориф ва маънавиятимиз тараққиётига самарали ҳисса қўшган зиёлилар сарвари бўлсалар, у кишилардек устозлар тўғрисида бирон нарса ёзиш жуда қийин бўлсада аммо, шарафли иш эканлигини тушуниш қийин эмас.

География илмининг жонкуярлари бисёр. Улар республикамизда ушбу фан тараққиётига баҳоли қудрат ўз хиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмоқдалар. Устозларнинг айримлари ҳозирги истиқлол онларини орзу қилган бўлсаларда, афсус бу кунларни кўриш уларнинг баъзиларига насиб этмади.

Рисолада унинг кўлами, мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, фақатгина асосан география ўқитиш методикаси соҳасида самарали фаолият кўрсатган, айнан шу соҳадаги хизматлари туфайли эл-юрт ҳурматиغا сазовар бўлган, ҳаёт фаолиятларининг маълум қисми Низомий номидаги ТДПУ билан чамбарчас боғланган бир гуруҳ олимларимиз тўғрисида батафсилроқ тўхталинган.

Бутун куч-қудрати, илмини ёшларнинг соғлом, билимли, баркамол авлод бўлиб етишишига қаратган бошқа устозлар ҳақида ҳам нафақат мақола-ю, рисоалар, балки катта-катта жилдларда асарлар ёзилишига ишонамиз.

**Ш.С.Шарипов**

Низомий номидаги ТДПУ ректори

## ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ

Ўзбекистонда география таълимининг ривожланиши XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида “Янги усул” мактабларининг гашкил қилиниши ва фаолияти билан боғлиқ.

Мазкур мактаблар учун Самарқандда 1905 йил “Туркистон ва унга қўшни мамлакатлар картаси” нашр қилинди. 1890 йил Оренбургда (Россия) Фотиҳ Каримнинг география дарслиги босилиб чиққан. XX аср бошларида маҳаллий мактабларда география фани бўйича қуйидаги дарсликлар мавжуд эди:

Махмудхўжа Бехбудийнинг “Қисқача умумий география” (1902), “Аҳоли географиясига кириш” (1909); Фотиҳ Каримнинг “География” (1914); Муҳаммад Амин Каримийнинг “Жўғрофия риёзий” (“Математик география”) (1914); Мунаввар Қори Абдурашидхон ўглининг “Ер юзи” (1915) дарслиги. Ўтган асрнинг 20-40-йиллари мобайнида Ўзбекистонда қуйидаги дарсликлар нашр этилган: А.Крубер, С.Григорьев, А.Барков, С.Чефрановлар томонидан ёзилган “Бошланма жўғрофия” (1913) (Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган); А.Гейкин “Табиий жўғрофия” (1925) (чет тилидан рус тили орқали таржима қилинган), Г.И.Ивановнинг “Бошланғич жўғрофия” (1927) дарслиги (рус тилидан ўзгартирилиб, қайта ишланиб таржима қилинган; Н.Блашов “Ўзбекистон ва унга қўшни жумҳуриятлар ҳамда вилоятлар” (1925); Н.П.Архангельский “Жўғрофия” (ўлкани ўрганиш дарслиги) (1933); А.Обизов “Ўзбекистон социалистик шўролар жумҳурияти жўғрофияси” (1934); А.Обизовнинг “Ўзбекистон жўғрофияси” дарслиги ўзбек мактаб географияси тарихида биринчи оригинал дарслик бўлган.

XX асрнинг 30-йиллари бошида вужудга келган дастлабки география ўқитиш методикасига оид китоб Н.И.Леоновнинг “Жўғрофия методикаси бўйича очерклар” методик қўлланмасидир. Ўша даврларда ўзбек тилида географиядан дарс берадиган мутахассислар-ўқитувчилар бўлмаган. Ўзбек тилида дарс берадиган географ-ўқитувчиларни четдан келтирилган, шулардан бири Уфадаги Мадрасаи Олияни битирган Жаҳоншоҳ Мирзажон ўғли Бахтиёров

(1892) эди. У 1922 йилдан бошлаб Тошкент музофот педагогика техникумида географиядан дарс бера бошлаб, 1944 йилгача география ўқитувчиларини тайёрлашга катта ҳисса қўшган.

Ўзбекистонда кўзга кўринган географларнинг кўпчилиги, жумладан, Низомий номидаги ТДПИ “Табиий география” кафедрасининг доценти, география фанлари номзоди Мухсит Қориев, катта ўқитувчи Иброҳим Мирзобоев каби инсонлар илк географик билимларни Ж.М.Бахтиёровдан олганлар.

1927 йилда Ўзбекистонда тўнғич махсус олий педагогика ўқув юрти Самарқанд олий педагогика институти ташкил топди.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб ўзбек мактабларида дарс бериш учун дастлабки ўзбек географ ўқитувчилари етишиб чиқа бошлади. Иқтисод фанлари номзоди, доцент Н.Ибодов (1926 йилдан бошлаб), катта ўқитувчи И.Мирзобоев (1928), география фанлари номзоди, доцент Н.Долимов (1929), Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар: А.Аҳроров (1929), Ғ.Назаров кабилар тўнғич география ўқитувчиларидир.

Мактаб географияси Ўзбекистонда собиқ шўролар даврида бошқа собиқ иттифокдош республикалар мактаб географиясига ўхшаб Россия мактабларининг намунасида бошланган. Бунга аввало собиқ ВКП(б) МКнинг 1934 йил 16 майдаги “Ўрта мактабларда географияни ўқитиш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Правда” газетасининг 1937 йил 10 сентябрдаги бош мақоласи асос бўлган.

Ўқув дастурлари ва дарсликлар деярли собиқ иттифокнинг бошқа мактабларидагисининг ўзи эди. Русий забон мактаблар учун дарсликлар Москвада нашр этилиб, ўзбек мактаблари учун улар Тошкентда ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этиларди.

Ҳар бир республиканинг ўз географияси қўшимча ўлкашунослик материали сифатида: 7-синфда “Ўзбекистон табиий географияси” 14 соат; 8-синфда 11 соат “Ўзбекистон иқтисодий географияси” ўрганилар эди.

Мактаб географияси юқоридаги ҳолатларга қарамай, география ўқитувчилари билан деярли таъминланган, қатор мактабларда география хоналари ва керакли жиҳозларга эга эди. Кейинчалик

Ўзбекистондаги мактаблар учун ўлкашунослик қўлланмаси сифатида муаллифлар: Н.Долимов, М.Қориев, О.Мўминов, З.Ақромов, П.Мусаевлар томонидан табиий ва иқтисодий география бўйича дарсликлар нашр қилинган.

Булардан ташқари ўзбек тилида картография (Т.Мирзалиев), иқтисодий география (П.Мусаев), топонимика (Х.Ҳасанов), умумий табиий география (Х.Ҳасанов, П.Мусаев, Р.Қурбонниёзов) га оид қўлланмалар ҳам нашр этилди. Ўзбекистоннинг мактаб географик атласи яратилди.

Олий география таълимига илк бор 1935 йилда САГУ (ҳозирги ЎзМУ) даги Геология-тупроқшунослик-география факультетида география гуруҳининг ташкил этилиши ҳамда шу йили Самарқанд университети, Фаргона, Бухоро ва Тошкент педагогика институтларида географлар тайёрлашнинг бошланиши асос бўлди.

Моҳир педагог ва олим “Ўзбек Магеллани” номини олган география фанлари доктори, профессор Х.Ҳасанов Ўрта Осиёни географик текширишлар ва саёҳатлар тарихи, топонимика, транскрипция ва географик атамашуносликка оид кўплаб асарлар яратди. Х.Ҳасанов булардан ташқари география ўқитиш методикаси билан мутассил шуғулланган етук методист олим ҳам эдилар.



География таълими ва уни ўқитиш методикаси ҳақида гап кетганда, айниқса, университетимизда унинг тамал тошини қўйган ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган доцентлар: М.Ю.Мирбобоев, М.В.Қориев; катта ўқитувчилар: И.Мирзабобоев,

К.Рашидов, Ж. Усмонов; доцент А.В.Хисомов, профессор Р.Л.Югай; катта ўқитувчилар: Х.Сиддиқов, Мирхабибов, А.Омилов; доцент В.Ковальчук; катта ўқитувчи У.Рустамов; доцент И.Иноғомов; катта ўқитувчи З.Шомуротова, доцент Б.Миртурсунов; катта ўқитувчи А.Кўчқоров; доцент З.Райимжонов кабиларни ҳам ёдга олмаслик иложсиз. Уларнинг ҳар бирлари бир китобга мавзу бўлишга арзигулик



инсонлар-устозлар-олимлар эдилар. Кейинги нашрларда улар тўғрисида ҳам батафсилроқ тўхталишни дилимизга тугиб қўйдик.

Албатта, республикамызда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг асл моҳияти соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдир. Шундай экан, бунда география фани етакчи ўринларда боришига шак-шубҳа йўқ. Бу ўз ўрнида география таълимининг савиясига бевосита боғлиқ. Элезе Реклю айтганидек: **“География бугунги кун тарихи, Тарих эса ўтган кунлар географияси”**дир.

Демак, география фани тарих ва бошқа фанлар каби юқори мавқеяга эга бўлиб, унинг тарбиявий, илмий, амалий аҳамиятини янада юксалтирмоқ зарур. Бу кўп ҳолларда ўзимизга, яъни географ ва географ-методистларга боғлиқ.

## ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖОНКУЯРЛАРИ

**Долимов Нуъмон Долимович - география фанлари номзоди,  
доцент,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби**



Н.Д. Долимов 1906 йил 1 февралда Тошкент шаҳрида туғилганлар. 1940 йилда Тошкент давлат педагогика институти география ихтисослигининг кечки бўлимини тугатганлар. 1943 йили “Нурота тизмаси шимолий ёнбағрининг табиий географик хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, маҳаллий ходимлар орасида биринчи бўлиб география фанлари номзоди илмий даражасини олганлар.

Нуъмон Долимович 1938-1939 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг “География – геология – тупроқшунослик” факультетида ассистент бўлиб ишлаган даврларида университетда ўзбек домлалари жуда кам бўлган. Н.Д. Долимов талабаларга “Умумий ер билими”, “Ўзбекистон табиий географияси”, “Ўрта Осиё табиий географияси”, “Геоморфология” фанларидан сабоқ берганлар.

Нуъмон Долимов “География” факультет тарзида алоҳида ажралиб чиққандан кейин, қарийб 25 йил (1945-1968) деканлик қилганлар. Қайд қилиш жоизки, Нуъмон Долимовичнинг оталарча жонкуярликлари, илмий ходимларга бўлган эътиборлари кўплаб талабаларнинг муносиб ҳаёт йўлларини топиб, олимлик даражасига етишишларига тurtки бўлган. Мана ўшаларнинг айримлари, география фанлари номзодлари: И.Ҳасанов, А.Зайнутдинов, Ш.Эргашев, И. Назаров, Х.Масудов; геология-минерология фанлари номзоди С.Олтиев; тарих фанлари номзоди Х.Нурмухаммедов; иқтисод фанлари номзоди Э.Тохиров; педагогика фанлари номзодлари: Т.Абдуллаева, М.Юнусова; иқтисод фанлари доктори Қ.Абиркулов; география фанлари докторлари: Т.Жумаев, А.Рўзиев, А. Рафиқов, С.Қораев, Т.Мирзалиев ва ҳ.к.

Шогирдлари ва издошларининг домла тўғрисидаги хотираларига мурожаат қилайлик.

**География фанлари номзоди, доцент И. Назаров сўзи:** “Нўъмон Долимович ҳар бир талабани мукамал билишга, раҳбар, устоз сифатида унга алоҳида эътибор беришга ва ҳақиқий инсоний муносабатда бўлишга интилар эдилар... табиатан босиқ, якка-якка, равон ва соф адабий тилда сўзлайдиган устоз талабаларга жуда юмшоқ, самимий муносабатда бўлар эдилар”.

**Доцентлар: Т.Маллабоев ва Х.Муродов хотираларидан:** “У кишидаги бағрикенглик, очиқ чехра ва ўзбекона хушмуомалалик, чуқур илмий мушоҳадалилик, айниқса, илмий кадриятларга ўта содиқ, моҳир ташкилотчи ва устоз-мураббийнинг юксак инсоний фазилатлари биз шогирдлар қалбида ўчмас из қолдирган..., доимо қўллрини кўксиларига қўйиб салом-алик қилишлари, кишиларнинг исми шарифларини тўла ва тўғри талаффуз этишлари, ёшларни “укаларим”, “ўғилларим” ҳамда “қизларим” деб яхшиликка даъват этишлари ва бошқа туганмас олижанобликлари биз талабаларга “буюк ўзбек миллатининг” тарбия хазинасидаги марваридларидек туюларди...”

Кўпгина талаба йигит-қизлар домладаги меҳридарёлик ва қалби тозаллик ҳамда юксак педагогик маҳоратларига қойил қолиб, “агар турмуш куриб ўғил фарзанд кўрсак, унинг исмини Нўъмонжон”, деб аташни ният қилган эдилар. Айрим шогирдлари бу муқаддас ниятни амалда бажардилар”.

**Филология фанлари доктори, профессор О. Азизов хотиралари:** “Иш юзасидан учрашганда, шахсий суҳбатларда Нўъмон аканинг ҳалол, покиза, тўғри, виждонли инсон ва билимдон олим эканликларини жуда яхши билиб олдим.

Нўъмон Долимович лаганбардорлик, тилёғламачилик, ёлгончилик каби найрангбозликларни жуда ҳам ёмон кўрар, кишиларни ғийбат қилувчиларидан, иғво тарқатувчиларидан нафратланар эдилар. Ҳалол, софдил, ишчан бўлганликларидан география факультетига 25 йил деканлик қилдилар... .

Домла умр бўйи барча соҳаларда илмий-амалий, маъмурий соҳаларда ҳалол ишлаб, халққа, халқ маърифатига улкан ҳисса қўшдилар. Ўзбек маданияти тарихида Нуъмон Долимович Долимов номи дили пок инсон, ўзи поку, сўзи пок маърифатпарвар, биринчи ўзбек географ олими сифатида сакланиб қолади... У киши барчага бирдай очиқ кўнгиллилик билан сидқидилдан муносабатда бўладиган, ҳақиқатгўй, кишиларга, инсонларга ғамхўр зот, талабаларни ўз фарзандидай яхши кўрадиган мураббий, бағрикенг, саховатли, юксак фазилатли чин инсон эдилар”.

**Профессор С.Қораев хотиралари:** “Бу одам салобатли, сури баланд инсон эдилар. Бундай фариштаси улуг кишилар ҳамманинг олдида катта обрўга эга бўладилар. Талабалар тугул ўқитувчи-профессорлар ҳам декандан ийманиб турар эдилар.

Домла барчага – каттага ҳам, кичикка ҳам бир хилда хушмуомалада бўлганлар, шу билан бирга жондош, сирдош, дўст танлашда устознинг ўз ўлчовлари бўлганга ўхшайди; самиймилик, устуворлик (қатъийлик), камтарлик, билимдонлик, классик адабиётдан хабардорлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик. Негаки, домланинг барча дўстлари ўзлари каби ана шундай хусусиятларга эга эдилар”.

**Академик И.Ҳамрабобоев хотиралари:** “Долимовлар сулоласи – тўрт оға-ини ҳам улкан истеъдод эгалари, беназир инсонлар эдилар. Уларнинг фарзандлари ҳам ота йўлидан бориб, замонасининг етук кишилари бўлиб етишдилар.

Нуъмон ака ўз соҳасининг билимдони, ҳаётнинг паст - баландини тушунган, доно ва саҳий одам эдилар. Факультетда бўлиб турадиган байрам маросимларини тайёрлаш ва ўтказишда фаол қатнашар, биз каби ёшларни ҳам жалб қилиб, ҳаттоки, сабзи-пиёз тўғраш, ошга гуруч босиш йўлларини ҳам ўргатар эдилар. Бошқа бўш вақтларда кафедрада география фанининг айрим соҳалари ва дарс ўқишнинг йўл-йўриқлари ҳақида суҳбатлашардилар. Шунда Нуъмон ака дарс ўқишнинг баъзи мушкул жойларини тушунтирар, айрим муҳим хулосаларни 2 ва 3 мартадан қайтариб, таъкидлаш лозимлигини айтар эдилар. ...

Домланинг шахсий сифатлари алоҳида таъкидлашга лойиқдир.

Табиатан зукко, хуштаъб инсонлар ҳамма жойда сўзини билиб гапирадилар. Ўзини билиб тутадилар, барчани хурматини ўрнига қўйиш билан бир қаторда ўзларини хурмат қилишга бошқаларни мажбур қила биладилар. Айни вақтда ҳамма билан ҳам ош-қатик бўлиб кетавермайдилар.

Нўъмон ака ана шундай одамлардан эдилар. У киши бошқаларнинг гапларини жон қулоғи билан эшитар, суҳбатдошининг юзига тик боқиб сўзларини дона-дона, чертиб гапирар, фикрларининг қандай акс-садо берганини синагандай жилмайиб, улфатларига тикилиб, бир лаҳза жим колар эдилар. Бу суҳбат бозори олди - сотдисининг харидорларини аниқлаш санъати эди. Бундай фариштали одамлар абадий эсда қоладилар”.

Н.Долимовнинг география фани ва таълимининг ривожлантиришдаги фаолиятларини уч қисмга бўлиш мумкин: 1) Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) олиб борилган географик тадқиқот ишларини ташкил этиш ва бошқариш; 2) олий ва ўрта таълим масканлари учун географик лугатлар тайёрлаш ва нашр этиш; 3) Ўзбекистон географияси бўйича мактаблар учун дарслик ва турли қўлланмалар яратиш.

Н. Долимовнинг география таълими соҳасида нашр қилинган ишлари рўйхати қуйидагилар:

1. Долимов Н.Д. и др. Краткий русско- узбекской словарь географических терминов. Т., 1953.

2. Долимов Н.Д. ва б. Ўзбекистон географияси. Саккиз йиллик мактабларнинг 8-синфлари учун дарслик. Т.: Ўрта ва олий таълим, 1962.

3. Долимов Н.Д. и др. География Узбекистана. Учеб. Т.: Среднее и высшая шк., 1963.

4. Долимов Н.Д. ва б. Ўзбекистон географияси. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1964.

5. Долимов Н.Д. и др. География Узбекистана. Учеб. Т.: Ўқитувчи, 1966.

6. Долимов Н.Д., Мўминов О., Қориев М. Ўзбекистон табиий географияси. Ўқув қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1976.

7. Долимов Н.Д., Муминов А., Қариев М. Физическая география Узбекистана. Учеб.пос.. Т.: Ўқитувчи, 1977.

8. Мўминов О., Долимов Н., Қориев М. Ўзбекистон табиий географияси. Дарслик, 9-нашр. Т.: Ўқитувчи, 1986.

Нўмон Долимовичнинг самарали илмий-педагогик ва жамоат ишларидаги фаолиятларини ҳисобга олиниб, ҳукумат томонидан “Меҳнат Қизил байроқ” ордени ҳамда кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар.

Биринчи ўзбек географ олими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, устоз Нўмон Долимовнинг порлоқ хотираси нафақат унинг шогирдлари, балки Ўзбекистонда география фанини ривожлантириш йўлида хизмат қилаётган барча олим ва педагог-ўқитувчилар қалбида абадий яшайди.

### **Набихонов Муҳитдин – педагогика фанлари номзоди, доцент**



Педагогика фанлари номзоди, доцент Муҳитдин домла Набихонов 1920 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида таваллуд топганлар. Оталари Мулла Набихонов сайру-саёхатни ҳамда бадиий адабиётни дилдан севган инсон бўлганлар. Шу туфайли Муҳитдин домлани болаликларида кўп марта Турбат, Чимкент, Жамбул ва Бўстонликқа олиб борган эканлар.

Дадалари Навоий, Фузулий, Муқимий, Тавалло шеърларини ёддан билар ва уни фарзандларига айтиб берар эканлар. Оталаридаги бу фазилат Муҳитдин домлага муайян даражада таъсир этганлиги аниқ. Муҳитдин домла Набихонов етти йиллик мактабда (ҳозирги М.Уйғур номидаги) ўқиганлар. Мактабда Маъруф Қориев, Туроб Тўла, Пўлат Мўмин каби эл суйган фарзандлар билан ҳамсухбат бўлганликларини доим эслаб турардилар. Домла 8-синфни Тошкент шаҳридаги 14-мактабда давом эттирдилар, ўқувчилик чоғларида илғор ўқитувчи-педагоглар: Оқилхон Шарофиддинов, Тоҳир Содиқов каби устозлардан таълим олганлар, улар таъсирида бўлганлар.

М.Набиhoнов 1938 йилда мактабдош дўстлари Акром Обидов ва Ахрор Ахмаджоновлар билан бирга САГУ (hozирги ЎзМУ)нинг “География” бўлимига хужжат топширишиб, кириш имтихонларидан муваффақиятли ўтишади. Талабалик даврларида геология бўлимидаги талабалар: Иброхим Ҳамрабоев, Мажид Зокиров, биолог Теша Одиловлар билан дўстлашадилар. “Ўз курсдошларим билан “халқ душманлари” Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир асарларини яширинча ўқирдик, айрим жойларини бир-биримизга ёддан айтиб берардик”, - деб эслардилар домла.

Талабалик чоғларида профессорлар: Н.Г.Малицкий, Л.А.Молчанов, Р.А.Корженевский, С.Г.Кодак, В.М.Четиркин, О.Ю.Пославская каби етук географ олимлар маърузаларидан бахраманд бўлганлар. 1943 йилда университетни тамомлаб, “Иқтисодий география” кафедрасига аспирантликка қабул қилинадилар. Профессор В.М.Четиркиннинг илмий раҳбарлигида “Мирзачўлнинг иқтисодий географик тафсилоти ва ундан хўжаликда фойдаланиш” мавзусидаги номзодлик иши тадқиқотини бошлайдилар. Бироқ, 1945 йилнинг 10 ноябрь куни домланинг бошларига оғир кулфат тушади. Уйларида тингув ўтказилиб, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини топиб оладилар ва ўзлари билан китобни Давлат ҳавфсизлик қўмитаси (КГБ) га олиб кетадилар. “Антисовет фаолияти учун қатагон қилинган “халқ душмани” А.Қодирийнинг тақиб қилинган китобини уйда асраган”, деб айиб қўйилиб, жиноят кодексининг бб-моддаси билан М.Набиhoновни уч йил озодликдан маҳрум этадилар. Ана шўролар давридаги адабиётга бўлган ошнолик, ана бадий адабиётга бўлган муҳаббат натижаси.

М.Набиhoнов 1948 йилнинг 10 ноябрида камоқдан озод бўладилар, аммо ўзлари яшаган уйларида яшашга руҳсат берилмайди. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги йўлланмаси билан Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманига ишга юбориладилар. У ерда аввал маориф назоратчиси, сўнг мактаб директори лавозимида ишга тайинланадилар. Афсуски, туман фирка қўмитаси котиби “қатагонга учраган”, деб мактаб директорлиги лавозимидан бўшатиб юборади. Университетдош дўстлари Зоир Зокиров ёрдамида Тошкент

вилоятининг Оҳангарон туманидаги Облиқ кишлоғига келадилар ва мактабда илмий мудир ҳамда география ўқитувчиси бўлиб ишлайдилар.

Қамокдан чиқиб 6 йил ўтади ва нихоят 1953 йилнинг март ойида “қамалган” тамғасидан холи бўладилар, 1954 йилнинг эзида, қарийб 10 йилдан сўнг уйларига – она шаҳри Тошкентга қайтадилар. Меҳнат фаолиятларини ўзлари тамомлаган 14-мактабда география фани ўқитувчилигидан бошлайдилар. 1954 йилнинг кузида Тошкент шаҳар халқ таълими бўлимига география фани услубийчиси лавозимига ишга ўтадилар.

М.Набиҳонов 1955 йилда ўриндош тарзда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (университети) га ишга ўтган бўлсалар, ҳаёт фаолиятлари 1956 йил сентябрдан бошлаб деярли ярим аср мана шу олийгоҳ билан бирга ҳамнафас бўлдилар. Домла ушбу даргоҳда 1956 йилдан ассистент, 1960 йилдан катта ўқитувчи, кейин доцент, узоқ йиллар мабойнида кафедра мудир, декан ўринбосари, деканлик вазифаларини бажардилар.



Ўтмиш, хотира, изтироблар домланинг илм-фанга ҳамда бадий адабиётга бўлган интилишлари ва қизиқишларини сўнгдира олмади. Домла 1967 йилнинг баҳорида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетида биринчи марта малака ошириш курсида бўлиб, номзодлик диссертациясини ёзишга киришдилар.

“Ҳасос шоир Ҳамид Олимжоннинг машҳур “Ўзбекистон” шеъри менда география дарсларида бадий адабиётдан фойдаланиш ғоясини уйғотган”, - дер эдилар М.Набиҳонов:

**Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда.  
Чаппар ўриб гуллаган боғин,  
Ўпар эдим Ватан тупроғин.**



Бу фикрни москвалик профессорлар: А.И.Соловьев, А.Е.Бибик ва бошқалар ҳам маъқуллайдилар. Тинимсиз меҳнат, изланиш ва тадқиқотлар натижаси 1969 йил 29 июнда доцент П.Баратов



рахбарлигида “Бадиий адабиёт материали билан манзара (пейзаж) ва хужжатли кинофильмлардан география дарсларида фойдаланиш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси химояси билан якунланади.

Домладаги юксак маданият, гўзалликдан завкланиш, бой нафосат чашмалари географияни ҳам, бадиий адабиётни ҳам бирдек севганликлари тухфаси бўлса ажабмас. Шунинг учун ҳам Домланинг ҳар бир дарслари талабаларни гўзалликка, маданиятга, маърифатга ошноликка етаклар эди. Домла “Чет мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий географияси”данми, “Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси”данми, қўйингчи қайси фандан дарс ўтмасинлар, шеърят, манзара орқали Ўзбекистон табиатининг жозибаси ифодаланиб, тоза адабий тилда, бутун аудиторияни ўзларига махлиё қилган ҳолда дарс ўтар эдилар. Яна бир хусусиятлари кўп ўқир эдилар. Кундалик халқаро майдондаги сиёсий янгиликлар моҳиятини теран англаб эдилар, ҳамиша янги ахборотлар ҳамроҳлари бўлар эди. Дарс бошланиши билан 3-4 та талабалардан дунёдаги рўй бераётган охириги янгиликлар ҳақида сўрар ва охирида ўзлари яқун ясаб, янги мавзунини бошлар эдилар.

Доцент М.Набихоновнинг 100 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари журнал, тўплам ва бошқа матбуот саҳифаларида нашр этилган. Шунингдек, ўнтага яқин ўқув ва методик қўлланмалар ҳам домла қаламларига мансуб. Айниқса, улар томонидан ҳаммуаллифликда нашр этирилган: 1) Ўзбекистон табиий географияси (Т.: Ўқитувчи, 1981); 2) Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал географияси (Т.: Ўқитувчи, 1984); 3) Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси (Т.: Ўқитувчи, 1994) каби олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари ўз даврининг энг

зарур ва аҳамияти жиҳатидан юксак мавқеяга эга манбалари бўлган. Бироқ, улар ҳозирда ҳам янги замонавий ўқув қўлланма ва дарсликларга асос сифатида ўз салоҳиятини йўқотганича йўқ.

Домла, республикамизда географ-методист олимлар етишиб чиқишига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Уларнинг бевосита илмий раҳбарликларида бир қанча изланувчилар фан номзоди илмий даражасига эришганлар. Шунингдек, Домлани ўтган асрнинг 60-йиллари охиридаёқ ўз тадқиқот ишлари билан география таълимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш соҳасида тамал тошини қўйган олимларнинг қарвонбошиси деб ҳисоблаш ўринлидир.

М.Набиҳонов Ўзбекистон Республикаси “Халқ таълими аълочиси”, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Устоз” унвони ҳамда “Шавкатли меҳнати учун” медалига сазовор бўлганлар. Нафақат медалу унвонларга, энг асосийси Устоз эл-юрт, касбдошлари, шогирдлари, маҳалла-қўй ҳурматига ҳам сазовор бўлган чинаккам инсон эдилар. Шу боис бўлса керак, салкам 90 ёшда (2009 йил) бу ёруғ дунёни тарк этдилар. Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин.


**Ақромов Зиёвутдин Муҳиддинович – география фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Республика Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори**



Зиёвутдин Ақромов (1923-2003) 1949 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ)ни битириб, ўша йили Москва давлат университетининг аспирантурасига ўқишга кирганлар. 1953 йилда таникли олим, география фанлари доктори, профессор Ю.Г.Саушкиннинг илмий раҳбарлигида “Наманган вилоятига иқтисодий географик таъриф” мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 1962 йилда эса “Самарқанд ва Бухоро вилоятлари кишлоқ хўжалиги географияси” мавзусидаги докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Шу

326797

17



йилдан бошлаб Домла ҳаётида ва бутун республикамиз географлари илмий изланишларида туб бурилиш - кўтарилиш даври бошланди десак ўринли бўлади. 1962 йил ТошДУ “География” факультетида илгари Ўзбекистон ФА таркибида бўлган география илмий тадқиқот бўлими иш бошлади. Бўлимга таниқли иқтисодий географ, профессор З.М.Ақромов раҳбарлик қилганлар. Илмий бўлим жамоаси асосан республика ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммолари устида ишлади. Бўлим қисқа вақт ичида Москва, Ленинград (Санкт-Петербург) ва Киев университети олимлари билан мустаҳкам илмий алоқалар ўрнатиб, юқори малакали илмий ва педагог ходимлар тайёрлашга, айниқса катта эътибор билан қаради.

Домланинг асосий илмий изланишлари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик географияси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган бўлсада, у киши республикамизда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил топишининг назарий асосларини биринчилардан асослаб кўрсатган олим ҳам эдилар. Бундан ташқари Устоз мамлакатимизда иқтисодий географик районлаштириш асосчилари –ташкilotчиларидан бири бўлганлар.

Маҳаллий ўзбек олимларидан биринчи бўлиб “Иқтисодий география” кафедрасига профессор З.М.Ақромов раҳбарлик (1969-1984) қилдилар. Кафедра аъзолари Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш ҳамда прогноз қилишнинг географик муаммоларини ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этдилар. 1974 йилда кафедра мудири З.М.Ақромовнинг “Проблемы хозяйственного освоения пустынных и горно-предгорных территорий” номли илмий монографиялари нашрдан чиқди. Олим-Устоз Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш борасидаги баракали тадқиқотлари учун бир гуруҳ иқтисодчи олимлар билан биргаликда фан ва техника соҳасидаги Ўзбекистоннинг Беруний номли давлат мукофотини олишга сазовар бўлдилар.

Домла З.М.Ақромов ҳақиқий илм-фан, таълим фидойиси эдилар. У киши 200 дан кўпроқ илмий ишлар муаллифи, 20 дан ортиқ фан номзоди ва 2 нафар фан докторига устозлик қилиб, уларни турли илм

даргоҳларида ўз ўринларини топишларига йўл-йўриқ кўрсатганлар, 100 дан ортиқ диссертацияларга расмий оппонент бўлганлар.

Зиёвутдин Муҳиддиновичнинг шогирдлари республикамиздан ташқари Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон



республикаларида география фанини ривожлантириш борасида самарали хизмат қилиб келмоқдалар.

Олимнинг илмий раҳбарликларида: Ш.Азимов, И.Аликулов, М.Ҳошимов, Х.Халилова, Б.Суюндуков, А.Назруллаев, О.Абдуллаев,

С.Қуролова, Х.Атамуродов, С.Исломов, А.Демеев, А.Ўтаганов, Т.Шогўраев, Р.Усмонов, И.Магзумов, А.Содиқов ва бошқалар ўз номзодлик диссертацияларини химоя қилганлар. Домла Ўзбекистон География жамиятининг президенти (1996-2002) сифатида ҳам республикада география таълими ва илмини тарғибот-ташвиқот қилиш ва ривожлантиришга катта эътибор билан қарадилар. Ўрта мактабларнинг 8-синфлари учун “Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси” дарслигини П.Мусаев билан ҳамкорликда ёздилар (2000-2003 йилларда нашр этилган), Ўзбекистон Республикаси географик атласини яратилишига раҳнамолик қилдилар, ЎзР ФА География бўлимини 1958 йилда ташкил этиб, уни 15 йил давомида бошқардилар. 1969-1984 йилларда ЎзМУ География факультетининг “Иқтисодий география” кафедрасига мудирлик қилиб, ўқув ва илмий тадқиқот ишлари ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар.

З.М.Ақромов – Домла қаламига мансуб қуйидаги илмий монография ва асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган: Наманганская область (1955), Фарғона водийси (1957), икки қисмдан иборат –География сельского хозяйства Самаркандской и Бухарской областей (1961, 1962), Проблемы хозяйственного освоения пустынных и горно-предгорных территорий (1974), Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря (проф. А.Рафиқов билан, 1990) ва бошқалар.

Низомий номидаги ТДПИ (ҳозирги ТДПУ) география-биология бўлимида талабалик давримизнинг 3-курсда “География фанлари доктори, профессор З.Ақромов билан учрашув” кечасида биринчи бор Домлани кўрганим, маъруза ва суҳбатларидан баҳраманд бўлганим ёдимда.

ЎзР ФА қошидаги География бўлимида сиртқи аспирантурада ўқиган даврларимда (1990-1994) Домла билан суҳбатлашишга, зарур маслаҳатлар олишга баҳраманд бўлишга муяссар бўлдим. Аспирантурага кириш ва ҳимоя олди имтиҳонларида катнашиб, ишимизга омад тилаганликлари биздек ёшларга катта мукофот эди, ўша даврларда.

1996 йил 11 декабрда устозим профессор А.Рафиқов раҳбарлиги остида яқунланган номзодлик ишимизнинг ҳимояси куни Домланинг ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси сифатида муҳокама чоғида билдирган камина ва диссертациямиз салоҳияти тўғрисидаги илик фикрлари ҳали ҳануз магнитофон тасмасида сақланади (Х.А.). Домла чинаккам бағри кенг, эзгу ниятли, олийжаноб, зийрак инсон эдилар, улардаги ажойиб инсоний фазилатларни барчамизга раъво кўрса арзийди. Иншо Оллох, Домлани ўз раҳматига олган бўлсин, руҳлари хамиша ҳаммамизга мададкор бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

**Сен гар илм истасанг, устоди аввал,**

**Зиёвутдин Муҳиддин Ақроми бўл,**

**Чун они илмига заргар бўлибон,**

**Ижтимоий-иқтисодга, аҳолию-тадқиқотга илми амали бўл.**

(Субҳон Аббос)

### **Мўминов Ортиқ Абдуллаевич – педагогика фанлари номзоди, профессор**



Иқтидорли, захматкаш устоз-география таълими методикаси бўйича ўзбеклардан биринчи фан номзоди, шу соҳа-география таълими методикаси соҳасида Марказий Осиёда биринчи ва ягона профессор Ортиқ Абдуллаевич Мўминов 1924

йилнинг 21 март куни Тошкент шаҳрида таваллуд топганлар.

1941 йилда Тошкентдаги 24-сонли ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирганлар. 1941-1947 йиллар мобайнида Тошкент шаҳар собиқ Октябрь (ҳозирги Шайхонтохур) туман ҳарбий комиссариатининг йўлланмаси билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ташаббускорлик билан меҳнат қилганлар.

О.А.Мўминов 1949 йилдан бошлаб Тошкент кечки педагогика институтининг география бўлимида таълим олиб, уни 1954 йилда имтиёзли диплом билан тугатганлар. 1955 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (университети)да ассистент (1955-1956), ўқитувчи (1956-1959), катта ўқитувчи (1959-1970), доцент (1970-1986) ва профессор (1986-1995) лавозимларида ишлаб, “География таълими методикаси”, “Ўзбекистон табиий географияси” ҳамда “Материклар ва океанлар табиий географияси” ўқув фанларидан юқори савияда маърузалар ўқиганлар, талабаларга таълим-тарбия берганлар.

Институтдаги фаолиятлари билан бирга 1948 йилдан 1977 йилгача Тошкент шаҳридаги 35-сонли етти йиллик, яна шунингдек 24,



15-сонли ва 22-сонли ўрта таълим мактабларида ҳам география фанидан сабоқ бериб, ўқувчилар ва мактаб жамоаларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар. Таълим билан илмий педагогик тадқиқот ишларини бирга қўшиб олиб бориб, 1967 йилда доцент П.Баратов раҳбарлигида “Ўзбек мактабларида география таълими масалалари” мавзусидаги

номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, Марказий Осиёда биринчи бўлиб, география таълими методикасидан педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эришганлар.

Номзодлик ишларида ўзбек мактабларида географияни ўқитишнинг тарихига оид бой илмий маълумотларни очиб берганлар.

Хусусан, Ўрта Осиёда география фанининг илдизлари узок тарихга бориб тақалиши, бунда алломаларимиз: Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Улуғбек, Заҳриддин Бобурларнинг географияга оид илмий меросларини тўлиқ очиб бериш билан бирга уларнинг меросидан география таълимида фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берганлар. Ишда ўзбек мактабларида география фанларини ўқитиш тарихининг ўзига хос боскичларини ажратганлар. Шунингдек, ўзбек мактабларида табиий географияни ўқитишнинг ўтган асрнинг 60-йилларидаги ҳолати, бу борада жонбозлик кўрсатган географ ва методист олимлар: Н.Долимов, З.Ақромов, Ҳ.Ҳасанов, М.Қориев, А.Омилов, М.Набиҳонов, П.Мусаевларнинг география таълими ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қўшган ҳиссаларини батафсил ёритиб берганлар. Ўша давр боскичида ўзбек мактаб географиясининг асосий вазифалари, география фанлари тизими ва ўзбек мактаблари учун яратилган табиий географиядан ўқув дастурларининг айрим хусусиятлари, табиий география бўйича дарсликларга қўйиладиган асосий талаблар, география дарслари, табиий географик билимларни шакллантиришнинг асосий йўллари, география дарслари жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, хариташунослик манбалари ва ўқув дарсликлари билан ишлаш, географик атамалар ва номларни ўрганиш, география дарсларида синф ёзув тахтаси (доска)дан фойдаланиш, география дафтари ва унинг мазмуни, табиий география фанларини ўқитишдаги ўқув-моддий асосни яхшилаш, табиий географиядан синфдан тапқари амалга ошириладиган ишлар қабиладар мукамал ёритилган ва шу соҳаларга таълуқли тавсиялар берганлар.

Ортиқ Абдуллаевич нафақат соф география, балки бошқа турли соҳа ва мазмундаги китоблар (жами 200 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ҳамда илмий-методик китоблар, рисолалар домла қаламига мансуб) муаллифи ҳамдирлар. Ушбу китобларнинг моҳияти ва амалий аҳамиятини инобатга олиниб, 1986 йилда устозга “География ўқитиш методикаси кафедрасининг профессори” деган илмий унвон ва профессорлик аттестати топширилган.

Профессор О.А.Мўминов географик атамалар ва номларни таҳлил этиб, унинг муайян миқдорда тартибга тушувига муносиб хисса қўшган олимлардан. География таълими методикаси ривожига муносиб хисса қўшган устознинг малакали илмий ходим ва география муаллимлари тайёрлашдаги хизматлари жуда катта. У кишининг бевосита раҳбарликларида 3 та географ-методист педагогика фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилганлар, устоз ўнтадан зиёд номзодлик диссертацияларига илмий маслаҳатчи, 5 та илмий изланувчиларнинг номзодлик диссертациялари ишига расмий оппонент бўлганлар. Ўзбекистон халқ маорифи (ҳозирги халқ таълими) вазирлиги ўқув-методик кенгашининг қарорига биноан профессор Ортиқ Мўминовнинг илғор илмий-педагогик фаолиятлари республика миқёсида оммалаштирилган. Тадқиқот натижалари республика оммавий ахборот воситалари саҳифаларида мактаб ўқитувчиларига етказиб турилган.

Устоз Атлантика ва Ҳинд океанларида сузган, Урал, Кавказ, Тяньшан ва Олой тоғлари ҳамда Ҳиндистон билан Шри-Ланкани кезган. Шимолда Шимолий Муз океани соҳилларидаги тундра табиат минтақасидан тортиб, жанубда Ҳинд океани соҳилларидаги нам тропик ўрмонларгача барча табиат минтақаларига саёҳат қилган вақтларида, табиатни табиатшунос-географ олим сифатида мушоҳада этиб, олган тассуротларини кўплаб илмий-оммабоп китоблар (“Қизикарли география”, “Турфа олам”, “Ажойиб табиатли ўлка”, “Жозибали ўлка”)да ҳамда турли журнал ва газеталар саҳифаларида кизикарли, оммага тушунарли тарзда ёритиб берганлар.



Бундан ташқари мактаб ўқувчилари учун “Табиатшунослик”, “Ўзбекистон табиий географияси” ўқув дарсликлари (бир неча марта қайта нашр этилган), “Табиий география таълими методикаси”, “Замонавий география дарсига қўйиладиган талаблар”, “География атамалар луғати” каби ўқув-услубий қўлланма ва



рисолаларни ҳам ёзиб қолдирганлар. Улар хануз ўз мазмун-моҳиятини, илмий салоҳиятини йўқотганича йўқ.

Устоз, профессор О.А.Мўминов олий география таълимида компьютер технологиясини биринчилардан бўлиб жорий қилган серкирра ижодкор бўлиб, география таълимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларнинг тамал тошини қўйишга асос солган олимлардан биридирлар.

Ортиқ Мўминов географик билимларни кенг омма орасида тарқалишига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Устознинг бевосита ташаббуслари билан Ўзбекистон телевидениясида "Оламга саёҳат" кўрсатуви, радиода эса "Сирли олам" эшиттириши ташкил этилиб, уларни тингловчиларга маъқул тушадиган, қизиқарли даражада шахсан ўзлари бошловчи сифатида олиб борганлар.

"Табиатни астойдил севишим, мени география илмига қизиқтирган", – дер эдилар устоз. Шу туфайли О.А.Мўминов табиатшунос сифатида сувсиз тепаликларга сув чиқариб, қўриқ очган ва анвойи гуллар, турли ноёб манзарали ҳамда мевали дарахтлардан иборат боғлар ҳам яратганлар. Маҳалла ва хонадонлари атрофидаги кўчаларнинг ободлиги ҳамда сарамжонлигига катта эътибор берганлар, доимо шу ишларда ўзлари бош-қош бўлиб, қўлларидан келган меҳнатларини аямаганлар.

Профессор О.А.Мўминов ўзларининг бутун онгли ҳаётлари ва фаолиятларини энг улуг, хайрли иш ёшлар таълим ва тарбиясига бағишлаганлар дейилса муболаға бўлмайди.

Афсус, 2004 йил 18 март куни роппа-роса 80 ёшни қаршилаган устозни ўлим бу дунёдан олиб кетди. Мирортиқ Мирабдуллоҳ ўғли (О.Мўминов) камрови кенг, шогирдларига меҳрибон, ўзгаларга оқибатли мураббий ва ҳақиқий камтарин инсон эдилар, охиратлари обод бўлсин.

**Асомов Мутал – педагогика фанлари  
номзоди, доцент**



Педагогика фанлари номзоди, доцент Мутал Асомов 1930 йил 7 ноябрда Тошкент шаҳрида дехқон оиласида туғилганлар. Домланинг болалик чоғлари анча оғир ўтган - коллективлаштириш даврига тўғри келган, ундан сўнг II-жаҳон уруши ... . Ўрта мактаб давларида бошқа фанларга нисбатан географияга жуда қизиққан эканлар.

М.Асомов 1949 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг география мутахассислигига ўқишга кирадилар. Талабалик йиллари устозлар билимига бўлган катта қизиқиш, домлани келажакда илмий ходим, ўқитувчи бўлишга ундаган бўлса ажабмас.

**Курсдошлари география фанлари доктори, профессор Т.Мирзалиевнинг устоз тўғрисидаги хотиралари:** “1950 йил 2 сентябрда, яъни 2-курсни бошида факультет декани томонидан географларнинг ўзбек гуруҳи талабаларини йиғиб, математикадан назорат иши, рус тилидан диктант ёздиришди. Шунда 6 та талабалар (Т.Кўзибоев, Т.Тешабоев, М.Асомов, С.Абдусатторов, М.Маҳмудова, Т.Мирзалиев)нинг бу фанлардан яхши баҳо олганлигимиз учун “картограф” бўласизлар деб, “мажбур” қилишди. Бизлар бу соҳа тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмаганлигимиз учун “картограф” бўлмаймиз, “географ” бўламиз, деб, ўша вақтдаги ЎОДУ (САГУ) ректори Т.А.Саримсоқовга арз билан мурожаат қилдик. Ректор бу соҳа жуда ноёб эканлиги, ўша вақтда жуда зарур ихтисослик эканлигини тушунтириб, бу мутахассисликни осонликча очилмаганлигини айтди. Шундан кейин устозни сўзларига кириб, шу соҳада ўқишни давом эттирдик”.

Мутал Асомов 1954 йилда мазкур ихтисосликни тамомлаб, илмий фаолиятларини ўзлари тамомлаган кафедрада лаборантликдан бошлаганлар. Бундан ташқари илмий ишларининг асосини

мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги ўрта мактабларнинг кўпларида тажриба дарслари олиб борганлар.

Домла 1961 йилда Низомий номидаги ТДПИ (университети)га ўқитувчи бўлиб ўтадилар ва тадқиқотчи сифатидаги фаолиятларини ҳам бошлайдилар. 1975 йилда “Табиий география” кафедрасининг доценти О.А.Мўминов раҳбарлигида “Табиий география дарсларида топографик ва картографик тушунчаларни шакллантиришнинг асосий йўллари (Ўзбек мактаблари мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўладилар. Ҳимоя ишида Ўзбекистон мактабларида топография ва картографиянинг ўқитилиш ҳолати, топографик ва картографик тушунча, билим, кўникма ҳамда малакаларнинг мазмуни ва таркиби (тузилмаси) чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, топография ва картографиянинг республика мактабларида ўқитиш бўйича методик тавсиялар берилган. Мақсадга эришишда аввало Домла ўзларининг ўн беш йиллик иш тажрибаларига таяниш билан бирга Тошкент шаҳар, вилоят ва республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, ўқитувчилари ҳамда кўплаб ўрта мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда методик тадқиқот ишлари олиб борганлар, методик ишланмалар яратганлар.

Муаллиф томонидан V-VI-VII-синфлар учун топография ва картографиядан услубий ишланмалар яратилган.



М.Асомов домла 1961 йилдан то нафақагача (1995) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети география мутахассислиги талабаларига “Топография ва картография асослари” фанидан жуда меъёрига етказиб маъруза ўқидилар, амалий машғулотлар ҳамда дала амалиётини олиб бордилар.

Устоз жуда юмшоқ феълли, оғир-босиқ, секин-паст оҳангда гапирадиган, камгап, камтарин инсон эдилар. Дарсларни оддийгина,

сода ва равон килиб тушунтирар эдилар. Ҳеч қачон у кишининг қизишиб кетган, жаҳллари чиққан ҳолатини кўрмаганмиз. Яхши ўзлаштира олмаган талабага ҳам кулимсираб гапирар, уни ҳеч қоймас эдилар. Бирон кимсани камчиликларини гапирмас, майда-чувда гаплардан доим узоқ юрар, нисбатан бекорчи нарсаларга вақт кетказишни ёқтирмас эдилар.

Устоз ўзларига талабчан, узлари устида тинимсиз ишлардилар. 1981 йилда Қозон давлат университетида, 1987 йилда Москва геодезия-картография ва аэросъёмка институтларида ўз малакаларини ошириб қайтганлар. Қўплаб собиқ иттифоқ ва республика миқёсидаги анжуманларда иштирок этганлар.

Мутал Асомов Ўзбекистонда топография ва картографиянинг тамал тошини қўйганлардан бири сифатида ўзлари ва ҳозирда нафақат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда картографлар отаси ҳисобланмиш, курсдошлари профессор Т.Мирзалиев билан ҳамкорликда қатор ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар яратилишига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Улардан асосийларини намуна сифатида келтирамиз:

1. Асомов М. Топография асосларидан лаборатория машғулоти. Т.: Ўқитувчи, 1974 (ўқув қўлланма).

2. Асомов М., Мирзалиев Т. Топография асослари ва картография. Т.: Ўқитувчи, 1985 (ўқув қўлланма).

3. Асомов М., Мирзалиев Т. Топография асослари ва картографиядан лаборатория машғулоти. Т.: Ўқитувчи, 1990 (ўқув қўлланма).

Домламиз Мутал Асомов доимо эл хизматида елиб-югурадиган инсон эдилар. Шу боис бўлса керак узоқ йиллар ўзлари яшаган маҳаллада МФЙ раиси бўлиб, сидқидилдан фаолият кўрсатиб, халқнинг дуосини ҳам олишга муяссар бўлдилар, ўзларидан қўплаб савобли ишлар қолдирдилар. Устоз рухлари доимо шод бўлсин.

## Баратов Паттох - география фанлари номзоди, профессор



Паттох Баратов 1932 йилнинг 31 августида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилганлар. Оталари Турдияров Барат қишлоқ хўжалиқ ривожига катта хисса қўшган деҳқон бўлганлар, 1976 йилда вафот этганлар. Оналари Турдиярова Холбуви ая уй бекаси бўлиб, 1934 йилда вафот этганлар.

П.Баратов 1940 йили Сойлиқ қишлоғидаги ўрта мактабда ўқишни бошлаб, уни 1950 йилда тамомлайдилар ва ўша йили Низомий номидаги ТДПИнинг география бўлимига ўқишга кирадилар. Институт (ҳозирги ТДПУ) ни 1954 йили имтиёзли диплом билан тамомлаб, кафедранинг тавсияномаси билан ўша йили аспирантурага қабул қилинганлар. Аспирантурани 1957 йилда тугаллаб Ўз ФА қошидаги “География” бўлимида аввал кичик, кейинроқ катта илмий ходим бўлиб фаолият бошлаганлар.

П.Баратов аспирантура даврида “Тоғли Зарафшон водийсининг табиий географик тавсифи” мавзусида Москва давлат университети профессори, география фанлари доктори, таниқли олим Н.А.Гвоздецкий раҳбарлигида илмий тадқиқот олиб бориб, уни 1960 йили Озарбайжон давлат университети қошидаги ихтисослашган Илмий кенгашда география фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун муваффақиятли химоя қилганлар. Бу Ўзбекистонда маҳаллий географлар ичида бешинчи бўлиб фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлиш эди.

П.Баратов 1960-1974 йиллар мобайнида ТДПИ да аввал “Иқтисодий география”, сўнгра “Табиий география” кафедраларида кафедра мудир лавозимларида фаолият олиб бордилар, 1962 йили доцент лавозими берилди.

Паттох Баратов 1974-1976 йиллари Ўрта Осиё ирригация ва мелиорация илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим бўлиб, тадқиқот



ишларида фаол қатнашдилар. 1976-1981 йиллар мобайнида эса Тошкент вилояти педагогика институтининг “География” кафедрасида доцент, кейин кафедра мудири лавозимларида фаолият олиб бордилар. 1981-1994 йилларда яна Низомий номидаги ТДПУнинг “Табиий география” кафедрасида доцент, сўнгра профессор лавозимларида фаолиятларини давом эттирдилар. 1989

йили Домлага самарали тарздаги илмий-методик ишлари, малакали географ мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик қўлланмалар яратганликларини инобатга олиниб, истесъно тариқасида, докторлик диссертациясини химоя қилмасдан ҳам профессор унвони берилган.



Домла П.Баратов 1995-1996 йилларда ЎЗМУнинг “Экология” кафедрасининг профессори бўлиб ишладилар ҳамда 1996-2002 йилларда нафақага чиқдилар. Умрларини ёшларга билим ва тарбия беришга бахшида этган инсоннинг уйида ўтиришга, бекорчиликка кўникиши қийин

бўлса керак. Домланинг кафедрада, қолаверса ҳали бу даргоҳда (ТДПУ) ўринлари ўзгача. Шу боис 2002 йилдан бери ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедрасида “Ўзбекистон табиий географияси”, “Ўрта Осиё табиий географияси” фанларидан янгича куч-ғайрат билан замон талабида талабаларга сабоқ бермоқдалар.

Профессор П.Баратовнинг тадқиқот йўналишлари кенг қамровли ва серқиррадир, уни бешта йўналишга ажратиш мумкин:

1. **Амалий табиий география.** Бу домла П.Баратовнинг илмий фаолиятларининг асоси ҳисобланиб, бунда тоғли Зарафшон

водийсининг табиий географик жиҳатлари илк бор тавсифланган. Бу борада табиий шароит баҳоланган, соҳага оид катор мақолалар ва “Природные ресурсы долины Зарафшан и их использование” (Т.: Фан, 1977, 7,5 б.т.) номли монография чоп этилган.

**2. Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, улардан самарали фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш.** Бу соҳада минтақа табиий бойликлари, улардан фойдаланиш ҳолати, улар деградацияси ва қошшоқланишига таъсир этувчи омиллар, уларни муҳофаза қилиш борасига таълуқли ва Ўзбекистонда биринчи бўлиб олий ўқув юртлари талабалари учун нашр этилган “Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш” (хаммуаллифликда. Т.: Ўқитувчи, 1980); умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун “Табиатни муҳофаза қилиш” (Т.: Ўқитувчи, 1991) ўқув қўлланмалари ҳамда “Табиатни муҳофаза қилиш умумхалқ иши” (Т.: Фан, 1979) номли монография чоп этилди.

**3. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий компонентлари ва табиий мажмуалари ҳолати ҳамда уларнинг ўзгаришларини баҳолаш.** Бу йўналиш бўйича сермахсул илмий изланишлар олиб борилган. Уларнинг натижалари қуйидаги манбаларда ўз аксини топган. “Ўрта Осиё чўллари инсон измида” (Т.: Фан, 1967), “Ўрта Осиё чўлларининг эртанги куни” (Т.: Фан, 1980). Бу манбаларда чўл геомажмуалари, уларнинг табиий бойликларидан самарали фойдаланиш, уларни қайта тиклашга эътибор берилмаса, қайта чўлланиш жараёнининг авж олиши, унинг оқибатлари тўғрисида фикрлар билдирилган.

**4. География таълимига оид дарслик, ўқув қўлланма ва методик қўлланмалар яратиш.** Бу соҳада кўп йиллик тажрибларига таянилган ҳолда олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус таълим тизими ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ўн еттита дарслик ва ўқув қўлланмалар, 4 та ўқув фан дастурлари яратилган.

Олий ўқув юртлари талабалари учун: 1) Ер билими ва ўлкашунослик. Дарслик, Т.: Ўқитувчи, 1980; 2) Табиий географиядан лаборатория машғулоти. Т.: Ўқитувчи, 1984; 3) Ер билими ва ўлкашуносликдан амалий ишлар. Дарслик, Т.: Ўқитувчи, 1988; 4) Ўзбекистон табиий географияси. Т.: Ўқитувчи, 1996; 5) Ўзбекистон

табiiй географиясидан амалий ишлар. Т.: Чўлпон, 1996; 6) Ўрта Осиё табiiй географияси. Т.: Ўқитувчи, 2002.

Умумий ўрта таълим мактаблари 7-синф ўқувчилари учун: 1) Табиатшунослик асослари. Т.: Ўқитувчи, 1982; 2) Умумий табiiй география (хаммуаллифликда) Т.: Ўқитувчи, 2002, 2011; 3) Табиатшунослик (хаммуаллифликда). Т.: Чўлпон, 2006. 4) Ўзбекистон табiiй географияси. Дарслик. 4-нашр. Т.: Чўлпон, 2013 (ўрта махсус таълим тизими ўқувчилари учун).

**5. Географик билимларни оммалаштириш.** Бу соҳада ҳам Домланинг изланишлари эътирофга лойик. Улар қуйидаги чоп этилган ишларда яққол намоён бўлиб турибди: 1) Олтин сочувчи дарё. Т.: Фан, 1964; 2) Ўрта Осиё сув лабораторияси. Т.: Фан, 1968; 3) Денгизда сув етишмаганда. Т.: Фан, 1969; 4) Ўрта Осиё субтропиклари. Т.: Фан, 1971; 5) Ўрта Осиё сунъий кўллари. Т.: Фан, 1972.

“Денгизда сув етишмаганда” асарида Домла республикамизда биринчилар қатори Орол денгизи сув сатҳининг пасайиб боришининг олди олинмаса, келажакда рўй бериши мумкин бўлган глобал экологик муаммоларга дучор бўлиши тўғрисида ўз илмий мулоҳазаларини баён этганлар.

Умуман П.Баратов томонидан 200 дан ортиқ илмий, илмий-методик, илмий-оммабоп мақолалар, 7 та монография, 10 дан ортиқ илмий-оммабоп рисодалар, 20 га яқин дарслик, ўқув қўлланмалар нашр этирилган бўлса, Ўзбекистон энциклопедиясининг аввалги ва ҳозирги янги нашрларида 100 дан ортиқ мақолалари дунё юзини кўрди.



Профессор П.Баратов Ўзбекистонда география фанининг тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшган олимдирлар. У киши узок йиллар Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги қошидаги илмий-методик марказнинг География таълими методик кенгашига раис муовини ва аъзоси



бўлиб фаол ва сидқидилдан фаолият кўрсатганлар. Домланинг бевосита илмий раҳбарликларида республикамизда география таълими методикаси ривожига самарали ҳисса қўшган етук географ-методист олимлар: профессор О.Мўминов; доцентлар: М.Набихонов, Р.Саидова (Фарғона давлат университети) ва А.Олтибоев (Термиз давлат университети) кабилар номзодлик диссертацияларини химоя қилганлар. П.Баратов кўплаб диссертация ишлари химояларига расмий оппонент бўлганлар. Ҳозирда ҳам кўплаб илмий тадқиқотчи, магистрларга раҳбарлик қилиш билан бирга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар. Ана шундай самарали меҳнатлари эвазига П. Баратов “Халқ таълими аълоҳиси” нишонига сазовар бўлганлар.

**Савол:** Домла кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

**Жавоб:** Устозларим кўп, аммо соҳамиз бўйича асосий устозларим: М. Мирбобоев, М. Қориев, И.Мирзабоев ҳамда номзодлик ишимга раҳбарлик қилган устозим, профессор Н.А.Гвоздецкий.

**Савол:** Оилангизда яна бошқа географлар борми?

**Жавоб:** Ўзингиз ҳам ҳар ҳолда яхши биласиз – тўрт нафар ўғил фарзандларим бор. Улар давлатимизнинг нуфузли идораларида маъсул ходимлар бўлиб ишлашади, ҳозирда тадбиркорликда ҳам ўзларини синаб кўрмоқдалар. Тўрт келинимдан бири адвокат, учталари тиббиёт ходималари; Оллоҳ берган 12 набирам, 14 аварадан чиқиб қолар (қуладилар). Фақат келин аянғиз Ҳаққулова Рихсихон 30 йилдан ортиқ давр мобайнида Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) “География” кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишладилар, у киши ҳам Низомий номидаги ТДПИ (университет) нинг “География” ихтисослигини битирганлар.

**Савол:** География таълими истиқболини қандай тасаввур этасиз?

**Жавоб:** Шукурким, мустақилликка эришдик. Таълим соҳасидаги ислоҳатлар ўз самарасини бермоқда. Таълимни ривожлантириш учун Ҳукуматимиз катта эътибор билан қарамоқда. Демак, таълим давлат

сиёсати даражасига кўтарилди, уни ривожлантириш учун ҳамма нарса муҳайё, изланиш керак холос.

География таълими тўғрисида гапирганда:

**Биринчидан**, географияни оммалаштиришга эътиборни кучайтириш лозим. Чунки мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳам халқимизнинг фаровонлиги, ёшларимизнинг ватанпарварлик жиҳатлари ҳам кўп ҳолларда географик омиллар, колаверса географик таълим кўлами ва сифатига боғлиқ.

**Иккинчидан**, табиатни муҳофаза қилиш, унинг географик асосларини кўпроқ ёритишга эътибор қаратмоқ лозим.

**Учинчидан**, олий, ўрта махсус ва умумтаълим муассасаларини замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашни такомиллаштириш зарур.

**Тўртинчидан**, география дарсларида дала тадқиқотлари ва коинотдан олинган маълумотлар ва улар асосидаги тадқиқотлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш лозим. Чунки улар янги маълумотлар беради, билимларни қизиқарли, тушунарли бўлишига олиб келади.

**Бешинчидан**, географ мутахассислар тайёрлашда дала амалиёти, мажмуали ишлаб чиқариш амалиётлари муҳим ҳисобланади. Географ – талаба эртага мутахассис бўлади, у кўпроқ кўриши, таҳлил қилиши, ўзи хулоса чиқара олиши лозим. Шунинг учун ўша амалиёт турларини тиклаш, мазмунини бойитиш вақти келган кўринади.

**Олтинчидан**, география таълими бор жойда географик майдончалар бўлгани мақсадга мувофиқ. Чунки талаба, ўқувчиларни соҳага оид билими, кўникма ва малакаларини шаклланиши, мустақамланишида географик майдончаларнинг аҳамияти чексиз.

**Еттинчидан**, географияга оид видео лавҳали (мавзули ва мазмунли) кўрсатмалли фильмлар, мульти лавҳали кўрсатув фильмларни кўпайтириш керак. Масалан, Анд тоғлари, Қизилқум ёки Амазония ўлкаси тўғрисида таъриф берилганда шунга таълуқли видеофильмлар лавҳалари дарсларнинг самарадорлигини ошириши аниқ.

## Жавобларингиз учун раҳмат!

Сермахсул, серкирра ижод, мустаҳкам ирода эгаси, камтарин инсон, намунали оила соҳиби Паттоҳ Ҳожи Барат ўғлиллари Сизга, Аяхонга ва барча фарзандларингизга аввало соғлиқ,<sup>1</sup> оилавий хотиржамлик, набира-авара-чевараларингизнинг камолини яна узок йиллар кўриб юришларингизни Эгамдан сўраб қоламиз.

### Ғуломов Потихқамол Носирович<sup>1</sup> – география фанлари номзоди, доцент



Мохир педагог, тадқиқотчи-географ олим, таниқли журналист ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Потихқамол Носирович Ғуломов 1932 йил 7 сентябрда Тошкент шаҳрининг Арпапоя даҳасида маърифатли оилада таваллуд топганлар. Оталари Носир (Насрулло) Ғуломов зиёли, тарих ўқитувчиси бўлганлар. Оналари Қория Темирова “Шарқ тонги” фабрикасида тикувчилик қилганлар, бува-бувилари ҳам зиёли бўлишган.

Потихқамол Ғуломов 1947 йилда умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфини тугатиб, Тошкент шаҳар педагогика билим юртига ўқишга кирганлар ва 1951 йилда билим юртини тамомлаб, ўша йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг “География” факультетига ўқишга қабул қилинганлар. Потихқамол Ғуломов ёшлик чоғларидаёқ табиий фанларга жуда қизиққанлар ва кўп ўқиганлар. Домла 1955 йилда институтни битирганларидан сўнг Тошкент шаҳридаги 73-ўрта мактабда уч йил мобайнида географиядан дарс берганлар. 1956-1960 йиллар давомида “Ўқувпеддавнашр” нашриётининг тарих ва география таҳририятида муҳаррир, катта муҳаррир лавозимларида фаолият кўрсатганлар. 1960-1961 йилларда Ўзбекистон ФА Президиуми қошида кичик ходим лавозимида ишлаганлар.

<sup>1</sup> Миракмалов М.Т. Шу номдаги рисоладан (Т.:Университет, 2007) фойдаланилди.

Потихкамол Носирович 1961 йилдан 1964 йилгача Москва давлат университетининг “Табиий география” кафедрасида аспирантурада ўқидилар. 1964 йилнинг январидан бошлаб ТошДУ “География” факультети илмий-тадқиқот бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошладилар. 1966 йилда Москва давлат университети Илмий кенгашида “Зарафшон дарёси қуйи ва ўрта оқимларида воҳа билан чўл чегарасида рўй берадиган табиий географик жараёнлар” мавзусида таниқли олима, география фанлари доктори, профессор Т.В.Звонкова раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганлар. 1967-1968 йилларда Ўзбекистон энциклопедияси нашриётида маъсул котиб бўлиб ишлаб, 1968 йил 1 сентябрдан ТошДУ “География” кафедрасида катта ўқитувчи, 1973-1986 йилларда доцент, 1986-2005 йилларда “География таълими методикаси” кафедрасида мудир лавозимларида ишладилар. Ҳозирда ЎзМУ нинг “Табиий география ва география таълими методикаси” кафедрасида доцент лавозимида меҳнат фаолиятларини давом эттирмақдалар. Мана қирқ олти йилдирки, домла мазкур университетда баракали меҳнат қилиб келмоқдалар. Домланинг илмий-педагогик фаолиятларида аввало ўзларига бўлган катта талабчанлик билан талабаларга бўлган меҳрибонлик ва ғамхўрлик ҳислатларининг уйғунлашиб кетганлиги характерлидир. Устоз ҳамиша изланишдалар. Ҳамон ЎзМУ “География” факультети талабаларига “Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари”, “Топонимика ва географик терминшунослик”, “Умумий Ер билими” фанларидан маърузалар ўқимокдалар, амалий машғулотларни олиб бормокдалар. Талабаларнинг ўқув дала амалиётига 30 йилдан ортиқ давр мобайнида раҳбарлик қилиб, уларга дала тадқиқотларининг мазмун-моҳиятини ўргатдилар.

Потихкамол Носирович М. Қориев, И. Мирзабобоев, Т. Звонкова, Ҳ. Ҳасанов, Н. Долимовларни ўзларининг устозлари деб биладилар. У кишининг илмий ижодлари серқирра ва кенг қамровли бўлиб, бир қанча йўналишларга эга.

**Амалий табиий география.** П. Ғулумовнинг асосий географик илмий фаолиятлари қишлоқ хўжалигига таъсир кўрсатувчи табиий географик жараёнларни ўрганишга бағишланган. Номзодлик иши

мавзусидан келиб чиқиб, табиий географик жараёнлар тахлил қилинган, кўпгина илмий мақолалар чоп этилган.

**Табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ва геозкология.** Бу соҳаларда ҳам қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хўжалик ҳисобидаги ишларга раҳбарлик қилинган. Бир қанча илмий мақолалар ҳамда “География ва табиатдан фойдаланиш”, “Инсон ва табиат”, “Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари” номли ўқув қўлланмалар нашр қилинган.

**География таълими ва унинг методикаси.** Бу соҳада П.Ғулумовнинг 30 дан ортиқ мақола ва ўқув қўлланмалари нашр этилган. Буларда таълимни ташкил этиш, географиянинг мазмуни ва сифатини кўтариш, таълим жараёнига янги услубий технологияларни жорий этиш, ўқувчи ва талабалар билимини баҳолашда тест-рейтинг усулини жорий қилиш масалаларига тўхтаб ўтилган. Домла ўзлари ва ҳамкорликда қатор ўқув ва методик қўлланмалар, дарсликлар нашр этганлар.

**Географик терминология ва топонимика.** Соҳадаги илмий изланишларини домла 1956 йилда иш бошлаган вақтдан бошлаганлар. Дарсликларни таржима ва таҳрир қилиш чоғида географик термин ва топонимларни ўзбек тилида тўғри ёзилиши соҳасида ҳам ишлаганлар. Бу соҳада “Географик терминларнинг изохли луғати” (ҳаммуаллифликда), “Географиядан қисқача русча-ўзбекча атамалар ва тушунчалар луғати”, “Топонимика ва географик атамашунослик” (ҳаммуаллифликда) ўқув қўлланмалари ва бир қанча мақолалари нашр этилган.

**Географияга оид илмий ва ўқув адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш.** Бу соҳада ҳам домланинг ҳиссалари жуда катта. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун нашр этилган деярли барча география дарсликларини, ўқитувчилар учун мўлжалланган методик қўлланмаларни таржима қилишда қатнашганлар. Олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган “Умумий Ер билими”, “Умумий геология”, “Дунё қитъалари табиий географияси”, “Материклар ва океанлар табиий географияси”, “Собиқ иттифоқ табиий географияси” дарсликларини ҳамкорликда таржима қилганлар. Умумий ўрта таълим

ва олий таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари учун мўлжалланган кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг маъсул муҳаррири бўлганлар.

**Географик билимларни оммалаштириш.** Домланинг бу соҳадаги хизматлари ҳам бекиёс. Ушбу фаолият 1955 йилда географиядан ўқитувчилик қилишни бошлаганлариданок бошланган. Домланинг кўплаб илмий-оммабоп география таълимига оид мақолалари “Гулхан”, “Фан ва турмуш”, “Саодат”, “Гулистон” журналларида, “Тошкент окшоми”, “Марказий Осиё маданияти” ва бошқа газеталарда чоп этилган. “Саодат” журналида “Ўлкамизни ўрگانамиз”, “Ойнома” рўкунларини очиб, унда кўпгина географ олимларнинг қатнашишларини ташкил этганлар, уларда ўзлари ҳам мақолалар билан қатнашганлар.

П.Ғуломовнинг географияга берган таърифлари “... кишининг билим ва маданий савиясини жуда ўстиради” иборалари билан яқунланар экан, бунинг исботини Домланинг қаламларига мансуб ишларида яққол кўриш мумкин. Домла П.Ғуломовнинг 10 дан ортиқ методик қўлланма, 40 дан ортиқ илмий мақола, яна шунча методик мақола, 20 та ўқув дастури, 20 дан ортиқ дарслик ва методик адабиётлар таржималари, 30 дан ортиқ муҳаррирлик ишлари, Ўзбек энциклопедиясининг аввалги (1970-1980) авлоди таркибида 250 дан ортиқ, Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг янги 1-12 жилдларидаги 200 дан ортиқ мақолалар муаллифлигига тан бермасдан иложсиз, офарин деймиз холос. Булардан ташқари кўплаб географик атласларни яратишда ҳам фаол иштирок этганликлари эътирофга лойиқ.

Домланинг ижод қозонлари ҳали қайнашдан тўхтаганича йўқ. Мустақиллик йилларида домла томонидан яратилган янги дарслик, ўқув қўлланмаларнинг республика танловларида бир неча бор совринли ўринларни эгаллаши, ўз вақтида Домладан сабоқ олган шогирдлари орасидан 20 дан ортиқ фан докторлари, 100 га яқин фан номзодларининг етишиб чикканлиги ёки Домланинг ўзлари бевосита раҳбарликларида 2 та фан номзодларининг тайёрланганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёркин далилидир.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирда Потихкамол Носирович – география илми ва таълими соҳасида ўзига хос, ўрناق бўларли илмий мактаб яратганлар десак, муболаға бўлмайди.

Таникли географ олим, тажрибали педагог ва камтарин инсон П.Н.Фуломов “География” факультетида ҳамда умуман республикада ижтимоий фаолликлари билан ҳам кўзга ташланганлар. Домла бир неча йиллар давомида факультет декани муовини, факультет ўқув-методик кенгаши раиси, ЎзМУ қошидаги географиядан номзодлик диссертациялари ҳимоя кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг илмий-методик марказида география ўқув-методика кенгаши раиси, аъзоси ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг география илмий-методик кенгаши илмий котиби вазибаларини сидкидилдан, мувоффақият билан бажардилар.

Домла 6 фарзандга оталар, ҳозирда 13 набира ва 14 эвараларга боболар, 3 та кизлари оталарининг йўлларини танлашган – бирлари география фанлари номзоди, яна иккиталари илмий ходимлар, бирлари Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриётида директор муовини, яна бирлари математик-мутахассис, ўғиллари Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасида гидролог бўлиб, барчалари эл хизматидалар.

Домла, Сизга аввало соғлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз, доимо фарзандларингиз, набира-ю – эвараларингиз, қолаверса география таълими равнақи учун ҳамда, биз шогирдларингиз бахтига узоқ йиллар омонликда юришингизни Яратгандан сўраб қоламиз.

### **Абдуллаева Турсуной Болтабоевна – педагогика фанлари номзоди, доцент**



Абдуллаева Т.Б. 1934 йил 19 ноябрда Тошкент шаҳрида ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги “Оби Назир” маҳалласида таваллуд топганлар. Оилалари 7 нафар фарзанддан иборат бўлиб, оталари темир йўл ишчиси, оналари уй бекаси бўлганлар.

Опа ўрта маълумотни 38-ўрта мактабда олганлар. Ёшлиқдан сайру-саёхатни яхши кўрган Турсуной Абдуллаева кўп вақтларини шаҳар атрофи кишлокларидagi ҳолалари, тоғалариникида ўтказишга интилар эдилар. “Баҳордаги ялпиз териш, тандирдан узилган иссиққина нонларни сувда оқизоқ қилиб ейиш, ҳовли супириб, сув сепиш жону дилим эди”, - деб эслайдилар. Қизлар даврасидagi бошқошлик опани ўқитувчиликка ундаган биринчи туртки бўлган бўлса ажабмас.

Т.Абдуллаеванинг мактаб даврлари II-жаҳон уруши даврига тўғри келган. Бошланғич синф даврларидagi оч-ночор, 1 та эски ковушни 2-3 киши кийиб навбатма-навбат мактабга бориш, совуқдан қийналган кунлар нафақат опанинг, балки у киши замондошларининг ҳам ёдидан сира чикмаса керак. 6-синфда география фанидан узок йиллар Низомий номидаги ТДПИ “География” кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган (каминага ҳам 1-2-курсларда гуруҳ раҳбари бўлганлар) марҳум Акбар Омилов дарс бера бошлаганлари Т.Абдуллаевани илк география илмига қизиқтирган. Шу туфайли бўлса керак, Т.Абдуллаева “Умримнинг охиригача биринчи устозим хурматли Акбар ока Омилов бўлиб қоладилар”, - деб ёзадилар.

Домла А.Омиловга бўлган хурмат ва эҳтиромни опада кўриб хайратланмадик, чунки у киши тўғрисида озми-кўпми эшитганмиз. Турсуной опа мактабдан уйга келиб: “Бизга бир ўқитувчи келди, харитани орқаси билан ҳам кўрар экан”, - деб мактанган эканлар.

Турсуной опа 1951 йилда мактабни тамомлаб, шу мактабдаги 11-педагогика синфига ўқишга кирадилар. 1952 йилда педагогика синфини битириб, ҳозирги ТДПУ биносидagi Белинский номли кечки педагогика институтининг “География” факультетида ўқишни давом эттирадилар. Кундузи ўзлари ўқиган мактаб (38-сон)да бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлайдилар.

География фанлари номзоди, доцент А.В.Хисомовни опа ўзларининг иккинчи устозлари деб биладилар. Шунингдек, Турсуной опа ўзбек географларининг отахонларидан бири Н.Долимовнинг сабоқларига ҳам муяссар бўлганлар.



Абдуллаева Т.Б. 1957 йилда институтни тугаллаб, 1960 йилнинг сентябридан Низомий номидаги ТДПИ (ҳозирги ТДПУ) “География” кафедрасига ассистент лавозимига ишга ўтадилар. Устоз-муаллима 1963-1966 йилларда аспирантурада тахсил оладилар, илмий фаолиятлари профессор А.В.Даринский ҳамкорлигида давом этиб, “Табиий география курсларини ўқитишда Ўзбекистон табиий шароитини ўрганиш” мавзусидаги номзодлик иши 1967 йил 11 сентябрда муваффақиятли ҳимоя этилади. Ҳа дарвоқе, Т.Абдуллаева география ўқитиш методикаси бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эришган биринчи ўзбек аёлидирлар. Биринчи ўзбек аёли, қандай жарангдор-а.



Т.Абдуллаева 1966-1969 йилларда “Бошланғич таълим педагогикаси” кафедрасида катта ўқитувчи, 1969-1974 йилларда “Иқтисодий география” кафедрасида доцент, 1974-1975 йилларда “Табиий география” кафедрасида мудирлик лавозимини бажарувчи, 1992-1994 йилларда “Иқтисодий география ва география ўқитиш методикаси” кафедраси мудирини, 1994-1996 йилларда доцент лавозимларида самарали меҳнат қилганлар.

Т.Абдуллаевани ҳозирги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедрасидаги 20 нафар аъзодан кўпчиликлари ўзларига устоз деб ҳисоблашлари бежиз эмас. Опадаги синчковлик, ҳақиқий ўзбек аёли-зиёлийсига хос хислатларни ҳали бошқаларда кам кўрдик. Кийимнинг ёқаси-ю, кўйлақдаги енг тугмасининг кадалган-кадалмаганлиги, соч турмаги-ю, бўйинбоғ (галустик) даги қийшайган жойигача эътибор бериб, ўз онангдан ҳам мулоийим тарзда тўғриллатганларини ҳеч бир собик талаба-шогирдлари ҳеч қачон унутмасалар керак.

Кафедрага мудирлик қилган даврларида ҳам, қандай масала бўлмасин, унга маъсул кафедра аъзосига баланд товушда гапирганликларини ҳеч ким эшитмаган. Туб маънода опа ҳақиқий

педагог-методист эканликлари яққол кўриниб турар эди. Дарс жараёнида нималарга эътибор бериш борасидаги фикрлари қуйидагича:

“Оқар сувлар тўғрисидаги дарс жараёнида, “деғиш” ҳодисаси, Ўзбекистон сув омборлари, каналлар, дарёларнинг иши ҳақида ҳам маълумот бериш зарур. Табиат минтақаларини ўрганишни ҳам чўл минтақасидан бошлаш керак. Хуллас, дарснинг юқори савияда ўтиши ўқитувчи зиммасига юкланади. Бунинг учун дарсга таркатма материаллар тайёрлаш, турли расмлардан, бошқотирмалардан фойдаланиш яхши натижа беради. Хилма-хил дарс ишланмаларини яратиш керак. Дарсни нимадан бошлаш лозим: 1) янги материални ўрганишдан; 2) матбуот хабарларидан; 3) бадиий адабиёт ўқишдан; 4) телевидения кўрсатуvidан; 5) бошқотирмалар ечишдан; 6) дарслик билан ишлашдан; 7) таркатма материалларнинг таҳлилидан; 8) суҳбатдан; 9) экскурсия якунидан ва ҳ.к.”

Буларнинг барчаси географияни ўқитишдаги замонавий педагогик технологияларнинг ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ қўйилган тамал тоши эмасми? Айнан шундай.

Устоз Т.Абдуллаева ҳаёт фаолиятларининг иккинчи қирраси 1975 йилгача мактабда география ўқитувчиликларида кўп самара берди. Бу даврда дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишга доир изланишлар олиб бордилар. Иш тажрибалари шахар ўқитувчилари орасида кенг оммалаштирилди. Фаолиятлари натижаси “Илғор педагогик тажриба минбари” сифатида нашр этилган. Опанинг қаламига мансуб қатор ўқув-услубий қўлланма, дарсликлар (10 дан ортиқ) қайта-қайта нашр этилган. Кўплаб ёзилган методик мақолалари собиқ иттифок ва республикамизнинг нуфузли нашрларида чоп этилган. Шуларни барчасини инobatга олиб Турсуной Болтабоевнага 1966 йили “Халқ маорифи аълочиси” кўкрак нишони берилган. 1991 йилнинг май ойида опани “Республикада хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” унвонига тавсия этишган эди, бироқ мустақиллик, тизимдаги ўзгаришлар бу масалани бироз четга сурди, ҳамма ўзи билан ўзи овора, замон ўзгарди.

**Низомий номидаги ТДПУ профессори, педагогика фанлари доктори, қизлари Марғубахон Мирқосимова сўзлари:** “Ҳаёт синовларини қадам-бақадам енгиб ўтиш, улкан мақсадлар йўлида собитлик билан интилиш учун инсондан катта маънавий куч-қудрат талаб этилади.

Илм-фан соҳасида муайян кашфиётлар яратиш, маънавий юксалиш пилаларидан кўтарилиш эса сабот-матонат, тинимсиз изланишлар, машаққатли меҳнат натижасидир.

Ана шундай эзгу-мақсадлар йўлида курашиб яшаб, маърифат дарғаларига айланганлар қаторида педагогика фанлари номзодлари, университет профессорлари Мирқобил Мирқосимов билан Турсуной Абдуллаеваларнинг муносиб ўрнилари бор. Бу икки фидойи инсон, мўътабар устозлар халқ таълимини ривожлантиришга, педагог кадрлар тайёрлашдек маъсулиятли касбга бутун умрларини, куч-қудратлари, салоҳиятларини сарфарбар этганлар. Ҳалол меҳнати, билими ва қобилиятини ёш авлод таълими билан тарбиясига, педагогика фани раванкига йўналтирган отам ва онамнинг ҳаёт йўллари, яратган илмий мактаблари бевосита Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган асрнинг 50-йилларида Белинский номи билан аталган ушбу олийгоҳни тугатиб, табиий фанлар факультетида иш бошлаган Турсуной Абдуллаева “География ўқитиш методикаси” йўналишида; Бошланғич таълим факультетида эса “Табиатшунослик” ўқув предметини ўқитиш методикасидан талабаларга узоқ йиллар билим берганлар. Қарийб ярим аср мобайнида ушбу олийгоҳ ҳаёти билан бу икки инсон ҳаёти, фаолияти, таълим-тарбия соҳасидаги меҳнатлари чамбарчас боғланган.

Онажоним Тошкент шаҳридаги 38-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларга география фанидан таълим бериш баробарида педагогика институтида (аввал ТДПИ деб юритилган) талабаларга сабоқ берганлар. Илмий изланишлар олиб бориб, ўндан ортик методик қўлланмалар, икки юзга яқин илмий-услубий мақолалар, бошланғич синфлар (2-3-синфлар учун) ўқувчиларига “Табиатшунослик” ўқув предмети дарслигини (хаммуаллифликда)

яратган методист олима сифатида университетда обрў-эътибор топдилар. Ўнлаб методик мақолалари республика ва собиқ иттифокнинг “География в школе”, “Вопросы методики преподавания” каби нифузли журналларида чоп этилган. Бошланғич синфлар учун “Табиатшунослик” дарслиги йигирма йил (1973 йилда илк бор нашр қилинган) қайта ишланган, тўлдирилган ҳолатда чоп этилиб, таълим амалиётида фойдаланилган. Мирқобил Мирқосимов эса икки фан номзодига илмий раҳбар, икки монография, ўттиздан ортиқ методик қўлланмалар муаллифидирлар.

Биз фарзандлар онажонимизни ҳам олима, ҳам меҳрибон волида, пазанда, саранжом-саришта, ширинсўз ва дилкаш уй бекаси сифатида эъзозлаймиз. Университетда, мактабда, малака ошириш институтларида мутгасил ўз соҳалари бўйича маърузалар ўқиб, амалий дарс машғулотларини олиб борган олима онамиз ҳамиша оилани, фарзандлар тарбиясини биринчи ўринга қўйганлар. Ҳар биримизнинг ўзлаштиришимиз, уй вазифаларини қандай бажарганлигимизни ҳар куни назорат қилар, ҳар бир ўқув фанидан савол-жавоб ўтказардилар. Биз барча фанларни маъсулият билан ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилардик. Айни дамда хилма-хил бадий адабиётлар, оммабоп илмий асарлар намуналаридан оилавий кутубхона ташкил этган эдилар. Фарзандларининг бўш вақтларини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб, акаларимни расм, наққошлик, мусиқа тўгаракларига, мени эса рақс, тўқиш ва бадий ўқиш тўгаракларига олиб борганлар. Оиламизда хилма-хил кечалар ташкил этиларди: акаларим рубоб, чанг, дутор, доира чалиб, куйлар ижро этишар, мен рақсга тушардим. Оилавий кечаларда шеърлар ёд ўқиларди. Ўзимиз ўқиган, таъсирланган бадий асарлар хақида кизгин суҳбатлашардик. Ҳозирги кунда ўзимдаги бадий ижодга, адабиётга меҳр-муҳаббат айни ёшлик чоғимда оиламиздаги муҳитда шаклланганлигига амин бўламан. Ўзим 25 ёшимда фан номзоди, 35 ёшимда фан доктори илмий даражасига эришишимда ота-онамнинг таъсирлари, тарбияси, ибратли умрлари катта аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлагим келади”.

Мухтарам устозимиз Турсуной Болтабоевна Сизни онамиздек эъзозлаймиз, чунки Сиз шунга лойиқ она-устозимизсиз. Турмуш ўртоғингиз (Оллох раҳмат қилсин, бизга ҳам қадирдон, маслаҳатгўй эдилар) педагогика фанлари номзоди, доцент Мирқобил ота Мирқосимов билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб, бир ҳовли набиравараларга бобо-момо бўдиларингиз. Фарзандларингиз ичида халқимиз, Ватанимиз шарафини кўкларга кўтарадиган, унга сидқидилдан хизмат қиладиган фан номзодлари, фан докторлари-профессор, шифокор-полковник (Мирқосимов Мивосил акани Оллох раҳматига олган бўлсин), мактабгача таълим муассасаси мудираси, икки келинингиз-қизларингиз шифокор, булар қатори юзлаб-минглаб шогирдларингиз мустақиллигимиз пойдеворининг асосчилари ва келажагимиз истиқболлари эгаларига таълим-тарбия бермоқдалар. Мана шуларнинг Сиз тўғрингиздаги илиқ, чин дилдан айтган сўзлари ҳар қандай унвонлардан устунлигини ўзингиз ҳам биздан яхши биласиз. Афлотун лутф қилганидек: “Инсон учун биринчи бахт соғлиқ бўлса, иккинчи бахт гўзалликдир”. Шу иккиси Сизни яна узоқ-узоқ йиллар тарқ этмаслигини яратган Эгамдан илтижо билан сўраб қоламиз. Соғ бўлинг.

### **Мусаев Паёз – педагогика фанлари номзоди, доцент**



*Маълумки, яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 80 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан география таълими соҳасида самарали фаолият кўрсатиб, эл-юрт назарига тушган олимлар ҳақида саҳифа тайёрланди. Жумладан, Сизнинг фаолиятингиз бўйича ҳам баҳоли қудрат тўхталдик. Шу боисдан ҳаёт йўлингиз ҳақида биз билан ўртоқлашсангиз.*

- Дарҳақиқат, ўқиб-эшитиб ёзишга қараганда бошдан кечирган кишининг айнан ўзи билан бақамти ёзиш бошқача. Шунда ҳақиқат ёркин намоён бўлади. Зеро бевосита ўзим билан суҳбатлашишни ихтиёр этганингиз мақсадга мувофиқ. Келинг, ўзим ҳақимда сўзлаб

бера қолай. Мен Паёз Мусаев 1935 йил 20 октябрда Тошкент шаҳрида мохир педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ғиёс қори Мусаев оиласида дунёга келганман. Демак, ёш жихатдан 80 йиллиги нишонланаётган бу илмий даргоҳ (Низомий номидаги ТДПУ) билан тенгдошман. 1954 йилда Тошкентдаги 111-ўрта мактабни битиргач, мактабда лаборант вазифасида меҳнат фаолиятимни бошладим. 1958-1963 йилларда Белинский номи Тошкент давлат кечки педагогика институтида ўқиб, кундузи 33, 22-мактабларда географиядан дарс бердим. Институтни 1963 йили имтиёзли диплом билан тугатдим. Шундан кейинги фаолиятим асосан Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида кечди.

Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳақида сўз кетганда мен, аввало, вазирлик — халқ таълими тизимининг юраги бўлса, илмий тадқиқот институти унинг мияси, дегим келади. Зеро, бундай муътабар илм даргоҳи Ўзбекистонда биттагина. Тақдир олий маълумот ҳамда беш йиллик педагогик тажриба эгаси бўлган менингдек география ўқитувчисини 1964 йили шу институтнинг аспиранти бўлиш бахтига муяссар қилди. Шундан



буён ўтган 40 йил мобайнида умумий ўрта таълимнинг Ўзбекистонга доир муаммолари бўйича изланишлар олиб бордим.

Илмий тадқиқот мавзуси, муайян муаммо, гарчи асосан ижтимоий зарурият тақозоси ўлароқ намоён бўлса-да, бироқ унинг ечимида изланувчининг назарий салоҳияти, тадқиқотчилик истеъдоди ва айниқса, шахснинг ички дарди муҳим роль ўйнайди. 1964-1967 йилларда институт аспирантурасида ўқидим.

Аспирантурага қадар ўқитувчилик фаолиятимда шаклланиб, мақсадга айланган таълим-тарбияни миллийлаштиришга оид қарашларимни география фани мисолида илмий асосламоқ учун “Ўзбек мактабларида иктисодий географияни ўқитиш хусусиятлари”

мавзусида номзодлик диссертациясини тайёрлашга киришдим. Бу мавзу кейинчалик Ўзбекистон мактабларида умумий ўрта таълимнинг мазмун ва методларини модернизациялашга тўртки бўлди.

Маълумки, шўролар даврида собиқ иттифокнинг барча хуудларида таълим-тарбия ягона дастур ва ягона дарсликлар асосида олиб борилиши боис юқоридаги каби мавзуларда диссертация ёзиш марказ (Москва)нинг изнисиз беҳуда уриниш эди.

Мавзуни илмий кенгашда тасдиқлаштиш, айрим савол-жавобларни ҳисобга олмаганда, деярли силлиқ кечган. Бунда муаммо кирралари, аниқроғи тадқиқот предмети мавҳумлик пардаси билан ниқоблангани кўл келди. Илмий изланиш нисбатан жадал олиб борилди. Аммо апробация босқичлари мураккаб кечди, бахслар тўфонига учрайверди. Ниҳоят, иш ҳимояга лойиқ топилди. Ўша даврда педагогика фанлари бўйича Ўзбекистонда ягона фан доктори, отахон академик Сиддик Ражабов авторефератни кўлга олиб, унинг сарлавҳасиданок “бу иш сиёсий авантора” дея оппонентликни рад этди. Бирмунча вақт ўтгач, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор, собиқ иттифок Педагогика фанлари академиясининг академиги Эминжон Қодировнинг даъвати билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори, педагогика соҳасидаги диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Шопўлат Абдуллаев оппонентликка розилик билдирди. Бирок, диссертация билан танишиб чикқач, ҳимояга қўйилаётган ишда мустакил икки муаммо: бири — “Иқтисодий география ўқув фани мазмунининг ўзбек мактабларига хослиги” ва иккинчиси — “Иқтисодий географияни ўзбек мактабларида ўқитишнинг методик хосликлари” ўз ечимини топгани, аммо биринчи муаммо ҳақиқатан ҳам марказ (Москва) измидаги, боз устига сиёсий-мафкуравий масала эканига урғу бериб, у ўзимизнинг илмий кенгашда мувоффақиятли ҳимоя қилинган тақдирда ҳам Москва (ОАК) кенгаш қарорини бекор қилиши аниқ. Зеро, диссертациядан ўзбек мактабларида иқтисодий география ўқув фанининг мазмунини ўзгача ўқитилишига доир бобни олиб қўйиб, уни

Ўқитишга оид методик хосликларнигина химояга олиб чиқиш билан ҳам фан номзоди даражасини химоя қилса бўлади, дедилар. Хуллас, Шопўлат Абдуллаев айтганларидек йўл тутиб, диссертациядан бир боб олиб қўйилди. Автореферат қайта чоп қилинди. Химоя ҳам, ОАК тасдиғи ҳам мувоффақиятли кечди. Аммо биргина жумлада ифодаланган бу жараёнда йўқотилган вақт – бир йилнинг қимматини, чекилган заҳмат ва изтиробларни ўлчаб бўлармикан?!

Бу сатрларни ўқиётиб, институт 80 йиллиги тантаналарида ярим аср бурунги тадқиқот мушкулотлари ҳақида сўзлашдан мақсад нима, дея ажабланманг. Педагогик тадқиқот билан шуғулланаётган ҳозирги авлод кишиларида ҳам ўзига хос турли муаммолар бўлишидан кўз юммасак-да, аммо улар институт билан тенгдош биз фахрийлар изланиш олиб борган шароитдаги сунъий тўсиқлар олдида ҳеч гап эмас.

Авалло педагогик тадқиқотларнинг бош йўналишларини белгилаш ўта марказлаштирилганидан миллий республикаларга доир муаммолар бўйича тадқиқот билан шуғулланиш ва уни марказга манзур қилишда тадқиқотчи ниҳоятда азият чекарди. Ҳар қандай тадқиқотни диссертация шаклида расмийлаштирилишидан тортиб то химоясигача рус тилида бажарилиши мажбурий эди. Аксарият диссертацияларни ихтисослашган илмий кенгаш йўқлиги важдан Ўзбекистонда химоя қилишнинг умуман иложи йўқ эди. Илмий даража ва унвон бериш фақат марказ измида бўлганини бугунги илмий ходимлар тасаввур қилиши қанчалар қийин, ўз она тили – ўзбек тилида ёзиб шу тилда муҳокама, мунозара ва химоя қилишни, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган экспериментал лаборатория-ю, тажриба майдончалар, илмий ходимлар фаолият кўрсатаётган ҳозирги муҳташам бино қулайликлари биз, кекса авлод учун ўша замонларда буюк орзу эди. Зеро, эндиликда илмий изланишларга чексиз имкониятлар яратган истиқлолга шукроналар айтса арзийди, миллий таълим тизимининг такомиллашувида фидойилик





кўрсатиш оддий ҳолга, меъёрга айланди.

Юртимиз узра ошкоралик ва демократия шарпаси кезиб юрган йилларда миллий ўзбек мактаби бўйича қарашларимни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг нашри “Фан ва турмуш” журналида “Мактабимиз истиқболи ҳақида ўйлар” номли мақола орқали (1989) жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилдим. Унда шўро таълим тизимининг қусурларини кўрсатиш баробарида бўлғуси ўзбек миллий мактабининг халқчил ҳамда инсонпарвар жиҳатларини ифодаловчи компонентлар ўртага ташланди. Турли ижтимоий қатламга мансуб фуқаролардан кўтарилган масалага муносабат билдирилган икки мингдан ортиқ мактуб олинди. Уларда ёритилган фикр-мулоҳазалар негизида “Миллий ўзбек мактаби концепцияси” яратилди. 1990 йилнинг охирида институт учун (1991-1995 йилларга мўлжалланган) илмий-тадқиқот ишлар буюртмаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланди. Авваллари марказ юборган илмий тадқиқот режасига ҳамоҳанг ҳолда институт ўз тадқиқот режасини тузар, сўнгра уни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлар эди. Бу гал буюртма илк марта бевосита республика Халқ таълими вазирлиги томонидан мустақил шакллантирилди. Буюртма илмий-тадқиқот ишларини асосан ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда таълим мазмунини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга қаратилган эди. 1991 йилнинг январидан институт директори, профессор Қ.Фозилхўжаев раҳбарлигида буюртма бўйича ўзбек мактабларида таълим мазмуни ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Институт тарихида илк бор “Умумий ўрта таълим мазмуни ва стратегиясини белгилаш” бўлими тузилиб, уни бошқариш менга юклатилди. Бу менга нисбатан ишонч, айни вақтда жиддий синов эди.

Айни вақтда “География ўқитиш методикаси” бўлимини ҳам бошқардим. Қатор йиллар давомида география таълими назарияси ва ўқитиш методлари билангина шуғулланган бўлсам, энди ўрта умумтаълим мактабида ўқитиладиган барча ўқув фанларига тааллуқли концептуал муаммоларнинг ечимига масъул бўлдим. Вазирлик буюртмаси асосида 1991-1992 йилларда мактабда ўқитиладиган барча

Ўқув фанларининг концептуал асослари яратилди. “Мақтаб географиясини қайта қуриш концепцияси” намуна сифатида “Маърифат” газетасида эълон қилинди. Сўнг Давлат таълим стандартининг таркибий қисмлари, мезонлари, меъёрлари ва жорий этиш механизми қандай бўлишлиги илмий асосланди. Изланишлар натижаси “Таълим сифати меъерининг қонуний асоси” номи билан “Маърифат” газетасининг 1993 йил 9 январь сонисида эълон қилинди. Мақолада илгари сурилган гоё ва тамойиллар асосида алоҳида ўқув фанлари бўйича ДТСлари тузилди.



Географиядан 5-10-синфлар учун таянч ўқув дастур тузилди. Умумий ўрта таълимнинг меъерий ҳужжатлари сирасидан ҳисобланган “Таянч ўқув режа”нинг таркибий тузилиши, унинг вазифаси, ўзбек миллий мактабларига хосликлари белгиланди. Унинг мазмун-моҳияти “Маърифат”

газетасининг 1998 йил 16 декабрь сонисида эълон қилинган “Таянч ўқув режанинг таянч нуқталари” номи мақолада баён этилди. Таянч ўқув режага мувофиқ, айрим ўқув фанлари интегротив предмет шаклида ўқитилиши мумкин эди. Шу боис табиий география, ботаника, физика, кимё ва астрономияга оид билимлар тизимидан омухта “Табиийёт” (5-синф) интегротив курсини яратиш мақсадида 1995-1996 ўқув йили тажриба дарслар ишланмаси санокли мактаблардагина ўқитилди. Тажриба-синовлардан сўнг, 1998 йилда “Табиийёт” дарслик мақомида нашр этилиб, республиканинг барча мактабларига жорий қилинди.

Шунингдек, 5-синфлар учун “Табиий география”, 6- синфлар учун “Материклар ва океанлар географияси” янгича таркибий тузилиш, янгича мазмунда нашр қилинди. “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” дарслиги биринчи марта курс мақомида яратилди. Бундай кенг қамровли тадқиқотларда бўлим илмий ходимларидан: А.Баҳромов, Д.Ризаева, А.Ф.Антонов сингари дидактика илмининг билимдонлари жонбозлик кўрсатишди. Ўтган даврда 40 йиллик илмий фаолиятим натижаси ўлароқ чоп этилган 3 та

монография, 4 та дарслик, 18 та рисола ва 200 дан ортик илмий-методик мақолаларим педагогик амалиётга сингиб бормоқда.

Изланиш заҳматининг мухтасар хулосалари:

- география интегратив фан, зотан уни мукамал билиш қомусий билим соҳиби бўлиш демак;

- география ўқитиш методикасини география фанининг илдизидан ахтармоқ лозим;

- машхур географ Николай Баранский ҳаёт бўлганида “Ҳар қандай саёҳат картадан бошланиб картада тугалланади” иборасини “Ҳар қандай саёҳат интернетдан бошланиб интернетдан жой олади” деб ўзгартирган бўларди.

Камина (Паёз Мусаев) раҳбарлигида ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялари:

Асилова Гулшан Асадовна “Умумий ўрта таълимда танлаш усулидаги тестлардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари”, 1997.

Хаитов Аскар Турсунович “Мақтаб табиий география курсларида геоэкологик билимлар тизими ва ўқитишнинг методик асослари”, 1999.

Абдурахмонов Мирзамахмуд “Табиий география таълимида дидактик ўйинлардан фойдаланиш методикаси”, 2001.

Баҳромов Қаюм Ҳусанович “Географик объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида таълим самарадорлигини ошириш”, 2003.

Илмий-педагогик фаолиятимнинг эътирофи сифатида юксак мукофотлар (уч медал, Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи ва бошқа кўплаб ёрликлар, “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони) билан тақдирландим. Аммо сирасини айтганда, булар менинг пировард мақсадим, орзуим бўлган эмас. Мен учун устувор мақсад, муқаддас орзу — бу, ўзбек миллий мактабининг яратилиши эди. Шу орзуим ушалди. Ўзбекона кадриятларга асосланган мактаб яратиш йўлидаги умуммиллий жараёнга изланишларим билан ҳисса қўша олганимдан бахтиёрман. Зотан, 80 ёшини нишонлаётган бу илм даргоҳи

мен учун илмий педагогик фаолиятимнинг тамал тоши қўйилган, буюк орзуим ушалган муқаддас маскандир.

*- Домла, суҳбат асносида турар жойингиз, турмуш тарзингиз билан бир қадар танишдик. Сирасини айтсак ижодхонангиздаги китоблар ва ҳовлингиздаги файзу тароватдан сеҳрланиб бу ерни тарқ этаолмаётирмиз. Ҳовлингизнинг бунчалар мафтункорлиги сирини билмоқчи эдик.*

- Гўзалликни илғаш ва ундан завқланиш бу комиллик аломати. Сизни мафтун этган нарса, умуман ҳар қандай гўзаллик, табиат, борлиқдаги тўқис алоқадорлик уйғунликнинг ҳосиласидир. Бу нарса илмнинг турли жабхаларида эътироф қилинади. Аммо ҳеч қайси фан уларни географиячалик ўрганмайди, демакки, ўргатмайди. Маълумингизким, оиламдагиларнинг учтаси географ олим, мураббий. Уларнинг илми ва диди ҳовлимиздаги гўзалликка таъсир этувчи омил бўлса ажаб эмас.

*Узр Устоз, шу ерда фарзандингиз Жаҳонгир Мусаев (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги етакчи мутахассиси, география фанлари номзоди, доцент) ҳам суҳбатга қўшилмоқ истагида эканлигидан фойдаланишига руҳсат берсангиз.*

“Тан олаш керакки, отамизнинг сийратларини тўлалигича очиб беришга мен, фарзанд сифатида ожизман. Инсоннинг, жумладан отамизнинг нималарга қодирликлари, диллари-ю амаллари тўлалигича ёлғиз тангрига аён, зеро уларни сифатлашга Яратгангина қодир. Алқисса, отамизни сифатлаш мен учун ноқулай ҳам. Ислом одоби бўйича фарзанднинг ота-онани сифатлаши, ҳатто буткул алқилган тақдирда ҳам беодоблик ҳисобланишини эътироф этган ҳолда инсоний амалларидан айримларини эслашга жазм этдим.

Халқда “Ҳар бир буюк шахснинг ортида фидойи аёл туради” деган гап бор. Отажонимизнинг эл назарига тушиб юришларида раҳматли онаизоримизнинг ҳам хизматлари катта. Онамиз ниҳоятда ораста, ақлли, оғир-вазмин, фариштали аёл эдилар. Илк бор онамиз тимсолида ташқи қиёфаси ҳам, маънавий олами ҳам гўзал, ҳақиқий ўзбек аёлини кўрдик, ибрат олдик ва эргашдик. Балки онамиз битмас-туганмас маънавий гўзаллик, руҳий бойлик, инсон мукамаллиги тимсоли бўлганлари учун ҳам бир йўла муаллимлик қилиш, кечки институтда ўқиш, тўрт фарзанд ҳадя этиш баробаринда тадқиқотчи

отамизнинг эркин ва унумли ижод қилишларига моддий-маънавий шароит хозирлаб бера олгандирлар. Ота-онамиз бир-бирларини ниҳоятда ардоқлашарди. Кўплар уларнинг ҳаётларига ҳавас билан боқарди. Аммо волидамизнинг умрлари қисқа экан, 59 ёшларида оламдан ўтдилар.

Отамизнинг бекиёс ғайратли, иродали, захматкаш инсон эканликларидан фахрланамиз, ибрат оламиз. Сўз ва амал бирлиги ҳаётларининг шоҳ тамойили, дейиш мумкин. Бирор масалада ким биландир ваъдалашсалар, ижросига айтилган вақт ёки муддатдан андак кечикса ҳам қаттиқ ранжийдилар. Ҳоҳ расмий, ҳоҳ оилавий тадбир бўлсин уни айтилган вақтдан олдин ёки кечикиб бошланиши ҳам, айтилган жойга эрта ёки кечикиб боришни ҳам ёқтирмайдилар.

Тўй, маърака ва ҳатто меҳмондорчилик каби оилавий тадбирларнинг тароватли, ораста ва мақбул ўтишига жиддий аҳамият берадилар. Ҳар қандай тадбирдан сўнг у қандай ўтгани-ю, қандай камчиликка йўл қўйилгани ҳақида фикримизни сўрайдилар.

Оила тизгинини маҳкам ушлаб вақтида тергаб туришлари, талабчанликлари туфайли барчамиз мактабни аъло баҳоларда медал, ёрликлар билан тугаллаб, олий маълумотли мутахассис бўлиб етишдик.

Оиламизда барча учун умумий ва энг кўп фойдаланиладиган жой бу, кутубхона. Отамизнинг талабалик йилларидаёқ шаклланган кутубхонадаги қўлбола жавонларда терилган 10000 дан ортиқ китоб, жаридалар орасидан кераклисини (ҳеч бир каталог, рўйхатсиз) қийналмай топишларидан ҳайратланади кички.

Бирон кишининг таваллудини нишонлаш, никоҳ тўйи ва ҳатто, келинсалом сингари маросимларда ҳам тантана сабабчисининг қизиқиши ва ёшига мос китоб совга қиладилар. Шу мақсадга аталган “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, “Ислом энциклопедияси”, “Уй-рўзгор энциклопедияси”, “Саодатга элтувчи билим”, “Пайғамбар ҳадислари” сингари ноёб китоблардан бир нечталаб нусхалар сақлайдилар.

Отамизнинг кўп киррали фаолиятларида публицистика алоҳида ўрин тутди. Уларнинг газета-журналлар саҳифаларида бот-бот чикиб

турадиган ўткир мақолалари, радио ва телевидениядаги марокли суҳбатлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмас, ўз даврининг долзарб педагогик ва методологик муаммолари ҳақида ёзганлари учун дарҳол тилга тушиб, яхши маънода шов-шув бўлиб кетарди. Мақола суҳбатларининг ҳар бири миллатпарварлик руҳи билан йўғрилган бўлиб, маънавият, маърифат муаммоларидан баҳс этади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида “Фан ва турмуш”да эълон қилинган мақолалари учун 2000 дан зиёд мактуб келиб, 500 000 лик нашрнинг энг машҳур муаллифига айландилар. Бемалол айтиш мумкинки, отамиз долзарб мақолалари билан бугунги кунда жадал кечаётган мактаб ислохотларига ўша пайтдаёқ ўз улушини қўшган жиддий саъй-ҳаракатлар зарурлигини айтишдан чўчимайдиган инсонлардан биридирлар.

У киши меҳнатдан завқ ва қувват олишларидан бўлса керак, ишлаган сари кучга тўладилар. Ҳовлимизни мана ўзингиз кўриб турганингиздек нақ “Боғи Эрам”га айлантирганлар. Ижодда қанчалик ҳафсалали бўлсалар, боғга ҳам шундай қарайдилар. Айни вақтда ҳар кимнинг заррача ютуғини ҳам илғаб олқишлари кишига рағбат, ғайрат бағишлайди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, отамизнинг нузли сиймолари, асарларининг қатига сингдирилган ўғитлари, ўзлари босиб ўтган ҳаёт йўллари фарзандлар, авлодларга ибрат мактабидир”.

*- Таъажжур, доимо соғ бўлинг, устоз.*

### **Асанов Галимжон Раҳимжанович – география фанлари номзоди, доцент**



Г.Р.Асанов 1936 йилнинг 21 ноябрида Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятида таваллуд топганлар. Устоз 1958 йилда Низомий номидаги ТДПИ нинг “Табиёт-география факультети”нинг “География” бўлимини тугаллаганлар. Ўша йилнинг ўзидаёқ “Иқтисодий география” кафедрасида ўқитувчиликдан меҳнат

фаолиятларини бошлаганлар, шу билан бирга аспирантурани ҳам тамомлаганлар.

1966 йилда Ўзбекистон географларининг отахонларидан бири география фанлари доктори, профессор З.М.Ақромов раҳбарлигида “Наманган гуруҳи туманлари аҳолиси ва қишлоқ аҳоли манзиллари” (“Население и сельские населенные пункты Наманганской группы районов”) мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилганлар.

Диссертация ишида тадқиқот ҳудудининг иқтисодий-географик жойлашуви ва табиий шароитининг ўзига хос жиҳатлари батафсил ёритилиб, аҳоли жойлашуви ҳудуднинг ўзлаштирилишида муҳим омил сифатида қаралган. Бунда ишнинг мақсадидан келиб чиқиб: 1) жанубий текислик; 2) адир орти ботиқ ва текисликлари; 3) адирлар; 4) тоғолди ва тоғ табиий минтақалари ажратилган.

Ишда ҳудудда аҳоли жойлашувининг тарихи ва ҳўжалигининг ҳозирги ҳолати атрофлича таҳлил қилинган бўлиб: 1) аҳоли жойлашувининг инқилобгача бўлган даври; 2) аҳоли жойлашуви ривожланишининг шўролар даври; 3) ҳўжаликнинг ҳозирги ҳолати тавсифланган.

Диссертация ишидаги энг муҳим жиҳатлардан яна бири ҳудуд аҳолиси ва меҳнат ресурсларига бағишланганлигидир. Бунда аҳоли динамикасининг шўролар давридаги (1917-1965 йй.) тавсифи ва унинг ҳудудий жойлашуви, аҳолининг таркиби, тузилма (структура) си, меҳнат ресурсларининг халқ ҳўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши ҳамда қишлоқ ҳўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати тўлақонлича тавсифланган.

Ишда қишлоқ жойларидаги аҳоли манзилларининг тур ва шакллари бўйича жойлашув географиясига катга эътибор берилган бўлиб: 1) аҳоли жойлашувининг йирик воҳа кичик тури (подтип); 2) суғорма дехқончилик жадал ва лалми дехқончилик билан уйғунлашган воҳалардаги жойлашув кичик тури (подтип); 3) чўл-яйлов чорвачилиги билан уйғунлашган воҳалардаги аҳоли жойлашуви кичик гуруҳи; 4) аҳоли жойлашувининг тоғ олди кичик гуруҳи; 5) шаҳар атрофи қишлоқлари аҳолиси жойлашуви кичик гуруҳлари каби таснифларига ажратилган.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳоли жойлашувини яхшилашнинг асосий масалаларини ёритиш ишнинг якуни сифатида қаралган. Бунда муаллиф томонидан умумий хулосалар мужассамлаштирилиб, тегишли таклифлар ўртага ташланган.

Г.Р.Асанов домламиз номзодлик диссертацияси ҳимоясидан бир йилдан сўнг 1967 йилда доцентлик лавозимига муяссар бўлганлар.

Устоз 1970-1980 йиллар мобайнида “Иқтисодий география” кафедрасига мудирлик қилганлар, ўша даврда кафедранинг илмий салоҳиятини бойитишда тинимсиз изланганлар. 1980-1987 йилларда эса университетнинг “Тайёрлов бўлими”да декан лавозимида, 1987 йилдан то умрларининг охиригача (1989 йил, август) Сиртки ва кечки бўлимда проректорлик вазифасини бажарганлар.



Мен 1987 йил ноябрь ойида институт комсомол комитети котиби ўринбосари лавозимидан сўнг “Иқтисодий география” кафедрасига тадқиқотчи бўлиб ўтган кунимдан бошлаб Устознинг маслаҳатлари билан мавзу танлашдан иш бошлаганман. “Взаимосвязь расселение и размещение производства и инфраструктуры (например Мирзачульского экономического района)” мавзусидаги номзодлик ишини менга таклиф қилиб, ишни янада пухталаш, режани такомиллаштириш мақсадида мени Москвага география фанлари номзоди, доцент бўлса ҳам соҳа бўйича етук олим О.Кибальчич хузурига жўнатганлар. Домла тузиб берган иш режасига москвалик олим бирон нарса қўша олмади, фақат устоз Г.Асановга қойил қолганлигини тан олганлигини ҳамда устозга салом етказишимни илтимос қилди, холос.

Ўша даврлардаги институтда ректорлик лавозими учун бўлган танловлар бўйича деярли кунаро ўтказилган мажлислардаги, ҳамда институт фирка қўмитаси топшириқларини бажариш учун сарфланган



хам жисмоний, ҳам рухий зўриқишлар, Мамлакатхон келиноймиз уйдан бериб юборган бир бурда нону, кичкина бўлақдаги бугда пиширилган товук гўшти билан ўзининг касалманд жуссаларини доимо эҳтиёт қилиб, ҳаммасига чидаб келган Устозни катта йўлда автоҳалокат туфайли бу оламни тарк этганликларини ҳеч ҳам ҳазим қилолмаймиз. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, жойлари жаннатдан яратилганлигига ишонамиз. Чунки, ҳаёт тақозоси ила кўплаб яхши инсонлар, яхши олимлар билан учрашишга муяссар бўлдим, аммо бундай камтарин, камсуқум, ҳалол, пок, виждон-диёнатли инсонни учратмадим. Устозни кўпчилик билан суҳбатларида бирга бўлганман, 1985 йилдан 1989 йил август ойининг ўрталаригача деярли ҳар куни ёнларида эдим. Бирон бир инсонга ноҳўя, ноўрин, кўнглига ботадиган, уни ранжитадиган гаплар у ёқда турсин, унга яқинроқ тарздаги гапларини ҳам эшитмаганман. Домла 1978 йилда “Аҳоли географияси” фанидан бизга маъруза ўқиганларида ҳам у инсондаги илм-заковат, муомила, ўта тартиблилик (принципиаллик) ва нутқ маданиятларига барчамиз тан бериб, шу инсонга ўхшашликни орзу қилганлигимиз ҳақиқат. Домла соф ўзбек адабий тилда гапириш билан бирга рус тилида гапирганда ва ёзганларида ҳам русзабон миллат зиёлилари ҳам қойил қолганлигига ўзим кўп марта гувоҳ бўлганман, қаламлари ҳам ниҳоятда ўткир ва доно эди.

Иш ва юмушлардан биров толиксалар Ўзбекистон халқ ҳофизи, эл севган санаткор, лирик кўшиқчиликка тамал тошини қўйиб кетган, кўплаб биз билган суюкли санъаткорларнинг устози Фаҳриддин Умаровнинг кўшиқларини тинглар эдилар. Фаҳриддин ака ижросидаги кўшиқлар Устознинг жону-дили эди. Ўзлари ҳам рубобни ва дуторни яхши чергар эдилар, Фаҳриддин ака усулидаги кўшиқларни ҳам маъромига етказиб қўйлаб, даврадагиларни ҳушнуд айлаганликларини ҳам кўп кўрганмиз (Х. А).

Г.Р.Асанов аҳоли географияси ҳамда иқтисодий ва ижтимоий география, географик лугатшуносликка бағишланган кўплаб ўқув қўлланма, рисола ва 200 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи эдилар. Булар ичида:

Аҳоли географияси (Т.: Фан, 1969; Т.: Ўқитувчи, 1978), Ўзбекистон иқтисодий ва социал географияси (Т.: Ўқитувчи, 1984), Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси (Т.: Ўқитувчи, 1994) ўқув қўлланмалари ҳамда Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари (Т.: Фан, 1970), География ва экология (Т.: Ўзбекистон, 1986), Ўзбекистон аҳолиси (Т.: Ўзбекистон, 1987) каби илмий-оммабоп рисолалари ҳамда географияга оид луғат каби бошқа ишлари ҳали хануз география таълимида асосий манбалар ҳисобланади.

Домла Г.Р.Асанов нафақат заҳматкаш олим, юксак ташкилотчи, мохир педагог, нотик бўлиш билан бирга, оилаларида намунали турмуш ўрток ва ғамхўр меҳрибон ота сифатида ҳам кўтчиликка ўрناк бўлишга улгурган эдилар.



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти Девоии масъул**  
**ходимаси, устознинг қизлари**  
**Дилфузахон Асанова хотиралари:**  
 “Мен отажонимнинг бизга қилган насихатларидан ҳалигача ҳаётимнинг барча жабҳаларида фойдаланиб келаман. Улар бизлар - фарзандларга

доим камтарин бўлинглар, бирор инсон билан суҳбатлашганингизда, суҳбатдошингиздан қандайдир яхши фазилатларини олишга, билмаган нарсаларингизни ўрганиб олишга ҳаракат қилинглар, деган ўғитлари хануз менга ҳаётимда ёрдам бериб келади. Отамизнинг ўз оналари, яъни, бувижонимизга, онажоним, яъни рафиқаларига бўлган ҳурмат - эҳтиромлари, фарзандлари, яъни мен, акам ва укамга берган тўғри тарбиялари юқори олқишларга сазовор деб ўйлайман. Отажонимнинг қариндош-уруғлари, кўни-кўшнилар, маҳалла аҳли ва фаоллари орасида ҳам ҳурматлари катта эди. Отажоним, шундай ажойиб, камтарин, билимдон ва ғамхўр инсоннинг энди дийдорларига тўямиз деганда, жуда ёш 53 ёшга тўлмасдан бу дунёни тарк этганликларидан афсусу-надоматдаман холос. Илоҳим доимо руҳлари шод бўлиб, жойлари жаннатдан бўлсин”.

Устоз Г.Р.Асанов “Халқ маорифи аълочиси”, “Меҳнат фаҳрийси” нишони ва кўплаб фаҳрий ёрлик ва нишонлар соҳиби эдилар.

Г.Р.Асанов халқ маъорифи, айниқса, география таълими жонқуяри, юксак маданият соҳиби, ўзининг касб-кори билан фахрланувчи, виждони пок, педагог, оила аъзоларию – шогирдларига гамхўр ва камтарин инсон сифатида бор кучи ва билимини ёшлар тарбиясига бахшида этган устозлардан бири эдилар.

Рухингиз ҳамиша ўғиллар ва қизингиз, набира-ю-чевараларингиз ҳамда шогирдларингизга мададкор бўлишини Оллоҳдан сўраб қоламиз. Асановлар сулоласига соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик, кут-барака ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

### **Сафаров Иронккул – география фанлари номзоди, доцент**



Иронккул Сафаров 1936 йил 23 ноябрда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида деҳқон оиласида туғилганлар. 1943 йилда Жарқўрғон туманидаги С.Макаренко номидаги мактабга ўқишга бориб, 1953 йили мазкур тумандаги А.Навоий номидаги 34-ўрта мактабни тамомлаганлар. Шу йили Низомий номидаги ТДПИга ўқишга қабул қилиниб, 1957 йил ушбу институтни аъло баҳолар билан якунлаганлар.

Педагогик фаолиятларини Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 4-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб бошлаб, 1960 йилдан эса Тожикистон Фанлар Академияси аспиранти сифатида илмий тадқиқот ишини бошлаганлар. Аспирантурани муваффақиятли тамомлагач ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг “Аҳолишунослик” илмий тадқиқот лабораториясида ўз илмий тадқиқотларини давом эттирганлар. Республикамининг кўплаб вилоятларида илмий экспедицияларда бўлиб, қишлоқ аҳоли манзиллари жойлашувига доир бир қатор илмий мақолалар чоп эттирганлар. Халқаро ҳамда собиқ иттифоқ микёсидаги илмий амалий конференцияларда мунтазам маърузалар билан қатнашганлар.

1974 йил 18 октябрда профессор М.Корахонов раҳбарлигида “Сурхондарё вилояти аҳолисининг жойлашуви (демографик ва географик таҳлил)” мавзусидаги география фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Улар ўз илмий ишларида республика демограф олимлари орасида биринчилардан бўлиб Сурхондарё вилояти мисолида қишлоқ ва шаҳар аҳолиси динамикаси, унга таъсир этувчи омиллар ва махсус шароитларни таҳлил қилганлар.



Шунингдек, ишда яна вилоят аҳолисининг демографик ҳолати; таркиби ва тузилмаси (структураси); аҳоли жойлашувининг динамик ривожланиши ва у билан боғлиқ муаммолар; аҳоли жойлашуви ва ривожланишининг асосий жиҳатлари ҳамда истиқболлари; вилоят аҳолиси сонининг 1970-1990 йиллар мобайнидаги ва келажакдаги башорати масалалари атрофлича ёритилган.

И.Сафаров 1976-1978 йиллар мобайнида Термиз давлат педагогика институти раҳбарияти таклифига кўра ушбу даргоҳда педагогик фаолиятларини давом эттирдилар. 1979 йилдан бошлаб эса Низомий номидаги ТДПИда иш бошладилар. Шу олийгоҳда 2001 йилгача доцент лавозимида ишлаб талабаларга “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси”, “Аҳоли географияси ва демография”, “Мелиоратив география” каби фанлардан сабоқ берганлар, педагогик ва ишлаб чиқариш мажмуали амалиётларига раҳбарлик қилганлар. Устоз, ўта босиқ, камтар, камгап ва ўта мушоҳадали, мукамал илмий - педагогик маҳорат соҳиби ҳамда самимий инсон эдилар. Дарс жараёнида талабаларга пухта билим бериш, уларда яхши хислатларни шакллантиришга интилиш асосий шиорлари бўлганлигига барча шогирдлари гувоҳ (А.Х.).

Ундан сўнг 2005 йилгача бўлган даврда Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ “География” факультети “Демография” кафедрасида талаба ва магистрларга сабоқ бердилар. И.Сафаров ўз шогирдларига доимо ўзи

танлаган касбни севиш, унинг машаққатларига бардошли бўлган холда етук мутахассисларга айланишлари мумкинлигини кўп бора уқтирар эдилар. Талабалик даврида уларнинг раҳбарлигида ўз илмий тадқиқотларини бошлаган бир қатор шогирдларнинг ўзлари бугун устоз мақомига эришганлар. Иқтисод фанлар номзоди, доцент М.Бўриева домланинг биринчи дипломантлари ҳисобланадилар. Бундан ташқари фан номзодлари: Л.Қаршибоева, С.Зокировлар ҳам И.Сафаров илмий раҳбарликларида ўзларининг диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар.



**Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, география фанлари номзоди, домланинг қизлари Насибахон Сафарова хотиралари:** География фанлари доктори, профессор А.Солиев раҳбарлигида “Иқтисодий

географик ўриннинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири (Сурхондарё вилояти мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида иш олиб бориш ва уни ҳимояга олиб чиқиш, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Табиий фанлар факультети “География ўқитиш методикаси” кафедрасида деярли ўн йилдан бери фаолият олиб бориш жараёнида доимо дадамнинг менга берган ўғитларига таяниб иш кўриб келмоқдаман. Менинг география фанига меҳр қўйишимда ҳам айнан дадам – география фанлари номзоди, доцент Иронкул Сафаров сабабчи бўлганлар.

Дадамдан “Нега ушбу касбни танлагансиз?”, деб сўраганимда, “Тошкентга ўқиш учун хужжат топширгани келганимда, таниш талабалар бу касб эгалари давлатимиз бўйлаб турли сайёҳатларга чиқадилар дейишган. Бу фанни ўрганиш натижасида доимий орзуим бўлган кўп юртларни кўриш ва ўрганиш имкониятига эга бўлишим мумкинлиги мени 1953 йилда Низомий номидаги ТДПИга ўқишга киришимга сабабчи бўлган” деб жавоб берганлар. Ҳақиқатан ҳам

дадам талабалик йилларида Москвада бўлиб ўтган Халқаро ёшлар фестивалида, турли илмий конференцияларда катнашиш, педагогик фаолиятлари даврида талабалар билан табиий ва иқтисодий географиядан бутун иттифок мажмуали ишлаб чиқариш амалиётларига боришлари орқали турли шаҳарлар ва ўлкаларда бўлиб қайтганлар. Хизмат сафаридан ёки амалиётдан қайтишларида доимо ўзлари билан географиянинг турли йўналишларига мансуб илмий адабиётлар олиб келишни қанда қилмас эдилар. Ўзларининг шахсий кутубхоналарини энг катта бойликлари деб ҳисоблаб келганлар. Уларнинг бой ва сермазмун кутубхоналари менга илмий тадқиқотлар олиб боришимда, педагогик фаолиятимда катта ёрдам бермоқда.

Дадам умрларининг сўнгги йилларида соғлиқларидаги муаммолари туфайли ишлай олмаган бўлсалар-да, янги нашр қилинган илмий адабиётларни мутоала қилиб, ўз ҳамкасабалари билан доимий мулоқотда бўлиб турдилар. Ҳар гал дарсларга кирар эканман дадамнинг “Қизим, бизнинг боболаримиз ризки китоблар ва илм билан боғлиқ. Доимо билим олишга интил ва ўз талабаларинга сидқидилдан илм ўргат”, деганлари ёдимга келади ва уларнинг ўғитларига амал қилган ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қиламан. Дадамни таниган инсонлар, ҳамкасабаларининг мени уларга ўқшатишлари мен учун энг катта мукофот деб биламан. 2010 йилда номзодлик диссертациямни химоя қилганимда, география фанлари доктори, профессор О.Отамирзаев: “Фарзандларнинг қилган яхши ишларига қараб ота ўгил деб макташади. Мен сенга қарата баракалла ота қизи дейман”, деб айтган мактовларини мен ўзим эришган энг катта ютуқ деб биламан”

И.Сафаров томонидан 50 дан ортиқ илмий ва услубий мақолалар чоп эттирилган. Шу билан бирга Г.Асанов, М.Набиҳоновлар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” (Т.: Ўқитувчи, 1994), А.Қаюмов, М.Тиллабоева билан ҳамкорликда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” (Т.: Ўқитувчи, 2014), А.Солиев билан бирга “Иқтисодий ва сиёсий география асослари” (Т.: Университет, 2003) каби дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифи ҳисобланадилар.

Устозимиз доцент И.Сафаров 1980 йилда (4-курс) бизни гуруҳ талабаларини педагогик амалиётимизга раҳбарлик қилган вақтларидан бери яхши биламан. Тақдир тақозоси билан бир кафедрада бирга фаолият кўрсатишга ҳам эришдик.

Домладаги илмга бўлган чанқоклик, босиқлик, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларини бирдек тутишлари, баланд товушда гапириб, жиғибийрон бўлмаганликларини, бировнинг дилига озор етказадиган гап айтганликларини билмайман. Бирон кишига бирон нарсадан нолиб, шикоят қилиб ёки дардини дoston қилиш нима эканлигини билмайдиган, ўта камтарин инсон сифатида устозни танийдиган кишилар, ҳамкасблари, шогирдлари хотирасида бир умр муҳрланиб қолганликларига ишонамиз (А.Х.).

### **Расулов Муҳиддин Фазлиддинович – география фанлари номзоди, доцент**



М.Ф.Расулов 1936 йил 25 ноябрда Тошкент шаҳрида зиёлий оилада туғилганлар. Устоз ҳозирда нафақада бўлсаларда, биз шогирдлар билан учрашиб турадилар. Устоз хонадонларида бўлганимизда китоб жавонларидан қўплаб китобларни олиб, бизга китоб билан боғлиқ воқеаларни ҳамда китобнинг мазмуни, аҳамиятини эринмай тушунтириб берадилар. Низомий номидаги ТДПУ нинг 80 йиллиги муносабати билан Устоз хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг фаолиятлари бўйича дилдан суҳбатлашдик. Домла ўзлари ҳақларида бизга баҳоли қудрат гапириб бердилар.

**М.Расулов сўзлари:** “Тошкентнинг Эски Жува, ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги боғнинг орқасида жойлашган Хўжа кўчада ёшлик даврим ўтган. 1956 йил Охунғўзардаги (Ғишткўприк) Аброр Ҳидоятлов номидаги 14-мактабни битириб, ҳужжатларимни Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) га олиб бордим. Қабул комиссияси техник котибаси мени баланд бўйли, оқ-сарикдан келган, сочи қириб олдирилган кишини хонасига олиб керди. У киши географияга, мактаб ҳаётига оид турли саволлар бердилар ва географиядан дарс берган

Ўқитувчим ким эканлигини сўрадилар. Сухбат жараёнида: “Сиз кема капитанисиз, кемангиз Одессадан Ленинград (Санкт-Петербург) га бориши керак. Қандай борасиз? Қайси денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлардан ўтиб, қайси шаҳарларга киришингиз мумкин?”, - деб савол бердилар. Хонада карта йўқ. Саволларига билганимча, савиямга караб жавоб бердим. Яна сўрадалар: “Энди Одессадан Владивостокка марҳамат!”. Жавоб бердим, хужжатларимга имзо чекиб бердилар.

Биринчи кириш имтиҳони географиядан экан, яна у киши бир аёл билан имтиҳон олдилар. Ҳеч нима сўрамасдан “беш” баҳо қўйиб беришди. Мен ҳайрон. Ўша вақтда географиядан дарс берган ўқитувчим Юсупов Шокир акага раҳматлар айтдим ва кўзимдан ёш чиқиб кетди. Кейинчалик билсам, мен билан суҳбатлашган киши география фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Ҳасанов эканлар.

Ҳамидулла Ҳасанов ўзига хос, зукко одам, олим ва саёҳатчи. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида бўлган, тили бийрон, ҳозиржавоб, дунёқараши кенг инсон эдилар. Маърузаларни ўзига хос, ўзига мос даражада олиб борар эдилар.

Талабалик йилларим (1956-1961 йиллар) жуда қизиқарли, мазмунли ўтди. Спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, совринлар олдим. Мельбурун олимпиадаси қатнашчиси Валентина Лебединская (В.А.Балод) бизнинг факультетда биздан бир курс юқори ўқир эди. Валя билан биргаликда университет фаҳрини ҳимоя қилдик.

Талабаларнинг таътил вақтларида турли илмий экспедицияларда лаборант, кичик илмий ходим сифатида қатнашиб Ўрта Осиёнинг тоғлик ва текислик ҳудудларида бўлдим. Профессор О.Ю.Пославская билан Жанубий Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон; профессор Н.А.Когай билан Фарғона водийси бўйлаб, профессор Э.Д.Мамедов билан Москва-Краснохолмск экспедицияси таркибида турли қаргалар тузишда қатнашдим. Тупроқшунос, биология фанлари номзоди М.Муродов билан Қарши чўлининг табиатини ўрганиб, қумли ерларга пахта, беда экиб қузатувлар олиб бордик.

Юқоридаги хурмат билан кўрсатилган устозларим қаторига яна доцент Амин Ваакасович Ҳисомовни, доцент Нуъмон Долимович



Долимовни, профессор Петров Михаил Платоновични кўрсатишим мумкин”.

М.Расулов 1961 йилда университетни аъло баҳоларга тугатиб, меҳнат фаолиятларини шу ерда лаборантликдан бошлайдилар. Кейинчалик факультет қошида тузилган хўжалик шартномасида илмий ходим бўлиб ишлайдилар. Марказий Қизилкумнинг геоморфологик, тўртламчи давр қатламларини йирик масштабли хариталарини ва экспедиция илмий ҳисоботларини тузишда фаол қатнашадилар. 1967-1970 йилларда Низомий номидаги ТДПИ аспирантурасига кириб ўқийдилар ва Қарши чўлини ўзлаштиришга оид экспедицияларда қатнашадилар. Ўрта ва Марказий Осиё ҳамда Эроннинг чўл ва чалачўллари тадқиқотчиси, дунё тан олган Санкт-Петербурглик олим, Туркменистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, география фанлари доктори, профессор Михаил Платонович раҳбарлигида 1969 йил 6 мартда Ленинград (Санкт-Петербург) давлат университети “География” факультети илмий кенгашида илмий ишларини ҳимоя қилиб, 1970 йил 9 январда ОАК қарори билан география фанлари номзоди илмий даражасини оладилар.



Диссертация иши мавзусининг долзарблиги шундаки, Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қорақум канали террасаларининг ўзлаштирилиши натижасида баъзи салбий табиий географик жараёнлар вужудга келган. Шунинг учун янги ўзлаштирилган Қарши чўлининг чегара - ғарбий қисмидаги қумликларни ўрганиш долзарб масала бўлиб қолди. Илмий ишни тайёрлашда М.Расулов қатор экспедицияларда (Тошкент давлат университети, Тупрокшунослик институти, Москва-Краснохолмск экспедицияси) илмий ходим сифатида қатнашдилар, экспедициялар натижасида карталар чизилди, ҳисоботлар, мақолалар ёзилди.

Диссертацияда ҳудуд табиий-географик шароитига таъриф бериш билан бир қаторда асосий аҳамият кўчма қумларнинг механик, минерал ва кимёвий таркибига, эол жараёнини ўрганишда кучли

шамол режими, унинг кучи ва йўналишига катта аҳамият берилди. Нишон, Муборак, Гирсан, Зиварди ва бошқа ҳудудларда кўчма кумларнинг рельеф шакллари, генезиси ўрганилиб, кум массивлари ажратилган (Оққум, Девқум) ва ландшафт харитаси, ландшафт кесмалари тузилган. Шу боис ҳам Муҳиддин Фазлиддиновични “чўллар подшоиси” деб бежиз айтишмаган.

М.Ф.Расуловнинг илмий-педагогик фаолиятлари Низомий номидаги ТДПУ билан чамбарчас боғлиқ. Улар “Табий география” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаганлар. Кўп йиллар давомида (1979-1989) “Табий география” ҳамда “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” (1989-1996) кафедраларини бошқарадилар.

Домламиз Муҳиддин Расуловнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – доимо бола табиатлик характерлари ҳамроҳлари бўлган десам адашмайман. Ҳамиша чехраларида табассум (илоҳо доимо шундай бўлсин), очиқ чехралик; муғомбирлик ва таъмагирлик умуман ёд-бегона. Илмлари кучли бўлиши билан бирга, кенг мушоҳада соҳиби эканликларини биламиз. “Ҳаётда учта соҳада: яъни, илм-фанда, спортда, санъатда таниш-билиш бўлмагани яхши”, деб кўп уқтирар эдилар. Аудитория минбарида туриб, ҳеч қандай “шпаргалка”сиз

маъруза ўқишларига ҳали-хануз тан бераман.

Ҳар қандай иқтидорлими-иктидорсизми талабани илмий тадқиқотга кизиқтиришга устаси фаранг эдилар. Хусусан, каминани биринчи илмий тадқиқотга “тортган” устоз ҳам айнан Муҳиддин ака бўладилар. “Аэрокосмик суръатлар

ёрдамида чўлларни таснифлаш” мавзусидаги маъруза билан, домла раҳбарлигида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган олий ўқув юрти талабаларининг республика анжуманида (1980 йил) биринчи ўринни эгаллашимда (4-курс талабаси эдим) ҳам устознинг кўмаклари беқиёс бўлган.



Университетни битирмасимданоқ, мени коинотдан олинган суръатлар билан иш юритувчи “Табиат” илмий тадқиқот марказига етаклаган, “Табиий география” кафедрасига ўқитувчиликка (1987 йил) таклиф этиб, йирик ландшафтшунос олим, география фанлари номзоди, доцент Ш.С.Зокиров ва кейинчалик номзодлик ишимга илмий раҳбарлик қилган забардаст ва меҳрибон устозим, география фанлари доктори, профессор Асом Алимович Рафиқов билан таништирган ҳам Муҳиддин ака Расуловдир (Х.А.).

Домла 1996 йилдан Тошкент Молия институтининг “Иқтисодий география ва экология” кафедрасида доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият олиб бордилар.

М.Ф.Расулов география фанлари номзоди, доцент сифатида кўплаб илмий-методик, оммабоп мақоллар, фан дастурлари, дарслик, ўқув қўлланма ва рисоаларни республикамизнинг илмий нашрларида, матбуотда чоп этганлар. Улар хўжалик шартномалари асосида коинотдан олинган фотоматериаллардан фойдаланган ҳолда йирик, ўрта масшабли “Табиий ландшафтлар” махсус хариталарини тузишда иштирок этганлар.

М.Ф.Расуловнинг асосий нашр этилган илмий ва илмий-методик ишлари қуйидагилар: Ўзбекистон табиий географияси (ўқув қўлл. Т.:Ўқитувчи, 1981), Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш (ўқув қўлл. Т.:Ўқитувчи, 1980), Экология ва табиатни муҳофаза қилиш (ўқув қўлл.), Қарши чўли табиати (рисола), Кўчма қумлар ва уларга қарши кураш (рисола), Чўлларни ўзлаштириш (рисола), Сув ҳаёт манбаи (ўқув қўлл.) кабилардир.

М.Ф.Расулов турли илмий, илмий-методик анжуманларда (Москва, Санкт-Петербург, Рига, Таллин, Ашгабад) ўз маърузалари билан фаол қатнашганлар. М.Ф.Расулов Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1980) ва ҳаммуаллифликда ёзилган ўқув қўлланмалари учун (Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш; Т.:Ўқитувчи, 1980) Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг (Москва ш.) медали билан тақдирланганлар. 2006 йилдан нафақадалар.

Улар 3 нафар фарзанднинг оталари, 10 набиранинг меҳрибон бобоси. Фарзандлари ҳам ота изидан бориб ўғиллари Расулов Жавлон

Тошкент Молия институтида катта ўқитувчи, кизлари мактабда физика фани ўқитувчиси, тўнғич фарзандлари ҳам тасвирий санъат йўналишида ёш авлодга сабоқ бериб келмоқдалар.

Муҳтарам Устоз, кутлуғ ёшингиз деярли университетимиз ёши билан тенг. Олий даргоҳимиз ва Сизнинг мўътабар 100 йиллик шодиёналарингизни кўриш, бирга нишонлашни барчамизга насиб айласин. Сизга аввало соғлик, оилавий хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака ёғилиб туришини барча шогирдларингиз номидан Яратгандан сўраб қоламиз. Омон бўлинг устоз.

### **Юнусова Малоҳат– педагогика фанлари номзоди, доцент**



Малоҳат Юнусова 1937 йил 20 июль куни ўзбек миллий мусиқа санъатимизнинг буюк Сиймоси, Ўзбекистон халқ артисти, беназир бастакор ва ҳофиз, академик Юнус Ражабий ҳамда Қумри Муталоваларнинг кизи, еттинчи фарзанд бўлиб, Тошкент шаҳрининг Чақар маҳалласида таваллуд топганлар.

“Қизим, Худо хоҳласа ризкли – насибали бўлади.

Шу кизим туғилиши билан уйимизга барака кириб келди”, деган эканлар Юнус Ражабий. Ҳа, дарвоқе оталарининг гапларида жон бор экан. Чунки, ҳаёт уларни ҳеч нарсадан сикмади.

Малоҳат Юнусова аслида шифокор бўлишни орзу қилган эканлар. Шунчалар бу касбга ҳавас қилган эканлар-ки, “талабалик даврларимда вақт ажратиб Машҳура дугонам ўқийдиган тиббий олийгоҳнинг амалий машғулот дарсларида оқ ҳалат кийиб катнашиб келардим, деб кўп эслар эдилар”,- деб хотирлайдилар устознинг қизлари Гулноза Алимжонова.

Малоҳат Юнусова 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг “География” факультетига ўқишга кириб, 1960 йилда “Табий география” ихтисослиги бўйича география ўқитувчиси мутахассислигини эгаллаганлар.

Талабалик даврларида Малоҳат Юнусова устозларининг қандай маъруза ўқишлари, амалий машғулот ўтказишларини, мажмуали дала амалиётига олиб борганликларини, пахта йғим-теримида бўлганликларини хотирлаб, таассуротларини такрор-такрор сўзлаб берардилар. Бирга таълим олган курсдошлари: Ш.Авазова, Д.Аликулова, М.Урунова, С.Мамаюсупова, А.Рўзиев, Қ.Абиркулов ва бошқаларини ҳам кўп эслардилар. Малоҳат опа университетда Л.Н.Бабушкин, Ҳ.Ҳасанов, Н.Д.Долимов, Н.А.Когай, О.Ю.Пославская, Н.В.Смирнов каби етук устозлардан сабоқ олганлар.



Малоҳат Юнусова ўзларининг 35 йиллик меҳнат фаолиятларида, яъни 1960-1964 йиллар мобайнида Ўзбекистон ФА ва ТошДУда илмий ходима; 1964-1998 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Табиий география” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаганлар. 1977-1981 йилларда “Табиий география” кафедрасида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. 1987 йилнинг 26 январида Москва шаҳрида Педагогика Фанлари Академиясининг таълим мазмуни ва методлари илмий текшириш институтининг Ихтисослашган илмий кенгашида педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун россиялик кўзга кўринган олим, педагогика фанлари доктори, профессор И.С.Матрусов ва доцент М.Набихоновлар раҳбарлигида “Табиий географияни ўқитишнинг самарадорлигини оширишда маҳаллий натурал кўрсатмали воситаларнинг роли (Ўзбекистон мактаблари мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганлар. М.Юнусованинг номзодлик диссертацияси ишларида табиий географияни ўрганишда натурал кўргазмали воситалардан фойдаланиш методикасининг психологик-педагогик асослари, мактаб табиий география курсларини ўқитишда натурал кўргазмали воситалардан фойдаланиш методикаси каби жиҳатлар илк бор очиб берилган.

Илмий кенгашда Опа томонидан ишлаб чиқилган натурал кўرғазмалардан фойдаланиш методикаси бутун мамлакатдаги барча умумтаълим мактабларига жорий этилиши, улардаги ўқув-тарбиявий жараёнларни такомиллаштирилишига ёрдам бериши эътироф этилган.

Малоҳат Юнусова барча тадқиқотларини ўз тажрибаларига таянган ҳолда, саккиз йиллик кузатувлар натижасида уч босқичда синовдан ўтказиш орқали амалга оширганлар. Тадқиқотлар натижалари “Илғор тажриба минбари” рўкнида нашр этилган методик қўлланмада (Ўзбекистон табиий географиясини ўқитишда маҳаллий натурал кўрғазмали воситалардан фойдаланиш. Т.: Ўқитувчи, 1979) ўз ифодасини топган бўлиб, ўз ўлкамизни ўрганишда ўзбекистонлик мактаб ўқитувчилари учун ҳамон қўлланма сифатида мавқейини йўқотмаган.

М.Юнусова 1994 йил 26 майда доцент лавозимига эришганлар. Опа илмий фаолиятлари давомида 50 га яқин методик ишлар эълон қилганлар, методик тавсиялар, маърузалар матнлари, фан ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалар яратилишида иштирок этганлар.

Малоҳат опа билан ўн йил бир жамоада бирга ишлаб, Опадаги ҳақиқий ўзбекона зиёли Аёл тимсолига барча тан беришига кўп гувоҳ бўлганман. Ҳамиша талаба қизларга Опани иборат намунаси сифатида кўрсатар эдик. Ҳақиқатдан ҳам Малоҳат опа ширин суҳан, яхши суҳбатдош, барчага бирдай ғамхўр, бир сўз билан айтганда юксак малоҳат соҳибаси эдилар.

Меҳнатсевар, хушчақчақ, инсонларга ва фарзандларига меҳр-оқибатли, тўғри ва ширин сўзли, ифбатли, латофатли, маслаҳатгўй меҳрибон устоз Малоҳат опа Юнусова 2000 йилнинг 13 майида бу оламдан бир умрга кўз юмдилар, Оллоҳ раҳматига олган бўлсин. Фарзандлари, барча зурриётлари, қолаверса Ражабийлар сулоласига хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат ҳамиша ҳамроҳлари бўлишини истаб қоламиз.

## Рафиқов Асом Алимович– география фанлари доктори, профессор



Рафиқов Асом Алимович бевосита география ўқитиш методикаси билан шуғулланмаган бўлсаларда, Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедрасида кўп бўлмаса ҳам ўриндош сифатида фаолият кўрсатганликларининг ўзи ҳам мазкур даргоҳда география мутахассислари тайёрлашдаги ҳамда бўлажак фан номзодларини етишиб чиқишига катта туртки бўлганликлари сир эмас.

Асом Алимович 1939 йил 5 июнда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топганлар, падари бузрукворлари II-жаҳон урушида шаҳид кетганлар. Устознинг болалик даврлари боболари, бувилари ва оналари қарамоғида кечган. Мактаб ёшига етгач 1949 йили Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги (“Кўмирчи” маҳалласида) 82-ўрта мактабда ўқишни бошлаб, уни 1959 йилда тамомлайдилар. Болалик ва ўсмирлик чоғларида кўп мутоалага берилиб, ўзбек ва хориж адабиёти, хусусан романларни севиб ўқир, табиат билан боғлиқ илмий асарларни синчиковлик ила таҳлил қилар эканлар. Табиатга бўлган қизиқиш Домлани Ўрта Осиё давлат университетининг “География” факультетига ўқишга етаклаган бўлса, 1963 йилда “Табиий география” ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан ўқишни яқунлайдилар.

А.А.Рафиқовнинг табиий географияга бўлган қизиқишлари талабалик йилларидаёқ намоён бўла бошлаган эди. Домла 1962 йилда Марказий Қизилқумдаги Бўкантоғ геологик кидирув экспедицияси таркибида қатнашиб, тўплаган аниқ маълумотлари асосида ёзган диплом ишлари ва унинг ҳимояси аъло баҳога лойиқ деб топилганлиги бунинг яққол далилидир.

Домла 1969 йилда Москва давлат университетининг “Табиий география” кафедрасининг аспирантурасига ўқишга кирадилар. Шу ерда таниқли олимлар: Т.В.Звонкова, Н.А.Гвоздецкий, Н.И.Михайлов, А.М.Шульгин каби бир қатор устозларнинг сабоқ ва маслаҳатларидан

бахраманд бўладилар, табиий география ва ландшафтшуносликнинг кўп камровли муаммоли масалалари билан яқиндан танишадилар. Таникли амалиётчи олима, география фанлари доктори, профессор Т.В.Звонкова А.А.Рафиқовнинг номзодлик диссертациясига бевосита илмий раҳбарлик қилган. Ўзи танлаган касбига, фанига бўлган муҳаббат ва содиқликни, ўз устида муттасил ишлашни Устоз кўпрок ана шу олимадан ўрганган бўлсалар ажабмас (камина ҳам проф.Т.В.Звонкова билан ҳамсуҳбат бўлган, маслаҳатлар олганмиз - 1988 й).

А.А.Рафиқов 1972 йилда “Мирзачўлнинг шарқий қисмидаги суғориладиган ҳудудлар ландшафтларининг ривожланиши” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб Тошкентга қайтгач, Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги География бўлимида ўз меҳнат фаолиятларини бошлаганлар. Аввалига кичик илмий ходим, катта илмий ходим, кейинроқ лаборатория мудир лавозимларида ишлаб, бу даргоҳдаги илмий ишларнинг йўлга қўйилиши ва амалга оширилишида ташкилотчи олим сифатида фаолият кўрсатдилар.



1980-1990 йиллар мобайнида ЎзР ФА География бўлими ходимлари Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудларида юз бераётган табиий географик ва экологик жараёнлар ҳамда уларнинг оқибатлари билан яқиндан шуғулландилар. Бир қанча илмий

мавзулар ишлаб чиқилди, илмий экспедициялар ташкил қилинди. Буларнинг барчасида А.А.Рафиқов раҳбар сифатида ҳам, бевосита иштирокчи олим сифатида ҳам самарали меҳнат қилганлар. Бу орада Ўзбекистоннинг икки жилдлик географик атласи нашрдан чиқди. Кўплаб илмий тўпламлар, монографиялар ва рисоалар чоп эттирилдики, буларда А.А.Рафиқовнинг хиссалари жуда салмоқли бўлган. Ана шундай кундалик бетиним ишлар билан бирга А.А. Рафиқов “Орол муаммоси билан боғлиқ бўлган дельталар арид геотизимларидаги ўзгаришлар тадқиқоти” мавзусидаги докторлик



диссертациясини ҳам тайёрлаб, уни 1986 йилда Озарбайжон Фанлар Академияси География институтининг Ихтисослашган илмий кенгашида химоя қилганлар.

Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) профессорлари: Д.Н.Кашкаров (1876-1941) ва Е.П.Коровин (1891-1963)лар асос солган географик-экологик илмий мактабни кейинчалик республикада Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайлар давом эттирган бўлса, улардан сўнг ушбу илмий мактабни профессор А.А.Рафиқов домла жадал ривожлантирдилар. Улар ўтган асрнинг 80-90- йилларида геозологиянинг асл моҳиятини очиб беришда аввало ЎзР ФА География бўлимида (1981-1998), сўнгра ЎзМУ “География” факультети “Табиий география” кафедрасида (1998-2000) самарали фаолият олиб бордилар.

А.А.Рафиқов республикамизнинг Мирзачўл, Қизилқум, Орол денгизи ва Орол бўйи каби турли минтакаларида олиб борган ўнлаб экспедициялари ва тадқиқотлари асосида рўй бераётган экологик ўзгаришларни бевосита геотизимлар доирасида акс этишини исботлаб берганлар.

Устоз бошчилигида Ўрта Осиёда олиб борилган геозологик тадқиқотлар натижалари 1992 йилда республикамизда илк бор 1:1000000 масштабда яратилган “Ўзбекистон Республикасининг экологик картаси”да акс этди. Хаританинг мазмунида мамлакатимиз ҳудудидаги ландшафтларнинг турли хил даражада экологик ўзгарганлиги кўрсатиб берилди. Домла,бир гуруҳ географлар билан, ҳудуднинг экологик шароити геотизимлар миқёсида яққол намоён бўлишини ёқлаб чиққанлар.

А.А.Рафиқовнинг “Геозологик муаммолар” (1997) номли китобларида табиат ва жамият ўртасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг геозологик жиҳатлари очиб берилган. Унда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон мисолида геозологик муаммоларнинг вужудга келиши ва шаклланиши кўрсатиб ўтилган. Унда яна атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига таъсирининг мажмуали географик ёндашув орқали тадқиқ қилиш лозимлигига эътибор берилган.

Орол денгизи ва Оролбўйи худудида юзага келган табиий географик ва экологик муаммолар кейинчалик ҳам, то умрларининг охирги кунларига қадар Домланинг диққат эътиборларида бўлди. Бундан ташқари А.А.Рафиқов арид ўлкаларда чўллашиш муаммолари, инсоннинг хўжалик фаолиятлари таъсирида табиий муҳит ва экологик вазиятларнинг ўзгариши, мелиоратив география, геозкология ҳамда географик прогнозлаштириш масалалари, экология ва табиат муҳофазаси хариталарини яратиш каби серкирра йўналишларда илмий изланишлар олиб борганлар.

Булардан ташқари устознинг 2000 йилда нашрдан чиққан ўрта мактабларнинг 10-синф ўқувчилари учун нашр қилинган ўқув қўлланмалари (“Амалий география”, Ш.Азимов билан ҳамкорликда), кейинчалик шу асосда ўрта махсус таълим муассасаларига мослаштирилди (2008 й). Олий ўқув юртларининг география бўлими талабалари учун ёзилган (П.Баратов ва М.Маматқулов билан ҳамкорликда) “Ўрта Осиё табиий географияси” (2002); олий ўқув юртларининг иқтисодиёт таълим йўналиши талабалари учун ёзилган “Экология” (2004) ва “Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” (2004) ўқув қўлланмалари (К.Н.Абиркулов ва А.Н.Ходжиматовлар билан ҳамкорликда) ҳали ҳануз ўз мавқеили ва салоҳиятини йўқотганича йўқ.

Ўзбекистонда географик прогноз тадқиқотлари билан шуғулланган тўнғич олимлардан бири ҳам А.А.Рафиқовдир. Уларнинг илк бор ўзбек тилида “Географик прогнозлаштириш асослари” (Т.: Университет, 2003) номли ўқув қўлланмалари ҳам чоп этилган. Узок йиллик тадқиқотлар натижасида вужудга келган “Геозкология асослари” маърузалар матнлари (2000) шогирдлари А.Н.Ходжиматов ва бошқалар томонидан тўлдирилиб, Устознинг 75 йиллик таваллудлари шарофати ила ўқув қўлланма даражасига келтирилиб нашрдан чиқарилди. Домла қаламларига мансуб бошқа энг йирик асарлари рўйхати куйидагилар:

1. Рафиқов А.А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. Т.: Фан, 1976.

2. Рафиқов А.А., Тетюхин Г.Ф. Снежение уровня Аральского моря и изменение природных условий низовьев Амударьи. Т.: Фан, 1981.

3. Рафиқов А.А. Оценка природно-мелиоративных условий земель Южного Приаралья. Т.: Фан, 1984.

4. Акрамов З.М., Рафиқов А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. Т.: Фан, 1990.

5. Рафиқов А.А. Орол такдири. Т.: Фан, 1990.

6. Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т.: Ўзбекистон, 1991.

7. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т.: Ўқитувчи, 1997.

География фанлари доктори, профессор А.А.Рафиқов Россия Федерацияси Фанлар Академиясининг “География” институти, Туркменистон Республикаси ФА “Ўлланлиш муаммолари” институти, Қозоғистон Республикаси ФА нинг “География” институти ҳамда бир қанча бошқа хорижий мамлакатлар география институтларининг Илмий кенгаши аъзоси, ЎЗР Фан ва техника Давлат қўмитаси Ер фанлари эксперти, Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ “География” факультети Ихтисослашган Кенгаш раиси бўлганлар.

А.А.Рафиқов кўп йиллар давомида турли олий ўқув юртларида (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Низомий номидаги ТДПУ) талабаларга табиий географиянинг турли жабҳалари бўйича дарс берганлар. Ўзбекистон Миллий университетида ишга ўтгач эса, “Табиий география” кафедрасининг профессори ва мудири лавозимларида фаол ва сидқидилдан ишладилар. Юқори малакали географ мутахассислар тайёрлашда ҳам унумли меҳнат қилдилар. Уларнинг илмий раҳбарликлари остида 8 киши фан номзоди илмий даражасига эришдилар. Мен тақдир тақозоси билан аввало тадқиқотчи сифатида, қолаверса ўзимга илмий раҳбар ҳам ахтариб 1988 йил март-апрель ойларида Москва давлат университети “География” факультетининг “Табиатдан оқилна фойдаланиш” кафедрасида бўлдим. Менга тадқиқотчилик давримда раҳбарлик қилган кафедра мудири муовини доцент В.Г.Коноваленко мақсадимни тушиниб, собик иттифоқ География жамиятининг Москва филиали раиси, география

фанлари доктори, профессор В.М.Чупахин билан таништирди. Ўзимча ўйлаб юрган номзодлик диссертацияси мавзуларини айтдим. У менга илмий раҳбарликка рози бўлди. Бироқ, ўзи Қозоғистонда кўпроқ ишлаганини, Ўзбекистонни яхши билмаслигини айтиб, Тошкентда яхши таниши, дўсти борлигини, у киши Асом Алимович Рафиқов эканлигини айтди.

В.М.Чупахин домла А.А.Рафиқовнинг докторлик диссертацияларига расмий оппонент бўлган экан. Сўнг мавзу ва иш йўналиши бўйича бемалол мени номимдан учрашиб, саломимни айт деди. Орадан кўп ўтмай мустақиллик шабодаси эса бошлади, бу ёғи ўзингизга аён. Шу-шу бўлди, А.А.Рафиқов домла ўзлари менга илмий раҳбарликка розилик билдирдилар.

“Оилали экансиз, оилангиз қийналмасин, сиртқи аспирантурага кира қолинг, шунда сизда ҳам, менда ҳам маъсулият бўлади”, - деган гаплари ҳали ҳануз қулоғимда. Устоз тўғрисида гапирганда шуни айтишим мумкин холос, мени А.А.Рафиқовга рўпару қилган аввало Оллоҳдан умримни охиригача миннатдорман, қолаверса профессор В.М.Чупахинга ҳам раҳмат дейман.

Илоҳим от босмагани тойлар боссин, Устоз 3 нафар фарзанднинг отаси эдилар, фарзандлар ҳозирда ҳаётда ўз ўринларига эга. Тўнғич фарзандлари Рафиқов Ваҳоб Асомович ота изидан бориб, фан номзоди даражасига эришди, ҳозирда таниқли олим сифатида эътирофга лойиқ. Келинлари Рафиқова Нодирахон ҳам географ, Ўзбекистоннинг рекреация муаммоларига бағишланган докторлик ишини яқунлаш арафасидалар.

А.А.Рафиқовнинг қаламларига мансуб бўлган 300 га яқин илмий ишларнинг 30 дан ортиғи хорижда эълон қилинганлиги, 10 га яқини монографиялар, 10 таси илмий рисоалар ва 7 таси ўқув қўлланмалар жанлиги Домланинг ниҳоятда сермаҳсул ва таниқли тадқиқотчи олим эканликларининг ёрқин ифодасидир.

Асом Алимович Рафиқов 2003 йилнинг 4 феввалида 64 ёшларида вафот этдилар.



Ҳаётда ўта камтарин, хокисор, дўсту-биродарларига, оилалари ва фарзандларига, ҳамкасбларига, айниқса шогирдларига жонкуяр ва меҳрибон бўлган Устознинг руҳлари доимо шод, фарзандлару-набира-эвараларига хотиржамлик хамиша ҳамроҳ бўлишини истаб қоламиз.

**Масудов Хусан Сайфуллаевич – география фанлари  
номзоди, доцент**



Илмий фаолиятлари билан табиий географиянинг ривожланишида ўз ўринларига эга бўлган, умрларини географик тадқиқотлар ҳамда талабаларга сабоқ беришга бағишлаган устозлардан бири Хусан Сайфуллаевич Масудов эдилар.

Масудов Х.С. 1940 йилнинг 25 мартида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келганлар. 1947-1956 йилларда ўрта мактабда таҳсил олиб, 1956 йилда ТошДУ (ЎзМУ)нинг табиий география мутахассислигига ўқишга кирадилар ва уни 1961 йилда тамомлайдилар.

Х.С.Масудовнинг шундан кейинги фаолиятлари географик тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқлиги у кишининг таржимаи ҳолларида яққол намоён бўлади.

Х.С.Масудов домла, меҳнат фаолиятларини 1961 йилнинг сентябридан ўзлари ўқиган факультетда катта лаборантликдан бошлайдилар. 1964 йилдан эса “Табиий география” кафедрасида ўқитувчи, 1968-1970 йиллар мобайнида изланувчи-тадқиқотчи бўлиб ишлайдилар.

Х.С.Масудовдаги илмга чанкоклик у кишини 1970-1973 йилларда ўша кафедрада аспирантурани ўташга ундайди. Аспирантурани география илмининг ўчоғи саналмиш ЎзР ФАнинг География бўлимида катта илмий ходим лавозимида давом эттирадилар. Илмий изланишлар, тинимсиз меҳнат 1974 йилнинг майида “Баландлик ландшафт минтақалари асосий тупроқ типларининг шаклланишида ўтсимон ўсимликларнинг роли” мавзусидаги география фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация ишининг муваффақиятли ҳимояси билан яқунланади.

Х.С.Масудов 1976-1979 йилларда Тошкент шаҳридаги “Табиат” давлат марказида катта илмий ходим бўлиб ишлаб, коинотдан олинган фотосуратларни ўқиш-дешифровка қилиш, улар асосида табиат муҳофазаси хариталари тузиш усулларини ишлаб чиқишда самарали илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Ўша масқандаги олиб борилган амалий тадқиқот натижалари кейинчалик у кишининг ТДПУдаги илмий-педагогик фаолиятларида юқори самара берган. Устозни ҳеч иккиланмай коинотдан олинган маълумотларни географик тадқиқотларда қўллашга, улардан таълим жараёнида фойдаланишга йўл очган устозлар қаторига қўйиш мумкин.

Х.С.Масудов 1979 йилнинг сентябридан Низомий номидаги



ТДПУнинг “Табиий география” кафедрасига катта ўқитувчилик лавозимида ишга ўтадилар, 1981 йилдан эса доцентлик лавозимида 1996 йилнинг сентябригача чинаккам меҳнат қилганлар. Устоз талабаларга “Умумий Ер билими”, “Материклар ва океанлар табиий географияси” фанларидан юқори

савияда, қизиқарли тарзда, замон талабларига мос ҳолда ўзбек ва рус тилларида маъруза ўқиганлар, амалий машғулот дарслари ўтганлар, дала амалиётларига раҳбарлик қилганлар. У инсондаги очик кўнгилчилик, қатъиятчилик, талабчанлик каби одатлар кўплаб шогирдлари қалбида мудом сақланади, намуна бўлиб қолади.

“Отамиз бизни энг аввало тўғри сўзликка, қатъиятли бўлиш, ҳар қандай иш юзасидан хулоса чиқаришда шошқалоқлик қилмаслик каби ҳислатлар эгаси бўлишга даъват этардилар. Ўзларидаги ушбу одатлар оиламиз шиорига айланган десам муболаға бўлмайди. Шулар туфайли биз фарзандлар ҳаётда ўз ўринларимизни топган бўлсак ажаб эмас”, - деб хотиралайди домланинг тўнғич фарзандлари **Ўзбек миллий академик драма театрининг икtidорли актёри ҳамда директори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Масудов.**



Доцент Х.С.Масудов илмий тадқиқотлари натижалари бир нечта монографиялар, 15 та илмий рисоалар ва кўплаб мақолаларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси энциклопедиясининг аввалги жилдларидаги 60 га яқин мақолалар ҳам домланинг қаламларига мансуб эди. Айниқса, “Иқлимшунослик асослари” (1978), “Умумий Ер билимидан лаборатория машғулотлари” (1986) каби ўқув қўлланмалари хануз талабалар қўлида ишончли манба сифатида фойдаланилмоқда. “Умумий Ер билими” фани география фанлари тизимидаги негиз фанлардан бири бўлиб, талабаларнинг кейинги ўқиш жараёнлари айнан ушбу фанни ўзлаштириш даражаси билан боғлиқлиги сир эмас. Бу фандан дарс берип ёки ўқув қўлланма яратиш машаққатли меҳнат ва чинаккам изланиш талаб этади.

“Устозимиз Хусан ака Масудов ўз фанларини чуқур биладиган, талабчан, қатъиятли инсон бўлиб, доимо тартиб-интизомни яхши кўрар эдилар. Дарс жараёнида талабалардан ўқув қуролларини тўлик бўлишини ва улардан тўғри фойдалана билишни, дарсларга доимо

тайёр ҳолда келишни ҳамда фаол иштирок этишни таъкидлар эдилар” (С.Н.).

Ҳаёт ва илм уммонида орзулари бисёр бўлган, бирон марта саломатлиги-ю, турмуш икир-чикирлари борасида бировларга дардини дoston этмаган устозимиз тўғрисидаги нохуш хабарни 1997 йилнинг 25 июль куни эшитдик. Наилож, Ўлим ҳақ деганлари рост экан. Ўзи берганини ўзи олар экан. Илоҳо жойлари жаннатда бўлсин. Рухлари фарзандларига, қолаверса барчамизга доимо мададкор бўлсин.



## Кўчқоров Абдурасул – катта ўқитувчи



Шахсий ҳужжатларимиз билан бирга сакланадиган маълумотлар орасидан олинган, ўз қўллари билан битилган автобиографияларидан нусха:

Автобиография  
Мен Кўчқоров Абдурасул 1941 йили  
Жамбул қизилчиқор ёшларнинг қишлоқ  
шароитида (Қорғиқ) Тўрқоғон қишлоқ  
микрорайонида кўнрали бўлиб тушган.  
Макад ёшларга ўқиб ўргатаман,  
7 ёшга кўнралиман сўнг кўнралиман  
қишлоқ макадда ўқиб мен ю-ми  
миқорини 1959 йили мақоранининг қишлоқ  
даги са шу ёшларга ўқиб ўргатаман  
шароитида, ва қишлоқ қишлоқ  
шароитида бўлиб тушган. 7-йил мақорини  
1960 йили Нозимий Қишлоқ  
даги мақорини (қишлоқ) ўқиб  
қишлоқ. Мен 1961 й. Завқдан бўлиб  
қишлоқ қишлоқ қишлоқ  
шу мақорини 1964 йилининг қишлоқ  
қишлоқ (қишлоқ) қишлоқ  
қишлоқ қишлоқ қишлоқ мен қишлоқ  
5-йил қишлоқ Қишлоқ қишлоқ. Мен қишлоқ  
Автобиографияни қишлоқ қишлоқ.  
1971-60й 1971

Кейинги меҳнат фаолиятлари умрларининг охиригача Низомий номидаги ТДПУ билан чамбарчас боғланган (1964-1968 йиллар

давомида “Иқтисодий география” кафедрасида лаборант, Сиртки бўлим “География” факультетида 1968-1980 йилларда услубиётчи, 1980-1985 йиллар мобайнида “Иқтисодий география” кафедрасида ўқитувчи, 1985 йилдан 2006 йилгача “География ўқитиш методикаси” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимларида фаолият олиб борганлар (2006 йил 8 июнда вафот этганлар).

Меҳнат фаолиятлари давомида умумтаълим мактаблари 9-синфлари учун “Жаҳон мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географияси”дан дарслик, ўнга яқин фан ўқув ва ишчи дастурлари, бир қанча маърузалар матнлари, ўттиздан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалар нашр эттирдилар. “Иқтисодий география”нинг турли жабҳаларидаги фанлардан маъруза ўқиганлар, амалий машғулотлар олиб борганлар, мажмуали ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётларга бош-кош бўлганлар.



А.Кўчқоров раҳбарлигида бир қанча талабалар илмий конференциялар, фан олимпиадаларида қатнашиб, юқори ўрин совриндорлари бўлишган, кейинчалик битирув малакавий ишларга ҳам раҳбарлик қилдилар.

1997-1998 ўқув йилида “Табий фанлар” йўналиши бўйича “Хизмат кўрсатган ўқитувчи” номзодлигига муяссар бўлганлар. 1998 йил 10 декабрдаги Низомий номидаги ТДПУнинг 61 нафар кенгаш аъзоларидан 60 нафари иштирок этган Илмий кенгаш баённомаси кўчирмасидаги санок комиссияси ахбороти ҳам у инсоннинг қандай шахс бўлганликларида далолатдир: Санок комиссиясининг ахборотига асосан яширин овоз бериш натижаларига кўра ... га (тарафдор 7 нафар киши, қаршилар 53 киши, бузилган бюллетенлар йўқ), ... га (тарафдор 8 нафар киши, қаршилар 52 киши, бузулган бюллетенлар йўқ), ... га (тарафдор 6 нафар киши, қаршилар 54 киши, бузилган бюллетенлар йўқ), ... га (тарафдор 15 нафар киши, қаршилар 45 киши, бузилган бюллетенлар йўқ), А.Кўчқоровга (тарафдор 38 нафар киши, қаршилар 22 киши,

бузилган бюллетенлар йўқ) овоз берганлигини эълон қилди, баённомалар тасдиқланди.



У киши тўғрисида кадрдон ҳамкасб дўстлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори, профессор, “Турон” фанлар академиясининг академиги **Ҳожиакбар ака Ҳамидов** ўз хотираларини оқса тушуриб бердилар, марҳамат сизлар ҳам баҳраманд бўлинг: “Абдурасул ака Кўчқоров... Мен учун энг кадрдон, энг азиз кишиларимдан бири бўлмиш ушбу инсон ҳақида хотиравий фикрларимни ёзаман деб ҳеч ўйламаган эдим. Лекин яқин кишилардан кутилмаганда, бевақт айрилиб қолиш ҳар қандай одамни ҳам бошида бор ҳолат ҳисобланар экан. Нима ҳам қиламиз, ҳаётнинг ўзига хос шафқатсиз қонунларидан бири ҳам шу бўлса керак.

1975 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач ўзим олийгоҳда таҳсил олиб тугатган соҳам, яъни тарихчи педагог, айна вақтда тадқиқотчи сифатидаги фаолиятимни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги унисерситет) “Тарих” факультетига ишга киришдан бошлаганман. Дастлабки пайтларданок ушбу даргоҳда яқиндан танишган инсонларимдан бири Абдурасул акамиз эдилар. Улар сиртки бўлим “География” факультетининг етук, тажрибали методисти (услугиётчи) лавозимида ишлар, айна вақтда ушбу фан бўйича педагог ҳам эдилар. Улар ишини яхши, мукаммал ўзлаштирган мутахассис сифатида институтда танилган, нафақат профессор-ўқитувчилар, балки ходимлар ва талабалар орасида ҳам ўз ўрни ва обрўсига эга эдилар. Мен ёшлигимдан ўзим қизиққан тарих фани бўйича бир вақтнинг ўзида ҳам талабаларга дарс беришга, ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга ҳаракатларимни бошлаб юбордим. Бу ишларни амалга оширишда мен ишлаётган тарих кафедрасининг тажрибали домлаларининг ёрдами, маслаҳатлари асқотиб борарди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки,

ушбу фаолиятимни яхши ўзлаштириб, маълум бир ижобий натижаларга эришиб боришимда Абдурасул акам бегараз, самимий, акаларча менга мунтазам бериб борган маслаҳатлари, тавсиялари, кўрсатмалари, ёрдамларини ханузгача ёдимдан чиқармайман, тез-тез эслаб тураман, чунки бизнинг ўртамиздаги кадрдонликни, яхшиликни, самимий дўстона муносабатларимизни кўпчилик хатто ҳавас билан кузатишарди. Ўзига хос ҳаётий, илмий тажрибага эга бўлган бу инсондаги ниҳоятда камтарлик, камсукумлик, ҳокисорлик, барча билан самимий, ростгўй муносабатда бўлиш каби фазилатларини ҳаммада ҳам кузатавермас эдим.

Айни вақтда Абдурасул акамдаги адабиётга, санъатга бўлган қизиқиш ҳам бизни бир-биримизга бўлган яқинлик муносабатларимиз ришталарини янада мустаҳкамлаганди. Оилавий борди-келдимиз ҳам анча қалин эди. Қолаверса, имконимиз бўлди дегунча, бирор жойга дам олишга боришлар, эҳ ҳе, буларнинг ҳаммаси ҳар иккимизнинг ҳаётимиздаги чиройли из қолдирган дамлар бўлиб қолди. Абдурасул акадаги айниқса, тўғрини тўғри, нотўғрини нотўғри деб кишининг юзига айтишлари, ҳар қандай суҳбатдошга унинг хуш, нохуш ҳатти-ҳаракатини чиройли, иззат-нафсига тегмайдиган услубда кўрсатиб беришлари, айни вақтда ҳазил-мутойиба, завкли суҳбатларга жумлаларни топиб, ўрнига қўйиб аралаштиришлари каби ажойиб фазилатлари доимо менга маъқул бўларди.

Мен илм-фан, педагогик фаолиятим билан бир вақтнинг ўзида қўшиқчилик санъатига бўлган улкан қизиқишим ва бу соҳада ҳам ўзимга яраша анча-мунча ютуқларга эришганим туфайли ҳам Абдурасул ака билан бўлган кўпгина суҳбатларимда мусиқа, шеърият, қўшиқлар матни мазмуни ҳақида ҳам соатлаб қилган баҳсларимиз, мунозараларимиз, уларнинг билдирган мазмунли таклиф ва тавсияларини ёқимли бир ҳолатлар сифатида эслаб тураман. Шунини алоҳида айтиш керакки, бир неча йиллик бирга ишлаган давримизда Абдурасул акадан билим, таълим олиб, ўқишни битириб кетган собиқ талабаларнинг бир нечасини “Абдурасул ака, домлажон, иш билан Тошкентга келган эдик, Сизни бир кўриб кетай деб келдим” деб

кўргани келганларини гувоҳи бўлганман. Унча-мунча домлаларимизни ҳар доим ҳам бундай ўқувчилари бўлавермайди.

Тўғри Абдурасул ака Кўчқоров бирор юкори амалда ишламаган, ёки кўпчиликка машхур, маълум даражадаги шахс бўлмаганлар. Лекин мени фикримча, атрофдагиларга ибрат, намуна бўладиган, яқинлари қалбида ўчмас ижобий из, ажойиб хотира қолдирадиган инсон бўлиш учун, албатта бирор амалдор ёки машхур бўлиш шарт эмас экан. Ваҳоланки, мен юкорида бирозгина тилга олган ижобий хислатларга эга бўлган Абдурасул акага ўхшаган инсонларга ушбу барча ҳавас қиладиган фазилатларни яратган Тангрини ўзи юқтирган бўлади десам муболага бўлмайди.

Мен токи ҳаёт эканман шундай инсон билан яқин бўлганлигим билан, мазмунли, эсдалик дамларни бирга ўтказганим билан фахрланиб ва у кишини доимо ёдлаб яшайман”.



Эндиги хотирлаш навбати **фарзанду-зурриётларига:** “Биз кўп инсонларда учратмаган бир жиҳатни отамизда кўрганмиз. Бу-ички бир маданият. Такаббурлик ва иддаолардан йироқ бўлган ўзбекона лутф ва самимият. Улар

сўзлаганларидан кўра кўпроқ ўкиган, айтганларидан кўра кўпроқ биладиган донишманд отадирлар.

Худого минг бора шукурлар бўлсинки, 5 фарзандни олий маълумотли қилиб, юрт равнақи йўлида хизмат қиладиган фарзандлар қилиб камолга етказдилар. Отамизда каттаю-кичикка баробар меҳр, самимий муҳаббат ва зиё бор эди. Отамиз ниҳоятда одамохун бўлганлар. Нотаниш одамлар билан ҳам бир пастда тил топишиб кетардилар. Уларнинг табиатларида табиийлик, одамгарчилик, хушмуомилалик бор эди. Отамизнинг феъл-атворларида, юриш-туришларида сохтагарчилик, юзакичилик бўлмаган.

Фарзандлар ҳам отамиз йўлидан кетиб, педагог касбига эга бўлди. Ҳозирда катта кизлари Гулбахор 116- мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, Гулрух 41- мактабда ўқитувчи, Отабек эса 118- мактабда дарс бериш билан бирга тadbиркорлик билан ҳам шуғулланмоқда. Фотима ва Зухралар мактабгача таълим муассасаларида болаларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Отамизнинг 17 нафар набира ва 1 нафар аваралари бор. Улар ҳам турли соҳаларда ватанимиз равнакига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Отамиздан бизга умримизнинг охиригача маънавий бойлик, тўғрисўзлик, ҳақиқатўйлик, халоллик намуна сифатида мерос бўлиб келмоқда.

Инсон вафот этганидан кейин унинг сўзлари, яхши одоблари, ҳақиқатўйлиги қолади деган гапга биз ҳали ҳамон гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Отамизнинг нафақат яқинлари, балки дўстлари, маҳалладошлари ва барча таниш-билишлари ҳали ҳамон ёдга олиб туришади. Биз шундай отамизнинг фарзандлари бўлганимиздан Оллоҳга шукуроналар айтиб, фахрланиб юрамиз. Охиратлари обод, руҳлари шод бўлсин”.



Ушбу рисола муаллифларидан бири сифатида ўзим бу дилкаш инсон билан 1976 йилда шу даргоҳимизнинг биринчи курсига талабалikka қабул қилинганимдаёқ Ҳожиакбар акам Ҳамидов туфайли танишган бўлсамда, оқибат бирга кафедрада елкадош туриб фаолият олиб бориш, сал ўтмай ака-ука бўлиш даражасига мушарраф бўлганимдан фахрланиб юраман. Биз ҳам бу Инсон тўғрисида кўплаб хотиралар соҳиби бўлсакда, юқорида зикр этилган хотиралар даражасида баён этишга ожиздурмиз. Бирок, устозимизнинг кунлари адосига етишга сўнгги лаҳзалар қолганда, охириги сўзларидан бири ҳам “Ҳожиакбар” бўлганлигини биламиз. Ўшанда ягона ўғил фарзандлари Отабекжон Ҳожиакбар акамизга сим қоққанию, ҳамиша элнинг хизматида юрган (яна узоқ йиллар соғ-омон элни хизматида бўлишларини Яратгандан сўраймиз) акамиз хонадон

эгаларидан кискагина фурсатга узр сўраб, хизматларини тўхтатиб, Абдурасул акамиз хузурларига етиб келганликлари, у киши бу вақтда икки кўзларини тепага қаратиб, йиғламсираб, имо-ишора қилганликлари, Ҳожиакбар акамиздек зукко инсоннинг бу кўзлар нима демокчи эканлигини бир зумда ўқиб олганликлари қийин кечмаганлигини эшитганмиз. “Укам Ҳожиакбар! Илтимос, фарзандларим ёлғизланиб қолмасин, имконият топиб улар ҳолидан хабардор бўлиб юринг, уларни Сизга, ўзимни эса Худога топширдим”, деб бу фоний дунёдан кўз юмганликлари ҳақиқат. Чунки ўша дамда бошқача гап бўлиши ҳам мумкин эмаслигига иймонимиз комил.

Узоқ йиллардан бери Марказий Осиё халқларининг ифтихорига айланган, ўзлари ҳаётлик даврларидаёқ ўзларига ҳайкал қуриб улгурган, зукко, донишманд, илохий истеъдод соҳиби, лирик қўшиқчилик тамал тошини қўйган буюк сиймо “Ўзбекистон халқ ҳофизи” Фахриддин Умаров билан ёнма-ён ўтириб суҳбатдош бўлиш бахтига кўп ва ҳўп муяссар бўлган, ўша инсондан замоннинг зайли ила (1966 йилда) ноҳақ тортиб олинган “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонини истиқлолимиз арафаларидаёқ шу унвонни яна қайта тиклаш мақсадида халқимиз номидан Муҳтарам Президентимиз номларига битилган минглаб илтимосномалар қаторида университетимизда шу ишларга бош бўлиб, кўглаб устозларимиз ортидан юриб, улар билан соатлаб суҳбатлашиб, уларнинг имзосини йикқан; ҳали ҳамон 35 ёшга ҳам етмай Оллоҳ берган бешта фарзандлари бўлиб (ўшанда катта қизлари Гулбаҳор 5 ёшда, кенжалари Фотима ва Зухраҳонлар 1 ёшда эдилар) сиртки бўлимда услубиётчи, кейинчалик анча муддат кафедрада ярим ставкада оддий ўқитувчилик лавозими даврларида моддий қийинчиликлардан бирон кимсага чуриқ этмаган, фарзандларига ҳалол лўкма едирган, вақти соати етганда уларнинг барини олий маълумотли, иймонли, эътиқодли, сабр-қаноатли қилиб жой-жойларига бировлардан кам қилмай жойлаган, ҳозирда орқаларидан улар ҳаққига дуолар ўқиб, шеърлар ёзиб юрган 17 набиранинг 13 тасини бағирларига босишга улгуриб, қолган 4 нафарини исини ҳам ҳис қилишга улгурмаган бўлсаларда, у инсон чин маънода бахт топган инсондир. Бундай

сиймолар абадул-абад барҳаёт инсонлардир. Улар ҳеч қачон ўлмайдиган инсонлардир. Доно кишиларнинг набиралари ҳам доно бўлажак.

### СОҒИНЧ

Кўзларимда ёш кўрганда артиб қўйган,  
Қизим, дея юзларимдан ўпиб қўйган,  
Оғринсам гар оловдан ҳам қаттиқ куйган,  
Сўзларингиз соғинаман, отажоним.  
Қўлим етмас, осмондаги меҳрибоним.

Расмингизни кучоклайман юрак ютиб,  
Энди тонглар орттираман сизни кутиб,  
Ўтираман руҳингизга дуо ўқиб,  
Кўзларингиз соғинаман, отажоним.  
Қўлим етмас, осмондаги меҳрибоним.

Сиймойингиз ахтараман қайта-қайта,  
Қабрингизга борганимда дардлар айта,  
Кўз ёшларим артган қўллар энди қайда?  
Қўлларингиз соғинаман, отажоним.  
Қўлим етмас, осмондаги меҳрибоним.

Соғингандан ранги-рўйим бўлди сомон,  
Наҳот энди, отажон, сизни кўрмоқ армон.  
Фарзандингиз Хумор сизни эслар ҳамон,  
Юзларингиз соғинаман, отажоним  
Қўлим етмас осмондаги меҳрибоним!

Ўзбек халқининг атоқли адиби Шухрат аканинг қуйидаги тўртликлари айнан Абдурашул акамизга айтилгандек:

**Дарахт экдим соя солганда,  
Балки бунда бўлмасман ўзим.  
Дўстлар келиб хордик олганда,  
Ҳар япроқдан термулар кўзим.**





Талабаларни ўз фарзандларидек аъло кўрадиган, уларга хамиша ғамхўрликдан ўзини дариг тутмаган, каттаю-кичikka бирдек хушмуомила, ахлоқ-одоб, маданият-маърифат соҳасида кўпчиликдан ортиқ бўлса бўлган, аммо кам бўлмаган забардас инсонни шогирдлари, дўст - ёронлари бир умр унутмайдилар.

Яхши амаллари бисёр эди, илоҳим жойлари жаннатда бўлсин!

### **Қурбонниёзов Рустам – педагогика фанлари номзоди, доцент**



Рустам Қурбонниёзов Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Дўсимбой қишлоғида, ишчи-хизматчи оиласида туғилганлар. У киши ёшлиқданок тиришқоқ, зеҳни ўткир ва кизиқувчан бўлганлар. Ана шу хислатлари билан тенгдошларидан ажралиб турганлар. Болалик чоғлари гўзал, сўлим Дўсимбой қишлоғида бой хотиралар билан ўтган. Кенг далаларда мол боққанлар, гўзал қишлоқнинг бетакрор хусин-таровати уларни табиат шайдосига айлантиргани бежиз эмас. Чунки, Р.Қурбонниёзов азалдан гўзаллик шайдоси бўлган, гўзалликни севганлар. Табиат манзараларига узоқ тикилишни хуш кўрар ва янгиликларни севар эдилар.

Р.Қурбонниёзовнинг ўқувчилик даврлари Гурлан туманидаги А.Навоий номидаги мактабда ўтган. Ўта кизиқувчан, илми севувчи ва зийрак бўлганликлари туфайли 15 ёшда ўрта мактабни тугатганлар. Ушбу мактабда илк география фани бошланғич сабоғини ўқитувчилари Куробой Эшметовдан олган эканлар. География уларнинг алоҳида севиб, кизиқиб ўқийдиган фанларидан бири бўлган.

Р.Қурбонниёзов 1961 йилда Низомий номидаги ТДПИ (ҳозирги университет)га ўқишга кирганлар ва 1969 йили мазкур даргоҳнинг “География” мутахассислигини тугатган бўлсаларда, ўқиш орасида Шимолий Муз океани денгиз флотидида 3 йил ҳарбий хизматни ҳам ўтаганлар.



Рустам ака ўқишни тамомлагач ўз қишлоқларидаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. Ўқитувчилар етишмаслиги туфайли ўрта мактабда немис тили, биология ва ҳатто кимё фанидан ҳам дарс берганлар. Уларнинг жонқуярликлари сабабли мактаб ўқувчилари кетма-кет 10 йил мобайнида “Республика олимпиадалари ғолиблари”

бўлган. Р.Қурбонниёзов ўқитувчилик давларида замонавий география хонаси, география майдончаси ташкил этганлар, географиядан турли кўргазмалар куруллар, рельефнинг турли шакллари ясаганлар. Улар доимо география дарсларининг қизиқарли бўлишига, ўқувчиларнинг шу фанга бўлган муҳаббатини оширишга интиланлар. Изланишлари маҳсули сифатида мактаб ўқитувчиси эканликларидаёқ илк асарлари “Географик ўйинлар” (1978) китоби нашрдан чиққан. Ўз қизиқишлари боис аспирантурага кирмасалар ҳам илмий иш устида мунтазам шуғуллана бошлаганлар. Улар етук олимлар: М.Қориев, Х.Ҳасанов, З.Ақромов, П.Мусаев, П.Ғуломовларни ўз устозлари деб билганлар.

Р.Қурбонниёзов Москвадаги таълим мазмуни ва методлари илмий текшириш институти ректори муовини, педагогика фанлари доктори, профессор И.С.Матрусов раҳбарлигида 1986 йилнинг ноябрида “Қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти факультатив машғулотларида ўқувчиларни меҳнатга йўналтиришнинг шакл ва усуллари” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилганлар.

Р.Қурбонниёзов Тошкент халқ хўжалиғи институти (ҳозирги ТДИУ) Хива филиалида ўқитувчи, 1981-1987 йилларда директор муовини лавозимларида ишлаганлар. 1987 йилдан 1993 йилгача

М.Улуғбек номидаги ЎзМУ “География ўқитиш методикаси” кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, 1993 йилдан умрларининг охиригача Урганч давлат университети “Табиатшунослик” факультетининг “География” кафедрасига мудирлик қилганлар.

Р.Қурбонниёзов “География ўқитиш методикаси”, “Иқтисодий география”, “География дарсларида расм чизиш”, “География таълимида янги педагогик технологиялар” каби фанлардан талабаларга сабоқ берганлар. Кўплаб нуфузли анжуманларда иштирок этганлар. Кўплаб шогирдлари нафақат республикамызда, балки Афғонистон ва Россия каби мамлакатларда, Кавказ ўлкасидаги турли илм даргоҳларида ишлашмоқда ва илмий ишларини давом эттирмоқдалар.

Р.Қурбонниёзовнинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан тақдирланган. Улар икки марта “Халқ маорифи аълочиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонлари, “Шавкатли меҳнати учун” медалига сазовор бўлганлар. 2002 йилда



устоз томонидан нашр этилган “Умумий табиий география” ўқув қўлланмалари республика кўрик танловида 2-ўринга лойиқ деб топилган.

Р.Қурбонниёзовнинг илмий фаолиятлари серқирра эди. У инсон 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, ишларидан аксарияти дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидир. “Иқтисодий географиядан амалий машғулотлар” (1999), “Шимолий ва Марказий Америка мамлакатлари” (2000) каби кейинги пайтларда яратилган ўқув қўлланмалари Р. Қурбонниёзовнинг ниҳоятда қалами ўткир мутахассис бўлганликларидан далолат беради. Юқорида келтирилган илмий ишлар денгиздан томчи холос. Устоз ёзишдан чарчамайсизми?, - деб сўралганда – “Мен бир нарсани ёзишни бошласам, ўзимни уммонда сузиб юргандек ҳис қиламан”, - деган эдилар. Устоз хотираси доимо қалбимизда.

## Хурбой Ваҳобов – география фанлари доктори, профессор



География илмининг ривожланишида, унинг улкан жонкуярларидан яна бири, иктидорли, етук олим, захматкаш устозимиз география фанлари доктори, профессор Х.Ваҳобовнинг (1948-2010) ҳам ўзига хос ўрни ва салмоқли улушлари бор. Профессор Х.Ваҳобов илмий фаолиятлари давомида Ўрта Осиё, Ўзбекистон табиий географияси, табиатни муҳофаза қилиш, умумий ер билими, ландшафтшунослик, геозкология ва география таълими методикаси, Иқтисодий географияга кириш асосларига доир катор илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар, илмий-амалий ишлар натижасида илмий, илмий-методик, илмий-оммабоп ишлар, дарсликлар, монографиялар, ўқув кўлланмалар яратилди. Бундан ташқари бир канча географ олимларнинг тадқиқотларига, илмий изланишларига раҳбарлик қилдилар, илм сирларини ўргатдилар.

Устознинг босиб ўтган ҳаёт йўлларига назар ташласак, фақат ўрнак бўладиган жиҳатларига кўзимиз тушади. Табиатни тадқиқ этишга бўлган кучли кизиқиш домлани Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) “География” факультетига етаклайди. Устоз билан бир курсда таълим олган тенгдошларининг айтишларича, домламиз “География” факультетининг энг иктидорли, жуда билимли, интизомга қаттиқ риоя қиладиган ва устозларга алоҳида ҳурматда бўладиган эътиборли талабаси бўлган эканлар.

Профессор Х.Ваҳобов ўз илмий фаолиятларини университетни тамомлагач 1971 йилда Ўзбекистон Геология вазирлиги қошидаги “Гидрогеология ва инженерлик геологияси” илмий-тадқиқот институтида бошлайдилар. Қолаверса, 1975 йил кундузги аспирантурада ўқишни давом эттириб, узлуксиз илмий тадқиқотлар олиб бордилар. 1981 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институтида “Исследование ослабленных зон на угольных месторождениях и их влияния на устойчивость бортов карьеров (на примере горных месторождений Средней Азии)”

мавзусида 04.00.07-инженерлик геологияси, музлокшунослик ва грунтшунослик мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганлар (геология-минерология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун).

1986-1990 йиллар мобайнида геология-минерология фанлари номзоди Ҳ.Ваҳобов “Ўзбекгидрогеология” ишлаб чиқариш бирлашмасида марказий лаборатория раҳбари лавозимида фаолиятларини давом эттирадilar. 1990 йилдан эса, Ўзбекистон миллий университетининг “География ўқитиш методикаси” кафедрасида фаолият олиб бора бошладilar. 2001 йилда “Оценка и прогноз формирования горнопромышленных ландшафтов и физико – географические основы их рекультивации” мавзусида 11.00.01–Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимёси ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлар, шу билан биргаликда устоз тоғ-кон саноати ҳудудларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг инженер- географик жихатларини тадқиқ қилиш ва фойдали казилмаларни қидириш ҳамда казиб олишнинг турли босқичларида табиат компонентлари ўзгаришини баҳолашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Ҳ.Ваҳобов томонидан техноген ландшафтларни ўрганишда инженер-географик ёндашув ишлаб чиқилган ва тоғ-кон саноати ландшафтшунослигининг янги илмий йўналишига асос солинган.



2003 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудури лавозимида иш фаолиятларини давом эттирган профессор Ҳ.Ваҳобов қайси даргоҳда ишламасинлар, ўзларининг кучли билимлари, илмий педагогик салоҳияти, бой ҳаётий тажрибалари билан география фанининг янада такомиллашишига, илмий тадқиқот ишларининг ривожланишига, ёш олимларнинг илмий изланишлари асосидаги тадқиқотларига амалий ёрдам, кўмак беришда

Ўз меҳнатларини аямадилар. Олий ўқув юртларида талабаларга билим бериш билан бир қаторда Ҳ.Ваҳобов ўзларининг самарали меҳнатлари билан илм-фан йўлида 150 дан ортиқ илмий маколалар, олий, ўрта махсус, умумтаълим ва ёрдамчи мактаблар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва турли дастурлар чоп эттирдилар. Устознинг илмий раҳбарликларида 5 та фан номзодлиги диссертацияси ҳимоя қилинди, 10 га яқин аспирант ва тадқиқотчилар ўзларининг илмий ишларини тайёрладилар. Олимнинг яратган дарсликлари, илмий ишларидан ҳозирги кунда география фанининг турли соҳаларида, қолаверса география таълими жараёнларида самарали фойдаланилмоқда. Ўйлаймизки, ҳеч иккиланмай мана шу самарали ишлар натижасида профессор Ҳ.Ваҳобовнинг ўзига хос илмий мактаблари шаклланганлигини эътироф этиш лозим.

Устоз Тошкент давлат педагогика университетининг “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудир лавозимида фаолият олиб борар эканлар кафедранинг илмий-педагогик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиб, ўқув адабиётлар билан таъминланиши, талабаларга билим беришнинг турли методларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар, натижада кафедранинг моддий - техник базаси янада мустаҳкамланди. Қолаверса, 2006 ҳамда 2008 йилларда устознинг ташаббуслари билан “География фанининг долзарб назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар юқори савияда ташкил қилинди.

Устоз “Гидрометеорология” институти қошидаги табиий ва иқтисодий география, гидрология ва иқлимшунослик фанлари бўйича К128.10.01 Ихтисослашган кенгаш аъзоси, ал-Фаробий номидаги Қозоғистон давлат университетида география фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини берувчи Д 14А.01.37 кенгашининг аъзоси ва Ўзбекистон география жамияти раёсати ҳамда жамият ахборотининг таҳририят аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатганлар.



Профессор Ҳ.Ваҳобов 5 та докторлик ва 10 дан ортик номзодлик диссертацияларига бевосита оппонентлик қилганлар, бу эса ўз ўрнида, устоз илмий салоҳияти, поклиги, талабчанлиги ва адолатпарварлигига берилган ижобий баҳонинг яққол мисолидир.

Ундан ташқари, устознинг география мутахассислиги магистрларига магистрлик диссертациялари, бакалаврлик битирув малакавий ишларига ҳам илмий раҳбарлик қилиб, кўплаб шогирдларга илмий йўналишларда устозлик қилганликлари барчага маълум. Ҳозирги кунда устознинг кўплаб шогирдлари фаннинг ривожига ва келажак авлод таълим-тарбиясига ўзларининг хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Устозимиз билан бирга фаолият олиб борган даврларимизни эслар эканмиз, улар билан ишлаган жойда албатта дўстона кайфият, соғлом муҳит, ҳамжиҳатликка асосланган “Устоз-шогирд” аънанаси шаклланганини айтиб ўтиш жоиз. Инсон сифатида ижобий хусусиятлари: камтар-камсуқум ҳамда доно, кенг мушоҳада юритиб, ўз фикрларини қисқа ва лўнда, аниқ баён этувчи, бутун ҳаётлари давомида орттирган шу каби ибратли фазилатлари дўстлари, ҳамкасблари ва биз шогирдлари учун ҳамisha ўрнақдир. Бу жиҳатларни устозни таниган, биладиган ҳар бир инсон меҳр билан ёдга олиб эслашига, кадрлашига сира ҳам шубҳамиз йўқ. Мана шундай инсон билан елкама-елка ишлаш, ўз ўрнида талабчанлик, керак бўлса оталарча меҳрибонлик муносабатлари билан олиб борилган фаолият, албатта, фан соҳасининг янада ривожланишига, соғлом муҳит таъсирининг ошишига туртки бўлмай қолмайди. Шундай экан, профессор Ҳ.Ваҳобовнинг фанга қўшган хизматларини инобатга олган ҳолда, устозни республика географлари орасида ҳурмат, эътибор қозонган таниқли олим, толмас тадқиқотчи ва моҳир педагог, жонқуяр устоз бўлган деб ишонч билан айта оламиз.

Халкимизда илм олишни, уни халққа етказишни игна билан қудук қазишдек бир машаққатли ишга қиёсланади. Профессор Ҳ.Ваҳобовнинг география фани ривожигаги ўзига хос такрорланмас ва бой илмий ижодий изланишларини, тадқиқот ишларини, қолаверса келажак авлодга таълим бериш, баркамол шахсни, билимли мутахассис килиб шакллантиришдек шарафли ва маъсулиятли вазифани мукамал тарзда адо этиб, “игна билан қудук қазиш” каби машаққатли вазифани уддалай олган бетакрор устоз деб бемалол таърифлай оламиз. Шундай инсонлар бўладики, уларнинг ибратга тўла нурли ҳаёт йўли, қилган яхши амаллари, ортидан қолган, эл қорига ярайдиган фарзандлари ва шогирдлари, қолдирган бой мероси, илмий ҳазинаси уларни ўзидан кейин ҳам эслатиб туради. Ушбу жиҳатларни биз шогирдлар устознинг оиласида ҳам бир неча бор учратганмиз, илмий кутубхоналаридаги адабиётлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганмиз. Фарзандларининг ҳам илм йўлидан боришларида устознинг ҳиссаси юқори эканлигини таъкидлаш лозим. Шубҳасиз, етук забардаст олим, меҳрибон устоз, география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ваҳобовнинг илмий мероси, раҳбарлик ва педагогик фаолиятлари давомидаги таълим-тарбия усуллари, биз шогирдларга қолдирган билим ва тажрибалари ҳали узок йиллар илм-фан йўлини ёритувчи машъала бўлиб хизмат қилади. Олимнинг сермазмун ҳаёт йўли, берган тарбия ва ўғитлари устознинг ишларини давом эттиришда дастур-ул амал бўлиб хизмат қилади. Уларнинг меҳнатлари қадрланиб, эъзозланади. Устознинг пок хотиралари, нурли сиймолари уларнинг яқинлари ва дўстлари, ҳамкасблари ҳамда биз шогирдлари қалбида мангу барҳаёт яшайди.

Илоҳим устознинг охиратлари обод бўлсин! (Саидқаримова ва б., 2015, 464-467-б.).



## ИЛГОР МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ҶУКИТУВЧИЛАРИ

### Норимов Шокир



Ш.Норимов домла 1913 йилда Тошкент шахрининг ҳозирги Олмазор тумани Себзор маҳалласида таваллуд топганлар. 1917 йилда Қибрай туманидаги Буврота қишлоғига кўчиб боришган. 1920 йилда ушбу тумандаги Янги йўл қишлоғидаги мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, 7-синфгача

ўқиган эканлар.

Ш.Норимов 1938 йилда ҳарбий хизматга чакирилганлар, 1941 йилда уруш бошланиб тўғри фронтга йўл олганлар. Украина, Белоруссия фронтларида жанг қилганлар, 1944 йилда катюша отганлар, немисларни Чехия, Болгариядан қувиб чиқиб, Германиягача борганлар. 1944 йилги жангга қўлларида ярадор бўлганлар, бир нечта немис аскарини аср олишда иштирок этганликлари учун қатор орден ва медаллар билан мукофотланганлар. Урушдан сўнг 1946 йилгача Чехияда қолиб, уруш вайроналарини тиклашда катнашганлар.

Ш.Норимов 1950 йилдан Янги йўл қишлоғидаги ўзлари ўқиган мактабда географиядан дарс бера бошлаганлар. 1960 йилдан Қибрай туманидаги 39- ҳамда 32-ўрта мактабларда мактаб директори бўлганлар. 1963-1970 йилларда 32-ўрта мактабда география ўқитувчиси бўлиб фаолият олиб борганлар, 1973 йилнинг 26 сентябрида оламдан ўтганлар.

“Отамиз унчалик узок умр кўрмаган бўлсалар ҳам, ватан-юрт учун, юрт фарзандларини саводхон қилиш учун тиним билмай меҳнат қилганликларини, хушфезл, ҳақиқий зиёли, камсукум, тўғрисўз, халқ хизматида сазовор бўлганликларини ҳам ҳамма билади”, - деб эслайдилар Шокир домланинг қизлари **Муяссархон Мирдадаева**.

Домланинг ўтган XX асрнинг 60-йиллари бошларидаги шогирдларидан бири “Олтинбой - Узум” фермер хўжалиги бошқарувчиси Турсунбой ака Олтинбоев хотралари: “Домла ниҳоятда камтарин, юмшоқ фезли, меҳрибон, ўқувчиларини ўз фарзандларидек кўрадиган ҳамда жуда дилкаш, суҳбатдош инсон эдилар. Бу домладан сабоқ олган шогирдларнинг ҳеч бири кам бўлмади, кам бўлмаяпти

хам. Шунчалик куйиниб, жон диллари билан дарс ўтар эдиларки, айтилган жой-худудни, воқеа ва ҳодисаларни кўз ўнгимизда яққол тасаввур этганимизни кўриб, ўзлари ҳам севинишларини биз ўқувчилар сезар эдик. Худо ўз раҳматига олган бўлсин”.

“Меҳрихон ҳожи она” фермер хўжалиги раиси Норимбой ака Юсупов хотиралари: “Мақтаб, ўқувчилик даври, бу албатта болалик эди. Шу туфайли бирон-бир устозга ёлгон гапирган бўлишимиз мумкин. Аммо Шокир домлага ёлгон гапириш, у инсонни алдашга бизнинг жажжигина виждонимиз ботинмаган. Домла бунга лойик инсон бўлмаганлар. Дарсда бирон марта ўз ўқувчиларига “жим ўтиринглар”, деб танбеҳ берганларини эслай олмайман. Домламиз дарс ўтганларида ҳаммамиз, ҳатто “тўполончи” ўқувчилар ҳам маҳлиё бўлиб эшитар эдик. Ётган жойлари жаннат бўлсин”.

“Ранчо” дам олиш маскани бош директори муовини Йўлдош ака Жуманов хотиралари: “Шокир домлага ўқувчи бўлганим ҳамда у кишига қўшни бўлиб яшаганимдан ҳали хануз фахрланиб юраман. Шу сабаб домладан нафақат ўзим, балки акам, опам, ука-сингилларим ҳам ҳаётда ўз йўлларимизни топишимизга таъсирлари бекиёс бўлганини сира-сира унутмаймиз. Илоё иловонда жойлари жаннат нурларига тўлган бўлсин”.

Ҳозирда Тошкент вилояти Қибрай тумани “Ёнарик” ҚФЙ худудида қанча географиядан мақтаб ўқитувчилари авлодлари бўлса, уларнинг барчаси Шокир домлани ўз устозлари деб биладилар. Чунки, домла ўқувчиларда географияга қизиқиш уйғотишда устаси фаранг муаллим бўлганликлари чин.

Домла ҳуқуқшунослик техникуми ва Низомий номидаги ТДПИ ни қачон битирганликлари тўғрисидаги маълумотларни топишнинг иложи бўлмади. Кўплаб устозлар ва ота-оналаримизнинг таърифи бўйича Шокир домла кўчадан ўтганда кўзларига бошқалар тик қарашга жазм эта олмас, кўча-кўй жим-жит бўлиб қолар экан. Бу у кишидан бошқалар қўрққанлигидан эмас, ўта ҳурматга лойик бўлган инсон бўлганликларидан далолатдир. Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин.

## Дакибоев Расул



Устозим Расул ота Дакибоев 1925 йилнинг 10 мартада “Ўзбекистон жавоҳири” Фарғона водийсида таваллуд топганлар. Фарғона педагогика институтининг “География” ихтисослигини тамомлаганлар. Наманган ва Тошкент вилояти Қибрай туманидаги иш тажриба стажлари салкам 50 йил. 1941-1945 йилларда II-жаҳон урушининг оловли ҳалқаларида жанг қилганлар. Ана ўша урушдан II-гуруҳ ногирони бўлиб қайтганлар. Урушдаги хизматлари учун “Қизил юлдуз” ҳамда бошқа орден ва медаллар шодаси билан тақдирланганлар.

Устоз Р.Дакибоев география дарсларида “Рус текислиги ўлкаси”, “Ғарбий Европа”, “Германия давлати” мавзуларини ўтганда кўзларида ёш билан дарс ўтганликлари кечагидек ёдимда. Ҳар гапда қоранг ўчқур “фашист” деб харитага қарамасдан ўзлари босиб ўтган йўлларни кўрсаткичда кўрсатар, биров ҳаво етмай қолгандай жим қолганликларига синфдаги барча ўқувчилар кўп бор гувоҳ бўлган. Бундай очик кўнгил, юмшоқ феълли инсонни ҳамон маҳалламизда ифтихор билан эшлашади.

Ўн йил бир синфда ўқиган синфдошларим, домланинг фарзандлари Саидолим Дакибоев ҳамда жиянлари синфдошим: Тоиржон ва Баҳодиржон Дакибоевлардан кўп эшитганман, домла уйда, оила-аъзолари даврасида ҳам жаҳиллари чиқиб, биров хуноб бўлганларида ҳам гап боши “болаларим” бўлган. Ҳеч қачон ўзгаларни ҳақорат қилганликларини биров эшитмаган.

Мен устозга қўшни бўлиб ўсганлигимдан, уй ҳовлида лолалар очилганию, бир туп дарахтда бир неча хил мевалар пишганини ҳам, туксиз шафтоли ҳам бўлишини биринчи шу хонадонда кўрганман. Боғларидаги ёқимли, ширин жонақи олмани ҳам, маймунжону-смородина деган меваларни ҳам шу манзилда биринчи таътиганман.

Нима учун устоз ҳовлиси ўша даврларда кичик “Ботаника боғи” ва “Ҳайвонот боғи”нинг филиали бўлган эканлигининг моҳиятини

энди тушундим. Чунки устоз табиатни ўта севганлар, қаерда жамоа хўжалиги эпга сололмаган бир қарич ер бўлса, домла ўша ерга сув чиқариб, обод қилганликларини энди тушундим.

Устоз ўзлари кўчатларни пайванд қилиб, ундириб - ўстириб, парваришлаб, эрта баҳорда кўни-кўшниларга тарқатганликларининг сабаби нимада эканлигини энди билдим. Бу инсон табиатнинг ашаддий шайдоси, том маънода ҳақиқий табиатшунос-географ бўлганлар. Маҳалладаги кўплаб дехкону-боғбонлар ҳам дарахтга қандай ишлов бериш, уни қачон, қандай, қаеридан кесиш кераклигию, ток (узум) ҳомтоқини ҳам шу инсондан ўрганганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Келажак авлод учун урушда қон кечган, ундан кейинги йилларда халқимиз фарзандларини саводхон бўлишида камарбаста бўлган Устоз –Р.Дақибоев хотиралари бизнинг калбимизда мангу яшайди.

### Кўзибоев Исмоил



Устозимиз И.Кўзибоев 1939 йилнинг 29 апрелида Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Маданият” жамоа хўжалиги (ҳозир “Ёнарлик” ҚФЙ) худудида туғилганлар. 1946 йилда қишлоқдаги 32-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга катнаб, 1956 йилда мактабни тамомлаганлар.

И.Кўзибоев 1956-1961 йиллар мобайнида Низомий номидаги ТДПИ нинг география ихтисослигида ўқиганлар. Олий даргоҳда доцентлар: М.Набихонов, М.Қориев, М. Мирбобоев, катта ўқитувчи У.Рустамов каби устозлардан сабоқ олганликларини кўп эслайдилар.

**И.Кўзибоев сўзлари:** “Мактабда ўқувчилик давримда география фанидан дарс берган Шоқир домла Норимов сабоқлари мени ўз фанларига қизиқтирган бўлиб, географиядан кўрғазмали қуроқлар яшаш ҳамда ёзувсиз хариталар қизишга қизиқиб кетганман. Шу туфайли ўзим ҳам география ўқитувчиси бўлганимдан сўнг географик

билимларни мустахкамлаш жараёнида, айниқса, дарс ўтишда маҳаллий материаллардан унумли фойдаланишга одатландим”.

И.Кўзибоев 1962 йилдан 39-ўрта мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1973 йилдан мактаб директори, 1978 йилдан туман мактаблари бўйича ўқув ишлаб чиқариш комбинатида директор ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатиш билан бирга география фанидан дарс беришни сира қанда қилмадилар.

И.Кўзибоевнинг нафақат ўқитувчиликдаги тўплаган тажрибалари, яна шунингдек, уларнинг юксак ташкилотчилик қобилиятлари 1981 йилда Тошкент вилоятидаги 77-сонли интернат (ногирон болалар учун)га директорлик, 1986 йилдан Тошкентдаги турк-ўзбек лицейида директорлик, 1998 йилдан эса Тошкент вилояти педагогика коллежида директор ўринбосари лавозимларида сидқидилдан фаолият олиб борганликларига сабаб бўлган бўлса ажабмас. “Мен ҳаётда нимага эришган, элимиз-юртимиз орасида маълум даражада ҳурматга эга бўлган бўлсам, ҳаммаси учун мени ўз бағрига олган Низомий номидаги ТДПУ ҳамда менга сабоқ берган Устозларим ўғитларидан деб биламан. Ўқув даргоҳим ва устозларимга мингдан-минг раҳмат”.

Булардан ташқари янгамиз (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан биргаликда 11 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ўстириш, уларни уйли-жойли қилиш фақат айтишгагина осондир. Ҳаёт ҳамиша муаммолар гирдобида экан, унинг устоз И.Кўзибоевга ҳам рўбару бўлган яхши-ёмон кунлари кўп бўлди. “Ҳаммасига сабр-тоқат, ҳалол меҳнат билан эришса бўлади”, - деб таъкидлайдилар И.Кўзибоев. Фарзандлар, набира-авара-чеваралар бахтига омон бўлинг устоз.

### **Худойназаров Ғойибназар**



Худойназар ўғиллари Ғойибназар устоз 1944 йилнинг 11 январиди Тошкент вилояти Қибрай гумани “Ёнарик” ҚФЙ, собиқ “Қурилиш” жамоа хўжалигида ўртаҳол деҳқон оиласида таваллуд топганлар. Оталари Худойназар ота шу жамоа хўжалигида

сохибкор богбон, кўп болали оналари Хумайра она эса оддий дехқон бўлганлар.

**Ғ.Худойназаров сўзлари:** “Ота-онамнинг энг кенжа фарзанди бўлганлигимдан ўзлари чала савод бўлганликлари туфайли мени тарбиямга, илмли-билимли бўлишимга ниҳоятда катта эътибор қаратганлар. 1950 йил 6 ёшимда қишлоғимиздаги А.Навоий номидаги етти йиллик мактабнинг 1-синфига қабул қилиндим. Менинг биринчи устозим Галимова Гавҳар опа бўлганлар. Шу ўқиш даврида ота-оналарим тез-тез ўқитувчиларим билан мулоқатда бўлиб, яхши таълим-тарбия олишимга барча имкониятларни яратиб беришган. Бошланғич синфни тугаллаб, юқори 5-синфга ўтганимда, айниқса табиий фанларга бўлган қизиқишим ўзгача бўлди. География фанидан бизга дарс берадиган Норимов Шокир домламининг дарслари менга жуда ёқар, бошқа фанларга нисбатан бу фанни ниҳоятда қизиқиб ўқир эдим. Домлага бўлган ихлосим баланд бўлган. Бу фандан фақат “5” баҳо олардим. Ҳа, бу фан бизга бутун оламнинг тузилиши, табиати, ер-суви, ҳавоси, ўсимлигию-ҳайвонот дунёси, табиий бойликлари, табиат ходисалари, ҳалқи, қўйинки инсон билиши керак бўлган барча маълумотларни ўргатувчи, ватанга, она тупроққа бўлган муносабат, уни севишни, ардоқлашни ўргатувчи фан эканлигини тушуна бошладим.

1960 йил 10-синфни муваффақиятли тугаллагач, устозим Шокир домла Норимовга ўхшаб яхши муаллим, кўплаб ёш ўқувчиларга она Ватан, она ер, она табиат ҳақида илм-билим бериш иштиёкида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳига йўл олдим. 1961 йилда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, “География” факультети кечки бўлимининг 1-курс талабаси бўлдим.

Олийгоҳда менга таҳсил берган О. Мўминов, М.Набиҳонов, У.Рустамов, Г.Асанов, И.Мирзалиев, М.Мирбобоев, А.Ҳисомов, П.Баратов домлаларнинг хизматлари беқиёсдир. 1-2-курслардаги Хумсон, Ўрта Осие бўйлаб табиий географиядан қилинган мажмуали дала амалиётлари мени Ватанга, она тупроғимга бўлган меҳримни янада орттириб юборди.

1963 йил октябрда ҳарбий хизматни адо этиш учун ҳарбий хизматга кетдим. 1964 йил июль ойида ҳарбий хизматни тугаллаб, қайтиб олийгоҳимизнинг сиртки бўлимида ўқишни давом эттирдим. 1964 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзим ўқиган мактабга бош пионер вожатий бўлиб ишга жойлашдим. 1967 йилда олийгоҳни 5-курсини тугаллаб, 4 фандан давлат имтиҳонларини топшириб, 2 та фандан “4” ва 2 та фандан “5” баҳо билан диплом олиш шарафига муяссар бўлдим. Шу мактабда 19 йил ишлаб, шундан 17 йил давомида ўқувчиларга географиядан дарс бердим.

1983 йилда саломатлигим заифлашиб, мактаб - ўқувчиларим билан ҳайрлашишга мажбур бўлдим. Саккиз фарзандимиз бўлганлиги туфайли аёлим билан биргалашиб жамоа хўжалигида деҳқончиликда сабзавотлар етиштириш ишига ўтдик, албатта фарзандлар кўмагида.

1989 йилдан маҳалла фаоли, котиби бўлиб ишлаб, 2006 йилдан маҳаллада педагог-тарбиячи бўлиб ишладим. Фарзандларимиз касбли, хунарли: ҳайдовчи, ҳамшира, тикувчи бўлиб меҳнат қиладилар. 8 фарзанд, 28 набира, 6 авараларнинг мен бувалари ҳозирда элимиз, юртимиз, фарзандларимиз, набира, аваралар ҳақларига дуо қилиб кексалик гаштини суриб ўтирибмиз. Ўша мен ўқитган ўқувчиларим ҳам ҳозирда жонажон Ўзбекистон диёримизнинг турли жабҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар орасида зиёлилар, эл-юрт фаровонлиги йўлида корига ярайдиган, элим-юртим деб ёниб яшайдиган турли касб эгалари етишиб чикқанлар. Ҳозирда улар ҳам яхши фарзандларнинг ота-оналари, яхши набиралар бува-бувиларидирлар. Албатта, улар барча устозлари катори мени ҳам ҳар доим устозим деб йўқлаб, кўнглимни шод қилиб турадилар. Мен қисқа вақт ўқитувчилик қилган бўлсамда, менинг камтарона хизматларимни тақдирлаб туман халқ маорифи бўлими, касаба уюшмаси ташкилоти, мактаб маъмурияти мақтов ёрликлари билан тақдирлаганлар. Мен шундай инсон кадрига етадиган серқуёш Ўзбекистон диёрида туғилиб ўсганимдан беҳад мамнунман. Мени оилада, элимда-юртимда шундай ҳурмат-иззатга сазовар бўлишимда ота-онам, жигарларим, устозларим, айниқса, Низомий номидаги ТДПУнинг хизматлари ниҳоятда

каттадир. Мен буни бир умр, ҳеч қачон унутмайман, уларга таъзим айлаб миннатдорчилигимни билдираман, улуғ 80 ёшинг қутлуғ бўлсин Илм ва Тарбия ўчоғи ТДПУ.

Менинг ниятим шулки, Ўзбекистонимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо, миллатларимиз орасидаги меҳр-оқибат зиёда, зиёлилар сони ортган ҳолда маънавиятимиз юқори чўққилар сари юксалаверсин, Ўзбекистоннинг куч-қудрати ортаверсин. Мен шу касбни танлаганимдан, менга шу касбни юқтирган яккаю-ёлғиз Оллоҳга беҳисоб шуқурлар айтаман. Шу касбим орқали элда-юртда танилдим, Оллоҳ берган фарзандларимни ҳалол меҳнатим ила ризқлангирдим, вояга етказгирдим, жой-жойига қўйдим.

Бу менинг касбим-фаҳримдир”.

Сизга ҳам Оллоҳдан оилавий хотиржамлик ва яна узоқ йиллар фарзандларингиз ҳамда шогирдларингиз бахтига соғ-саломат юришингизни тилаб қоламиз.

### Икромов Илҳом



Илҳом ака Икромов 1947 йил 10 июлда Қибрай туманидаги “Ёнарик” кишлоғи – “Маданият” жамоа хўжалигида колхозчи оиласида туғилганлар. Оталари Инағомов Икромбек ота 1913 йилда туғилганлар. Оналари Инағомова Сожида ая 1917 йилда туғилган бўлиб, жамоа хўжалигида фаолият олиб борганлар.

**И.Икромов сўзлари:** Мен 1954 йили 1 сентябрдан 39-саккиз йиллик мактабнинг 1-синфига қабул қилиндим. 1961 йил 32-умумтаълим ўрта мактабнинг 7-синфига ўтиб ўқий бошладим. 1965 йил ушбу мактабнинг 11-синфини тугалладим. Илк устозим Ҳақимжонов Исмоил ака. 1965-66 ўқув йилларида 2 маротаба олий ўқув юртига кира олмадим. 1966 йили 39-саккиз йиллик мактабда кутубхона ходимлигидан меҳнат фаолиятимни бошладим. 1967 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кечки “География” бўлимида таълим ола бошладим. 1972 йили ушбу



институтни тугалладим. Институтни битирганимдан кейин 1972 йилдан бошлаб “География” ўқитувчиси бўлиб ишлай бошладим. 2002 йил августдан бошлаб нафақага чиқдим. Институтда 1967-1972 йиллар мобайнида таълим берган устозларни айтиб ўтмоқчиман:

1. Асқаров Жўра ака
2. Баратов Паттоҳ ака
3. Мўминов Ортиқ ака
4. Пардаев Ғайрат ака
5. Исломов Ҳайриддин ака
6. Миртолипов Абдумалик ака
7. Ақромхўжаев Тўхтаўжа ака
8. Миртурсунов Бердикул ака
9. Рустамов Умар ака
10. Эргашев Омон ака
11. Абдуллаев Ҳаким ака
12. Норбеков устозлар берган таълим ва билимларидан миннатдорман.

Мени география фанига кизиқишимда асосий сабабчи устозим Қўзибоев Исмоил акадан чексиз миннатдорман. Чунки, кутубхонада ишлаб юрган вақтларимда 5-8-синфлардаги география дарсларига киритиб, кузатиб ўтириб сендан яхши ўқитувчи чиқади, деб уқдирар эдилар.

Мен болалигимдан II-гуруҳ ногирони эдим, пиёда юриб ёшлигимда бирор жойга боролмасдим. Ота-онам “ўқиб катта бўлсанг, болам юрт кезасан ва боролмаган, кўролмаган жойларингни кўрасан, ношукур бўлма болам”, деб кўп гапирар эдилар. Ниятлари қабул бўлиб, институтда билим олдим ва Ўзбекистон Республикасининг яримидан кўпроқ жойлари ва шаҳарларини бориб кўрдим. Институтда ўқиб юрган давримда дала амалиёти юзасидан Россиянинг Урал тоғидан ғарбдаги 10 дан ортиқ шаҳарларни, завод ва фабрикаларни ўз кўзим билан кўриб, “экскурсия” қилиб келдим.

Мен яшаб ўтаётган ҳаётим ўқиш, иш фаолиятим, мустақил республикамизда фаровон ҳаёт кечириб келаётганимдан ниҳоятда чексиз миннатдорман. Устозларим Норимов Шоқир ака ва Дақибоев Расул акалар география фанидан жуда кизиқарли воқеалар ва ҳодисаларни гапириб бериб, дарсларда карталардан, турли хил кўргазмалардан фойдаланиб, мавзуларни тушунарли қилиб ўтар эдилар.

Юқори синфларда эса Раҳимов Ғулмназир ака, Ҳожиёв Ёқуб акалар ҳам тарбия ва билим беришган. Шулар қатори: Нурматов

Эшмат ака, Ҳакимжонов Исмоил ака, Ҳамидов Абдуваҳоб ака, Нодиров Абу ака, Азизов Ғалий ака, Асқаров Шукур ака, Акбаров Султонмурод ака, Маҳаматов Азим ака, Мурватов Ниғмат ака, Улуғов Қудрат ака, Сайдахмедов Азим ака, Каримов Ҳудойберган ака, Қорабоев Муҳаммаджон ака, Раҳматуллаев Қудрат акалар - устозларнинг берган таълим-тарбияси ва билимларидан бир умр миннатдорман”.

Ҳа дарвоқе, устоз Илҳомбек ака Икромовнинг ўқитувчи бўлишларида теварак-атрофдаги инсонларнинг таъсири ҳам катта бўлган. Чунки, азалдан “Ёнарик” қишлоғига бориб “Ўқитувчилар кўчаси”ни сўралганда бу кўчани билмайдиганлар бўлмаган. Илҳом ака айнан шу кўчадаги 30 та хонадоннинг бирида яшаётган бўлсаларда, 10 дан ортиқ хонадон эгалари Асом домла (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) бошчилигида ўқитувчилар бўлишган. Ҳозирда эса кўчанинг ярмидан кўпида ўша ўқитувчилар сулолалари мужассам.

Ҳурматли устоз Илҳомбек ака, келинойимиз Зарифахон ая билан 6 нафар фарзандни ҳамда бир этак набира-ю чевараларингизни роҳатини узок йиллар татиб юришни насиби-мукаррам айлаган бўлсин. Соғ-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳлигини Яратгандан сўраб қоламиз.

## **ХОТИМА**

Мавзуга туртки бўлган ғоя - сабабларидан бири бу мамлакатимизда 2002 йилнинг юртбошимиз Ислом Каримов томонларидан “Қарияларни кадрлаш йили” деб эълон қилинганлиги бўлса, иккинчи нашрга ундаган ҳам юртбошимиз томонларидан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилганликлари ҳамда кадрдон университетимизнинг 80 йиллик юбилеи шодиёнасиدير. Шу туфайли биз сохамиз жонкуярларининг ўтган ва ҳозирги авлодлари тўғрисида бирон бир нарса ёзиш орқали уларга ўз ҳурматимизни исҳор этиш, аниқроғи уларнинг меҳнатига яна бир қарра тасанно айтишни зарур деб билдик. Устозларнинг кўплари кекса авлод вакиллари, ҳали ёш-забардастлари ҳам бор, кўплари бу дунёни тарк этишди. Албатта, кексаликни гап-дейишади, аввало кексаликни ҳар кимга ато этсин, иншоолоҳ етказсин, бироқ, уни маълум маънода дард эканлигини ҳам англаш лозим. Жонли фаолиятдан сал четга чиқиб қолгандек ҳис қилаётган баъзи устозларни шу иш баҳона бир йўқлаш, устозлар дуосини олиш, улар кўнглига таскин беришдек савоб иш дунёда бўлмаса керак. Ҳикматлар ҳазинасида шундай доно фикрлар бор экан:

**Бир кўнгили иморати  
минг Макка Зиёрати**

ёки

**Кексага кўмак бер-  
Суянган тоғинг,  
Буни тушунарсан-  
Қариган чоғинг.**

Демак, устозларни йўқлаш, уларнинг ҳозирги кечмишлари билан танишиш, ўтганларини хотирлаш, ҳозирги авлод, яъни сизу-бизларнинг ва келажак авлодларнинг бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёкиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий

фазилатдир. ... Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки, бугун ҳаёт бўлганларини қадрлашимиз, хурматини жойига қўйишимиз зарур”.



Рисолани ёзишда муаллифдошим – синглим Нодирахон Султанова билан бошқа кафедрадош ёру-дўстларимиз: геология-минерология фанлари номзоди, доцент, ажойиб инсон Асрор ака Низомов, катта ўқитувчи Нурмухаммад ака Нурматов;

дўстларим: педагогика фанлари номзоди, доцент Ўролбек Сафаров, география фанлари номзоди, доцент Илхомжон Абдуллаев; шоғирд ука-сингилларимиз, ҳозирда кафедрада барчамизнинг бошимизни қовуштириб, бизларга бош бўлиб юрган география фанлари номзоди, доцент Нусратилла Алимқулов, география фанлари номзодлари, доцентлар: Насибахон Сафарова, Зиёдахон Аманбаева; катта ўқитувчилар: Муаззамхон Абдуллаева, Арофатхон Нугманова, Фарходжон Сайдаматов, Имомали Исломов; ўқитувчилар: Меҳрибонхон Қаландарова, Сабохатхон Имомходжаева, Шакарбек Холмуродов, Нурбол Қорақулов, Нилуфархон Ерматова; кафедра ходимлари: Мансуржон Жўраев, Акмалжон Матназаровларга сизлардан ҳам кўпларингиз шу рисолага лойиқ инсонларсиз, сизлар тўғриларингизда ҳам бир нималар ёзамиз деганимизда, улар барилари кулиб, хали қиладиган ишларимиз кўп, шуларнинг локал ўндан бирини қилиб олайлик, кейин бизларнинг ўзимизни алоҳида китоб қилиб ёзарсизлар, деб ҳазиллашишди. Ҳа майли наилож, ўша кунларга ҳам етказсин.

Талаба сифатида Низомий номидаги ТДПУ даргоҳига илк кадам қўйганимга ҳам ҳадемай қирқ йил тўлиши, шу даргоҳдаги қатор яхши амалларда озгина бўлса ҳам ҳиссам борлигидан, кўплаб устозларим билан бирга фаолият олиб боришдек шарафга муяссар бўлганимдан севиниб юришларимни назарда тутиб, қисман ўзим ҳамда қатор

устозларимнинг ҳаётларини-ю, бу оламни тарк этганларини ҳам эслаб, руҳларини шод этмоқни эп кўрдим. Балки, ёзилажак сатрлар яна кимларгадир сабоқ бўлса ажабмас, иншоолоҳ.

Ота-онам ҳамда яқин қандошларимнинг барчалари Тошкент вилояти Қибрай туманининг „Маданият“ жамоа хўжалигида туғилганмиз. Бу манзил қадимда „Ёнарик“ қишлоғи деб аталган, сўнг юкоридаги „Маданият“ жамоа хўжалиги тузилган, орада яна бир қанча номлар билан ҳам аталган. Ҳозирда „Ёнарик“ ҚФЙ деб аталади. Шоир Ямин Қурбон ҳам шу манзилда яшаб „Ёнариқнинг шамоли“ номли хонанда Мовлуда Ойнакулова ижросидаги кўшиқни қолдирганлар.

Манзилимиз шундоққина Тошкент шаҳрининг салгина шимоли-шарқида, хушманзара жой, шаҳарга келадиган тоза ҳаво ва сув ушбу худудлардан ўтиб келади. Шарқда Ғарбий Тяньшан тоғларининг кўплаб тармоқлари яққол кўриниб туради. Ана шу манзаралар каминани табиатни севишига, унинг гўзалликларидан завқланиш, балки географ бўлишимга ҳам ундаган бўлса ажабмас.

Отам **Ходжиматов Ниғмат** (1.01.1932 й) олий маълумотли бўлмаган бўлсаларда илмли, зехнли инсон эдилар. Узоқ йиллар шу жамоа хўжалигида ғазначи (кассир) бўлиб фаолият олиб борганлар. Кассир бўлган даврларида елкаларига қора сумка осиб олиб навбатма-навбат, бригадама-бригада колхозчиларнинг иш ҳақларини далага олиб бориб, сумкаларидаги термосдан колхозчиларга чой куйиб бериб, иш ҳақларини берганликларини ўз кўзим билан кўп кўрганман. Шу боис дадамиз „Ниғмат кассир“ деган унвонга сазовор бўлган бўлсалар ажаб эмас. Колхозчиларнинг айримлари „тангаси сизга Ниғматжон“ деганларида, тангасини ҳам бериб „болаларингизга қурт олиб берасиз“, деганларини кўпчилик юртдошларим ҳали ҳануз эслашади.

Отамнинг оталари **Ходжимат бувам** бой бўлган эканлар (бу гапни мустақилликкача бировга айтишга чўчир эдим). Қачон туғилганлари ёдимда йўқ. Бувамнинг оилалари Тошкент шаҳридаги „Себзор“ маҳалласи (ҳозирги „Шаршара“ овқатланиш мажмуаси ўринлари) атрофида яшаб, ўша даврлардаги „Ёнарик“ қишлоғи („Маданият“ жамоа хўжалиги ўрни)да дала ҳовлилари бўлган экан, кейинчалик шу ердан макон топишган эканлар. Бу жойда бувам катта

майдондаги ўзларига қарашли ерни атрофларидаги баъзи камбағал инсонларга шу ерга қараб бола-чақаларингнинг рискени топинглар, деб бўлиб берган эканлар. „Ўз ерида одамларни қул қилиб ишлатган“ деб айиб қўйиб, Украинага кулок қилиб юборилганликларидан хабардорман. Энди билсам бувам „кулок“ эмас, ҳозирда ҳамма қарсақ чалиб, ўрниларидан туриб кутиб олган оила гудрати, фермерчиликка асос солганлардан бири бўлган эканлар. У ерлардаги -Украина азобу-уқубатларининг нима эканлигини Набижон ака Боқий ҳамда Ҳожиакбар ака Ҳамидовлар ёзган, беназир инсон Фахриддин Умаровнинг ҳаёт-фаолиятларига бағишланган „Мени ёд эт“ (Т.: Гофир Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000), деб номланган китобни ўқиган одамгина кўз олдига келтириши мумкин. Чунки улар бир тумандан, бир вақтнинг ўзида сургун қилиниб, деярли ўша ерларда ҳам бир жойда бўлишган. Аммо, у ерда Фахриддин ака 4-5 ёшли бола бўлсалар, бувам эсларини таниган, ер-мулк эгаси-бой сифатида жўнатилганлар. Ўша жойлардан ҳам эсон-омон қайтиб, уч қиз, уч ўғилни вояга етказиб, уйли-жойли қилдилар – бир этак набираю чевараларни кўришга Оллоҳ муяссар айлади ва 1987 йилда дунёдан ўтдилар. Мен ўқиш даврим, кейинчалик Низомий номидаги ТДПУ комсомол комитети секретари муовини бўлиб ишлаган даврларимда (1982-1985 йй.) бувамдан Украина „сафарлари“ тафсилотларини сурашдан ийманар эдим, айрим тафсилотларни онажоним, кейинрок эса маҳалламиздаги оқсоқоллар айтиб беришган. Бувам бир нарсани менга кўп ўқтирганлар: „болам учта нарсанинг эгаси бўлмайди: **биринчиси**, стулнинг, қачондир амалга ўтирсанг, қачондир амалдан барибир кетасан; **иккинчиси**, тобутнинг эгаси йўқ, қаерда тобутда бирон инсонни олиб кетишаётганини кўрсанг, югуриб бориб кўтаргин, унга ҳеч ким хўжайин эмас; **учинчиси**, ҳар куни юрадиган йўлинг болам, мен унинг эгасиман, кўча меники, деб кўчанинг ўртасидан юрмагин, машина қоқиб кетади, ўласан, четдан юргин“, деганлар. Отамнинг оналари **Тўхтаҳон ая** (биз уларни ойи, отамнинг оталарини дада, отамни ада, онамни опа, онамнинг оналарини буви, оталарини бува дейишга одатланган эдик) бир умр далада кетмон чопиб, пахта

териб, ипак курти боқиб ўтганлар, ажойиб, жуда юмшоқ феъл, хакикий ўзбекона аёл бўлганлар.

Онам Ўқтамхон Юнус ота кизлари ҳам фақат меҳнат, машаққатлар ила умр ўтказдилар, жамоа ҳўжалигида гўза-пахта парвариши-ю, биргадан ортган кўшимча пилла курти боқиб (чунки



Озод тоғам колхозда биргадир эдилар, кўпчилик боқмай инкор этган курт кутиларни ҳам опалари, яъни бизнинг онамизга боқтиришга мажбур эдилар), ҳаммадан қийин пилла етиштирган бўлсалар ҳам режани бажариб, ҳар йили фахрий ёрлик ва пул мукофотига сазовар бўлар эдилар. Кейинчалик 18-болалар боғчасида фаолият юритиб, махалламиздаги барча боғчага чиқадиган болаларни олдиларига солиб боғчага олиб

борар, кейин ҳаммасини уйма – уй тарқатар эдилар. Ўша болаларнинг деярли ҳаммалари hozирда бува - буви бўлишган. Онамни кўп эслашади.

Онажонимнинг оталари Юнус бува колхозда раис бўлганлар, уруш вақтлари Мирзачўлни ўзлаштиришда оилалари билан қатнашганлар, сўнг уруш жуда даҳшатга кирган паллаларда фронтга жўнаган эканлар. Юнус бувамдан онамнинг айтишларича битта эсталик қолган экан, у ҳам бўлса „қора хат“. Юнус бобомни қачон, қандай ҳолатда вафот этганликлари-ю, қабирлари қайси қишлоқ-шаҳарда эканликларини улардан қолган тўрт фарзанд ҳам, яъни онажоним, Озод тоғам, Насиба ва Вазира ҳолаларим қидира – қидира тополмай, бу ёруғ дунёни тарк этишди (Оллоҳ барчаларини раҳматига олган бўлсин). Аммо, мен Тошкент шаҳрининг юраги бўлмиш „Мустақиллик майдони“даги, „Мотамсаро она“ хайкали рўпарасидаги „Олтин тахтача“да, „Ю.Ибрагимов“ деган ёзувни кўриб, бир хўрсиниб, Юртбошимизга ўшандаёқ қойил қолганим рост.

Онамнинг оналари, бувижоним Ҳожия она ҳам колхозчи бўлиб, сочлари оқарган. Умрларининг сўнги 18 йилини тушакка миҳланиб,

бир кадам босмай ўтганлар. Тоғам ўша даврларда кўрсатмаган шифокорлари қолмаган бўлсада, ҳеч бир шифокор аниқ ташҳис қўя олмаган. Бувижоним тушакда ётган бўлсаларда узоқ-яқиндан умидвор бўлиб келган касалмад болаларни кинналаб, ўт-ўланлардан ётган жойларида ўзлари тайёрлаган қўлбола дорилар билан даволаганларига ўзим гувоҳ бўлганман. Шу туфайли уларни ҳамма „даволовчи дўхтир“, деб аташар эди. Ётган жойларида ҳассалари билан бешик тебратар, ўрниларидан турмай бешикка бола белаб, ечиб, йўргаклар эдилар. Ўғил фарзандлари ёлғиз Озод тоғамлар бўлганликлари учун ёлғизланмасликларини ўйлаб, мени 6 ойлигимдаёқ ўзим боқаман, деб уйларига олиб келишларини отам, онам ва қудаларидан илтимос қилган эканлар. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлган. Илк бор мактабга кадам кўйганимда, рўпараларига ўтқазиб дуо ўқиганлари эсимда. Шу дуо ичида „илоё одам бўлгин“ деганларида, ўзларига узоқ вақт билдирмай „мен одам эмасманми“, деб ҳафа бўлиб юрганман.

Ҳар куни мактабга жўнашдан олдин тоғам 20 тийин берсалар, бувижонимни атрофларида гиргитдон бўлиб яна 20 тийин ишлардим, чунки бувижонимнинг ёстиклари таги кинна ҳақидан тушган пуллар билан тўла бўлар эди. 20 қўшув 20 баробар 40 тийин. Олинган „даромад“нинг 9 тийинга катта битта иссиқ новвойи нон, 20 тийинига лимонад ичимлиги, қорин тўқ. Қолган 11 тийинни йиғилса, бир ойда яна 3 сўм (рубл)га яқин пул бўлади. Умр ўтаверар экан, бу фоний дунёни барча бандалар қачондир тарк этар экан. 1969 йил қиш қаттиқ келган кези 18 декабрда бувижонимизни ҳам Оллоҳ хузуридаги жойларига олиб бориб қўйдик (Илойим жойлари жаннати бўлсин). Ана ўша бувижоним билан дарс тайёрлар эдим. Тоғам, Насиба ва Вазира ҳолаларим ҳар куни кундалик дафтаримни тафтиш қилишар, тоғам мактаб сумкамни ҳар куни титар эдилар (ортиқча нарса йўқ эканмикан деб). Ҳолаларим узатилиб кетишгач ўқишим – тарбиям яккаю – ёлғиз тоғам ҳамда 1965 йилда бизга келинойи бўлиб келган Ойбас келинойим (иккинчи онам) зиммаларида қолди.





Озод тоғам оқ сарикдан келган, қадди - қоматлари келишган, ўта талабчан, қатъиятли, олий маълумотга эга бўлмасаларда (ётган она, опа-сингилларини қийналмасликлари мақсадида ўқишга имкон бўлмаган) зукко, дунёқарашлари кенг, виждон - диёнатли, ҳақиқатгўй, пок – ҳалол инсон бўлганлар. 1936 йилда таваллуд топганлар. Мактабни битириб (11-синф) жамоа хўжалик бригадаси ҳисобчиси (табелчи дейиларди), сўнг 3 - сонли „Комсомол ёшлар бригадаси“ бригадири бўлиб, 1984 йил 6 мартда 49 ёшларида юрак хуружидан қаза қилганлар (илоё жойлари жаннатда бўлсин).



Келинойим билан уч қиз, уч ўғилни дунёга келтириб биронтасининг ҳам тўйини кўрмай кетдилар. Вафот этганларида кенжа қизлари бешиқда бўлган, бу ёғи бу хонадон бошига тушган оғир кунларни ёзишга қаламим ҳам ожиз, буни тасвирлашни юрагим ҳам кўтара олмайди. Келинойим бечора бешиқдаги қизчани ҳам катта қилдилар. Ёшгина умрларининг энг гўзал онларини далада кетмон чопиб, қолган фарзандларини ҳам бировдан ортиқ қилсалар қилиб, кам қилмасдан жой- жойига қўйдилар (илоҳим Оллоҳ умрларини зиёда қилган бўлсин). Мени етти ёшимдан то институтни тугатиб, қўлимга диплом билан „одам“ қилиб онамга топширган ҳам мана шу **Ойбас келинойим** бўладилар, бир умр бошим ерга теккунча таъзим бажодаман. Тоғамлар „Комсомол ёшлар бригадаси“ бригадири бўлган даврларида 3-бригада дала шийпони туман фирқа қўмитаси ёки комсомол комитети раҳбар ходимлари учун иккинчи „аэропорт“ эди. Ҳар куни қанчадан-қанча раҳбар вакиллар шу ерда, кўплари тоғамнинг уйларида меҳмондорчиликда бўлган, ана шу келинойим пиширган

овқатлар, қайнатган чойни ўша вақтларда ичмаган раҳбарлар кам бўлган.

1975 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тугатиб, Озод тоғам ва яқин қариндошимиз „Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист“ ҳозирда Ўзбекистон телевидениясидаги „Ватанпарвар“ кўрсатувининг тамал тошини қўйганлардан бири, ҳамда ўша вақтлар намойиш этиладиган „Мардлик-мангулик“ телекўрсатувининг бошловчиси бўлган Рўзимат ака Мадатовнинг (охиратлари обод бўлсин) маслаҳатлари билан ТошДУ (ЎзМУ)нинг филология ихтисослигига хужжатларимни топширадиган бўлдим. Аммо дўстларим Асатжон Эгамбердиев ҳамда Абдувоҳид Агзамовларга ҳавас қилиб шу даргоҳнинг ҳуқуқшунослик ихтисослигига хужжат топширдик. Бирок, биринчи ёзма иншодан сўнг бошқа имтиҳонларга қатнашиш уччаламизга ҳам насиб этмади, „йиқилдик“. Бу дўстларим ўзларига лойикроқ ишларда фаолият бошлаб, кези келганда ҳарбий хизматни адо этиб келиб, ички ишлар академиясига ўқишга кирдилар. Иккалалари ҳам полковник унвонига эришдилар. Абдувоҳид дўстимизни Оллоҳ хожи деган муяссар даражага ҳам етказди. Меҳнат фаолиятларининг сўнгги, қарийб ўн йилини Тошкент шаҳар ички ишлар тасарруфидаги „Фуқороларни четга чиқариш ва киритишни қайд этиш“ бошқармасида бошлиқ вазифасида ўтказиб, обрў-эътибор, ёруғ юз билан яқиндагина меҳнат фаолиятларини тугатдилар, ҳозир нафақадалар, аммо иккала дўстларимнинг ҳам шогирдлари хали-ҳануз маслаҳат сўраб суҳбатлашишаётганлигига кўп гувоҳ бўламан. Танужонлари соғ бўлсин.

Асатжон дўстимиз узок йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ишлаб, асосий фаолиятларини эса ички ишлар вазирлигининг тергов бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини сифатида поёнига етказиб, нафақага чиқиб, набиралар даврасига кирганларига ҳам хали унча кўп бўлгани йўқ. Омон бўлсинлар.

Камина эса бир йил вақт бекор ўтмасин деб, бир озгина „бойиш“ни орзу қилиб, дўконга сотувчи бўлиш истагида „Шўро бозор“га кираверишдаги Норимбой акам мудирлик қилаётган пойафзал дўкони пештахтаси ортига Усмонжон дўстим ёнига ўтишга

ҳали улгурмасимданок, “сени Эркин тоғанг сўрапти”, деган гапни эшитдим. Дўконнинг шундоққина ортида „Гулистон” матлубот жамиятининг идорасида Эркин тоғам раис эдилар, кейинроқ қайнотам ва чин маънодаги отамиз бўлдилар. Бу инсон онажонимнинг тоғалари Эгамберди дадамизнинг ўғиллари (шу боис биз тоға деганмиз, кейинроқ батафсилроқ тўхталамиз) бўладилар. Хонага кирсам Озод тоғам ўтирибдилар, хайрон бўлдим. Мен киргач фотиҳа бўлди, кўлимга бир пиёла чой тутказиб „одам” бўладиган киши савдода ишласа пулни кетига тушиб кетиб, ўқиш иштиёқи йўқолишини, савдо иши „яхши иш эмаслигини”, ҳозир-замон бир-икки тийин деб қамалиб кетишим ҳеч гап эмаслигини ўқтириб, „оталарча ғамхўрлик” ила йўлимни Озод тоғамнинг бригада далалари, ўзимнинг кадрдон, кўзим очилгандан бери мол боқиб, 2-синфни тугаллабқоқ ёзда янги мактаб кийим олиш дардида ўтоқ қилиб, кетмон чопиб, ўқишга кириб кетсам, бетларини ҳам кўрмай деб, Худодан илтижо қилиб, эндигина чиқиб кетган, яна ўша бепоён - меҳрибоним, далам томон буришди. Ёзда далада жавлон урдим, қиш-қировли совуқ кунлари **Исломжон, Рустамжон** деган мактабдош дўстларим билан жамоа хўжалиги иссиқхонасида эрта кун чиқиши билан кўчат етиштириладиган хандоқлардаги ойнабанд ромлар ва уни устидаги похолни очиб-ёпдик, бошқа вақтларда ўша хандоқларни кўчат экишга тайёрладик, гўнг ташидик, уни эладик, кўчатлар устига сепдик, сув қўйдик... Бу ишларга бош-қош бўлган иссиқхона раҳбари **Раҳмат ота Эркабоев** (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин, яхши, меҳнатқаш, ростгўй, виждонлари пок инсон эдилар)ни, у кишидаги каттик қўллик, ишга талабчанлик, ўзига хос характерни ҳали кўпчилик унутмаган. Хуллас кечаси кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриб, 1976 йилда устозим Исмоил амаким Қўзибоев ва Озод тоғамларнинг маслаҳатлари билан Низомий номидаги ТДПУ „Табиёт-география” факультетининг „География-биология” ихтисослигига хужжат топшириб, биринчи имтиҳондан, географиядан „аъло” баҳо олиб, 3-қават 17-хонада марҳум устозим, география фани бўйича раис, доцент Г.Р.Асанов ҳамда имтиҳон комиссияси аъзолари: М.Асомов ва И.Иноғомовларнинг мактовларини эшитиб ўқишга кирганман. Мондат

комиссияси чоғида марҳум, забардаст тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги Ҳабиб Турсунов кўлимни сиқиб, охиригача 5 йил шундай аъло баҳоларга ўқишга ваъда берасизми болам деганларида ваъда бераман, деб дадил жавоб берганимни эшитиб, яна бир бор ўрниларидан туриб, олдимга келиб кўлимни сиқиб, елкамни силаб, муваффақият тилаганларини хаётимдаги энг қувончли лахзалардан бири деб биламан (Илоҳим охиратлари обод бўлсин). Аслида ҳам шундай бўлди.

Институтни тамомлагунимча юкори стипендия билан ўқидим. Одий стипендия 40 сўм, мен эса 50 сўм олар эдим. Шу пулимни



йўлкира, еб-ичарим, калам, дафтар олишга, айникса, жуда кўпини китоб сотиб олишга сарфлар эдим. Аммо, кийим-бошимга уйдагиларим пул беришар эди. Талабалик „олтин давр“лиги рост, мен ҳам онда-сонда дўстларим билан кинотеатрларга тушардим, ошна-оғайни, курсдошларим туғилган кунлари, тўй-ҳашамларда қатнашар эдим, укам Ғанишер мендан бир ёш кичик бўлиб, мактабни битириб, мен „орзу қилган“ савдо ҳодимига айланди, керак бўлса шу укам, рўзгорга онамга ёрдамга ўтди, ака пулингиз борми?, деб сўрайдиган бўлди. Бошқалари (Ҳамидулла, Лутфулла, Хайрулла, синглим Зулҳумор) ҳам қараб туришмади. Илоҳим барчаларининг тану-жонлари соғ, оилаларига бош бўлиб юришларини Яратгандан сўрайман.



Ўқишнинг биринчи йилидаёқ факультет талабалар касаба уюшмаси аъзоси бўлиб, меҳнат секторига жавобгар тарзда, ҳар куни дарсдан сўнг, институтга нисбатан узокдан ўқишга қатнасамда, юкори курс талабаларини ҳам институт ҳовлисида, факультетга ажратилган майдонда, марҳум деканимиз М.Усмонов, декан муовини Т.Исҳоқовлар билан (иккалаларини ҳам Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) ёнма-ён туриб, бош бўлиб, ободончилик ишларида ҳиссам борлигидан гурурланаман.

Пахта мавсуми бошланди дейилиши биланоқ, устозларим марҳум М.Маҳкамов, Э.Умрзоқовлар ҳамда кадрдоним, ҳаётдаги ва илмга дават этган устозларимдан бири, олижаноб инсон, тарих фанлари доктори, профессор, „Турон“ фанлар академиясининг академиги Қ.Эргашев ҳамроҳлигида умумий сафарбарликдан ўн кунлар аввал Мирзачўлга равона бўлиб, сафарбарликдан сўнг



ҳисоб-китобларни якунлаб, ҳаммадан ўн кунлар чамаси кейин уйга қайтишларимиз ҳамон эсимда. Бу жараён кейинчалик институт комсомол комитети секретари муовини бўлиб фаолият кўрсатган давримда ҳам, кейин икки йил „Иқтисодий география“ кафедрасида изланувчи-тадқиқотчи бўлганимда (1985-1987 йй.) ҳам, кўйингчи талабаларни пахта теримига ялпи сафарбарлик даври поёнига етган йилларгача пешонамга ёзилганлигини билмаган эдим.





Аmmo, ўшанда ректорларимиз: С.Ф.Турсунмухаммедов, Ғ.А.Абдурахмонов, К.Ю.Юсупов; кейинчалик штаб бошлиқлари бўлган проректорларимиз: А.Агоранян, Х.Назаров, М. Сайдаматов, Ю.И.Каплун, З.Давронов каби бебаҳо инсонлар билан бир қаторда бўлганимдан фахрланаман.

Турмуш ўртоғим Дилоромхон билан 1983 йил 5 сентябрда никоҳ тўйимиз бўлган, 39-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Уч фарзанд: икки ўғил, бир қизни вояга етказдик.



Катта фарзандимиз туғилганда Эркин отамизга устоз бўлган, ўша даврларда республикамиз савдо ташкилотларида раҳбар бўлиб ишлаган оқил, қалби пок, дилкаш инсон бўлган эканлар кўп эслардилар, исмлари Зиёдулла (фамилиялари эсимда йўқ), шу инсонга ҳамда ўзимнинг устозим қадирдонларимдан бирлари „умри-риски зиёда бўлсин“, деб ўшаларга ҳавас қилиб **Зиёдулла** қўйдик. Иккинчи ўғлимизни биз учун доимо азиз бўлган инсонлардек азизу-муқаррам, юртда ҳам азиз бўлсин деб, исмини **Азиз** қўйдик. Иккалалари бир вақтда ТДИУни тамомлаб ҳозирда тадбиркорлик йўлини танладилар. Қизимизни ўзимиз билган дили тоза, дилкаш инсонлардек бўлишини истаб, **Дилнораҳон** деб қўйдик. Ҳамширалик коллежларидан бирини битирганлар, ҳозир уйда бизнинг икки набирамизни тарбияси билан бандлар (**Нурмуҳаммаджон** 5 ёшда, **Шаҳзодахон** 2 ёшдалар).



Ўзимизнинг туғишган укамиздек бўлиб кетган укам ва синглимга киз бердик, худди шундай укалар – сингиллардан икки қиз олдик. **Саодатхон** ва **Лолахон** кизларимиз хизматимизда, барака топишсин. Набираларимиз **Рухшонахон** 5 ёшда, **Дилрозхонимиз** 3 ёшдалар, **Шаҳинахон** 2015 йил 11 ноябрда, **Акбаршоҳ** эса 2016 йил 13 январда туғилдилар.

Ҳозирда 6 набираларимизни қўярга жой тополмаймиз, ҳали ҳамон Оллоҳдан бир этагини сўраганмиз, набираларимизнинг ҳам тан-жонлари соғ, юртга нафи тегадиган комил инсонлар бўлишидан умидимиз катта. Илойим ҳаммани ўшандай кунларга етказсин.





**Эркин отамиз** нафакага чиккунча (1935 йил 25 февралда туғилган эдилар) савдо соҳасида узоқ йиллар раҳбар лавозимларда фаолият юритдилар, кўплаб шогирдларга устозлик қилдилар, кўп жойларни обод бўлишида бош-қош бўлдилар, шогирдлари хануз яхши хотиралар билан эслаб туришади, 2005 йил 70 ёшда оламдан ўтдилар, илимли, ажойиб, дилкаш, меҳрибон инсон эдилар. Шу боис кабристонларни зиёрат қилганларимда марҳумлар қабри устидаги мрамар тошларда уларнинг фарзандлари ва шогирдларининг номларидан ёзилган, этинг жимирлаб ўқийдиган таъсирчан жумлаларни ўқиймиз, аммо ҳеч ерда „Сизнинг ҳаёт йўлингиз барчага ибрат бўлсин“, деб ёзилган қабр тошни кўрмадик, илойим жойлари жаннатда бўлсин.

**Тамарахон онамиз** (1941 йил 8 ноябрда туғилган эдилар) жамоа хўжалигида оддий ишчи бўлганлар, сўнг болалар тарбияси-ю, уй юмушлари, ҳар куни узликсиз Эркин отамизни йўқлаб келган меҳмонларни (аксарияти, ўз юмушлари билан маслаҳатга келишарди) кутишга бағишлаган оқила аёл бўлганлар. Тўрт қиз ва икки ўғил боқиб - тарбиялаб вояга етказишди.

Шу олий даргоҳда илк меҳнат фаолиятимни бошлабон менга сабоқ берган устозларимдан ташқари ажойиб олийжаноб инсонлар, забардаст олимлар, етук ташкилотчилар, ректорларимиздан бошлаб зикр этилажақларнинг барчаларини: Қ.Эргашев, З.Давронов, Х.Омонов, С.Аширбоев, Ш.Миркомилов, Р.Исянов, Н.Шербоев, Рабим ва Рахимжон Шоназаровлар, У.Позилхонов, М.Яхеев, Ў.Гадойбоев, А.Ибрагимов, Т.Ризаев, Э.Умрзоқов, Р.Яркулов, С.Тўраев каби; ТДИУ даги фаолиятим мобайнида, эса: Қ.Абиркулов, Б.Ходиев, Р.Алимов, Қ.Алимов, Ш.Шодмонов, Ш.Холмўминов, Ҳ.Ҳамидов, И.Соифназаров, А.Мухторов, Б.Алиев, И.Шодмонкулов, Ш.Тошматов, Ҳ.Ҳақимов, Т.Жумаев, З.Ҳошимов, А.Абдулқосимов сингари инсонларга ҳавас қилдим этакларини тутдим, кўплари билан

дўстлашиб ака-ука тутиндик, ҳаммаларидан ўзимга керагини олдим, олмоқдаман (ўтганларини барчасини Оллоҳ раҳмат қилсин).



1992-1994 йилларда „Табиий ихтисосликлар факультети“да декан муовини бўлиб ишлаган пайтларимда деканим–устозим Равиль Геннадьевич Исяновдан кўп жиҳатлар, яхши фазилатларини олишга интилдим, ҳозир ҳам интиламан.

„Ука сен эртага олим бўласан, олимнинг турмуш ўртоғи ҳам жуда бўлмаганда олий маълумотли бўлиши керак. Эртага келинимнинг ҳужжатларини йиғиб келасан“, деб 1997 йили диплом тақдим этиб, фотиҳа билан йўл кўрсатган Р.Г.Исяновдан оила аъзоларим билан бир умр миннадорчилигимизни яширмаймиз.



1985-1987 йиллар мабойнида „Иқтисодий география“ кафедрасида изланувчи – тадқиқотчилик фаолиятимдаёқ илм йўлига қадам босишимга раҳнамолик қилган; аҳоли жойлашуви билан саноат ва инфратузилмаларнинг ўзаро алоқадорлигини Мирзачўл иқтисодий райони мисолида очиб беришга оид замонавий номзодлик иши мавзусини тавсия этиб, ўзлари илмий раҳбарлик

қила бошлаган география фанлари номзоди, доцент, марҳум **Олимжон ака Асановнинг** олижоноб инсон эканликларини сира унутмайман. Уч-тўрт йиллик изланишлардан соҳага оид кўп нарсалар ўргандим, аммо устознинг умрлари қисқа экан, афсус бу ёруғ дунёни эрта тарк этдилар (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин), бошлаган ишларимиз охирига етмай қолди.

1990-1994 йиллар мобайнида ЎзР ФА „География” бўлимида сиртдан аспирантурани тугалладим. Номзодлик диссертациямни муддатига тугаллаган бўлсамда, ОАК даги ташкилий ишлар туфайли уни устозим, география илмининг доноларидан бири, география



фанлари доктори, профессор, ҳокисор инсон **Асом Алимович Рафиқов** домла (Ярагanning ўзи раҳматига олган бўлсин) раҳномоликларида, коинотдан олинган фотосуратларни ўрганиш асосида 1996 йилнинг 11 декабрида „Оазисные ландшафты пустынной зоны Узбекистана: состояние, оценка и

прогноз возможных изменений (на примере агрогеосистем низовьев Зарафшана и Амударьи)” мавзусидаги иш билан химоя қилиб (ЎзМУда), география фанлари номзоди илмий даражасига эришдим. 2002 йилда доцентлик лавозимига муяссар бўлдим. Юкорида бирмабир номлари санаб ўтилган устозларим, ҳамкасбларим, яқинларим қаршисида, бу оламдан ўтганларининг барчаларининг рухлари олдида бир умр таъзимдаман.



Ҳаётнинг шафқатизлигига химояга чиқишга бир йил қолганда, 1995 йил 28 июль куни онажонимизни Эгамга 63 ёшларида топширганга иқрор бўлдим, 1998 йил худди шу куни, яъни 28 июль куни 65 ёшда отажонимиз билан бир умрга ҳайирлашдик, орадан икки йил ўтиб навқирон ёшда 36 ёшли, туғилган кунидан (14 октябрь 1964 йил) бир ой ўтмай 2000

йил 13 ноябрда автоҳалокат туфайли ота-онасиз қолган биз жигарбандларини Лутфуллажон укамиз чинқиратиб кетди. 2004 йил 18 октябрда Тамарахон онамизни 63 ёшларида, 2005 йил 9 ноябрда Эркин отамизни, 2007 йилнинг ёзида Лутфуллажон укамиздан ёдгор қолган уч ўғилнинг тўнғичи Санжартойни ҳам 17 ёшга тўлмасданок қон йиғлаб кузатиб қолавердик. „Худо ёзганни бандаси ўчира олмаслигига

Ўшандаёқ иқроёр бўлдик”, „Худо берганини бандаси тортиб ололмаслиги”ни кейинроқ пайқадик. Хуллас, 1995 йилдан 2007 йилгача ўтгин 13 йилда 6 та жигарбандларимизни чин уйларига кузатдик. 1996 йил онажоним вафотларидан бир йил ўтиб номзодлик ишимни химояга чиқарганимни инобатга олинса, уни ҳам битта „ўлик кўмиш”га қиёслаш мумкин. Буни фан номзоди даражаларига сазовар бўлган ака-опаларимиз, айниқса: 11.00.01-табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси ихтисослиги бўйича номзодлик илмий даражага эришганлари яхши тасаввур қилишади. Демак, умримизнинг 13-14 йилини укажонларим билан эгнимизда қора чопон, белимизда қора белбоғ, аёлларимиз кўк, қора кўйлақлар билан ўтказганимизга ҳали замон кўп бўлгани йўқ. Нима қилишни билмай, бош қотиб юрган паллаларда „нега мақола ёзмаябсиз?”, деган „дўстлар”ни ҳам кўрдик. Лекин, ёмон гапирмадик, юзига кулиб боқдик, ҳазил мутойибага йўйдик. Гарчанд, 1998 йилда 8 та, 1999 йилда 4 та, 2001 йилда 9 та, 2002 йилда 6 та, (шундан 2 таси ўқув қўлланма), 2003 йилда 3 та, 2004 йилда 7 та, (4 таси ўқув қўлланмалар), 2005 йилда 4 та, (1 таси рисола, 1 таси услубий қўлланма), 2006 йилда 4 та (2 таси ўқув қўлланма), 2007 йилда 1 та ишларимиз эълон қилинганлиги ҳақиқатлигини улар қайдан билишсин. Кези келганда телбаларга ҳам таъзим қилишни, чунки юзта донишманд айта олмаган ҳақиқатни битта телба айта олишини ҳам ўтқир ака Ҳошимовдан билиб олдик ва уни ҳақиқат эканлигини ҳаётда кўриб турибмиз.

Бундай „зиёли дўстлар”, отахон географ – устозимиз, география



фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон География жамияти раиси, А.Солиев домла тоифалаштирган олимлар гуруҳи (2013, 183-б.) таркибида ҳам йўқ (устоз мулоҳаза қилиб бу гуруҳни бермаган бўлсалар ажаб эмас). Улар „ҳеч нима билмайдиган, ҳеч нарса ёза олмайдиган, аммо кимларгадир ёздиришнинг устаси фаранг олимлар” гуруҳида туришганликларини ўзлари ҳам билмайдилар.

Илоё улар ҳам омон бўлсинлар.

Устозларимиз, шогирдларимиз билан бирга ҳавас қилишга арзигулик жамоамиз бор. Доимо уларнинг юзини ерга қаратмасликка ҳаракатдамиз, шогирдлар ҳам анча талайгина бўлди, ёзган ишларингиз бўлса беринг, компьютерда ўзимиз ёзиб берамиз, дегувчи Дилдорахон, Гўзалхон, Гулнозахон, Мунирахон ва Дурдонахон каби магистрантларимиз; дарс бошланмасданок столимга қўллари бўр бўлса артарлар, деб атайин намланган хушбуй хидли арткич муҳайё қиладиган: Нарғизахонлар, чой ичасизми, дамлаб берайми дегучи: Юлдузхон, Гулсиной, Атиргуллар сингари талабаларим-шогирдлар борлигидан қувонамиз, ҳаммаларига Эгам бахт ато этган бўлсин. Одам бўлганлигимиз шу бўлса керак-да. Ишга борсак уйни қумсаймиз, уйга келсак университетни қумсаймиз, бу нима... Иш столимизнинг бир томонидан қўлларида тор - совлари билан „Мени ёд эт“, деб Фахриддин ота Умаров кўз боқиб турган бўлсалар, бир томонимизда „Битикларимдан баҳраманд бўлинг“, деб – Ўткир Ҳошимов кулимсираб термулиб турган бўлсалар, бу нима?



айтилганини ич-ичимдан ҳис қиламан...

Забардаст **ИНСОН**, Худо юқтирган ширали овоз соҳиби, ҳаёт йўлимдаги устозларимдан бирларининг устозлари **Фахриддин Умаровнинг** Ёдгор бахши сўзи билан айтиладиган қўшиқларини эшитганимда жонимга ором киргандай бўлиб, худди бизга ўхшаганларга қарата

**Дерлар, одам боши қаттиқдир тошдан,  
Ҳаётда нималар кечмайди бошдан,  
Яшашга тобланинг темирдек ёшдан,  
Қайталанмас умр, увол бўлмасин...**

Халқимизнинг атоқли адиби Ўткир Ҳошимовнинг битикларида кўзим тушди: “Одамзот ҳаётининг ўзи нима? Инсон бу фоний дунёга

нимага келади-ю, нимага кетади, деган саволни ўйлаб кўрмаган киши бўлмаса керак. Чиндан ҳам инсон ҳаётининг ўзи нима?

Чамамда, „Номай-аъмол“, „Умр китоби“ деган гаплар бежиз айтилмаган. Ҳар банданинг умри бир китобга ўхшайди. Умр китобининг дебочаси одам хали тўғилмасданок Аллоҳнинг ўзи томонидан битиб қўйилади. Дебочанинг номи „Пешонага битгани“ ёки „Тақдири азал“ деб аталса ажаб эмас.

Инсон оқ-қорани таниб, онгли ҳаёт кечира бошлагач, ўзининг „Умр китоби“ни ўзи ёзишга киришади. Ҳар куни, ҳар лаҳзада... Синов даври деб аталмиш бу паллада бандаси қилган жамики яхшию ёмон амаллар ёзилиб бораверади. Умр поёнига етган куни китоб ҳам ёпилади.

Сўнг барчаси ҳисоб-китоб қилинади-да, Хотимани тагин Яратганининг ўзи битади. Савоб кўп бўлса – бир тараф, гуноҳ кўп бўлса...

Умр китобига эзгу саҳифаларни кўпроқ ёзиш ҳар бандага насиб этсин...”.

Биз мазкур рисолада исми-шарифлари зикр этилган ва этилмаган марҳум устозларимиз ҳаққига дуо атаб, улар руҳларини шод этмок истагида Ҳожимурод Ҳожи ота ўғиллари Ҳабибулло Ҳожи-қори акамизга юзландик. Қори акамиз илтимосимизни бажону-дил қабул айладилар:

**“Оллоҳум марҳамна бил Куръонил азим**

**Важиал хулано ҳужжатан ёр раббил оламин**

**Би раҳматка ё архамар роҳимин.**

Шунингдек, Сизлар фаолият олиб бораётган педагогика олийгоҳидаги барча ходимлардан ўтиб кетган ота-оналари-ю, яқинларини ҳам Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин. Кечагина мўътабар 80 ёшини нишонлаган олий даргоҳингиз бундай ёшлардан кўпларига эришсин. Сизларга жонажон диёримиз келажаги бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ишларингизда аввало соғлик-саломатлик, ижодларингизга барака, ўзаро иноқлик ато этсин. Юртимиз, жамоаларимиз, оилаларимизда тинчлик барқарор бўлсин. **Омин”**.

Раҳмат, бизга билдирган барча яхши дуо-ниятларингиз Ўзингизга ҳам узоқ йиллар ҳамроҳ бўлсин. Оллоҳ ҳузурида жаннатларда ёруғ юз билан учрашайлик, омон бўлинг, омон бўлайлик бизлар ҳам.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Миллий камолот йўллари // ЎзР Президенти И.А.Каримов асарларидан олинган ҳикматли фикрлар мажмуаси / И.А.Каримов; тўплаб нашрга тайёрловчи А.Сулаймонов. Т.: Ўқитувчи, NMIU, 2010.
3. Аббосов С.Б. Географик тадқиқотлар фидойиси // Ўз ГЖ Ахбороти, 23-жилд, 2003, 218-219-б.
4. Ақромов З.М., Зокиров Ш.С. Хотира // Ўз ГЖ Ахбороти, 23-жилд, 2003, 290-б.
5. География ва кадрятлар // Илмий семинар материаллари. Т.: Университет, 2001.
6. Миракмалов М.Т. Гуломов Потихкамол Носирович. Т.: Университет, 2007.
7. Раҳимбеков Р.У., Раимов Т.И. ... Тошкент давлат университетининг География факультети. Т.: Ўқитувчи, 1976.
8. Саитқаримова З., Алимқулов Н., Мирзамахмудов О. Профессор Ҳурбой Ваҳобовнинг ибратли ҳаёт йўли // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Респ. Илм-амал. Конференция материаллари. ТДПУ, 2015, 464-467-б.
9. Халилова Х.Т. Устоз ҳақида хотира // Ўз ГЖ Ахбороти, 23-жилд, 2003, 219-220-б.
10. Ҳисомов А. ва бошқалар. Ўзбекистонда география. Т.: Ўқитувчи, 1969.
11. Ходжиматов А.Н., Қамбарова Д.М. География таълими жонқуярлари. Т.: Г.В.Плеханов номидаги РИА Тошкент шаҳар филиали, 2005, 1-нашр.



## МУНДАРИЖА

<b>СУЗ БОШИ</b> .....	4
<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ</b> .....	5
<b>ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖОНКУЯРЛАРИ</b> .....	9
Долимов Н.Д. ....	9
Набихонов М. ....	13
Ақромов З.М. ....	17
Мўминов О.А. ....	20
Асомов М.А. ....	25
Баратов П. ....	28
Ғуломов П.Н. ....	34
Абдуллаева Т.Б. ....	38
Мусаев П. ....	44
Асанов Г.Р. ....	53
Сафаров И. ....	58
Расулов М.Ф. ....	62
Юнусова М. ....	67
Рафиқов А.А. ....	70
Масудов Х.С. ....	76
Қўчқоров А. ....	80
Қурбонниёзов Р. ....	88
Ваҳобов Ҳ. ....	91
<b>ИЛҒОР МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ</b> .....	96
Норимов Ш. ....	96
Дақибоев Р. ....	98
Қўзибоев И. ....	99
Худойназаров Ғ. ....	100
Иқромов И. ....	103
<b>ХОТИМА</b> .....	106
<b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	127

**Ходжиматов А.Н., Султанова Н.Б., Қамбарова Д.М.**

## **ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖОНКУЯРЛАРИ**

Nashriyot litsenziyasi: AI № 271. 15.07.2015.

Qog'oz bichimi: 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Times New Roman gamiturasida terildi.

Shartli bosma tabog'i: 8,25.

Buyurtma № 72 Adadi: 300 nusxa.

«Adabiyot uchqunlari» MChJ nashriyotida bosmaga tayyorlandi va chop etildi. Toshkent shahri Bunyodkor shohko'chasi 28-uy.